

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДИЛДОРАХОН АБДУЛЛАЕВА, ХУРШИДА ПОЛВОНОВА**

**ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

**(Ўрта асрлар шарқ адабиёти, туркий тилда сўзлашувчи қардош  
халқлар адабиёти)**

**(Университет ва институтларнинг 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиши  
(ўзбек тили) таълим йўналишлари учун ўқув қўлланма)**

**Андижон - 2020**

## **ЖАҲОН АДАБИЁТИ**

**(Ўрта асрлар шарқ адабиёти, туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар адабиёти)**

**Дилдораҳон Абдуллаева, Хуршида Полвонова**

Ушбу ўқув қўлланмадан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги университет ва институтларнинг Филология ва тилларни ўқитиш таълим йўналиши (5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) тасдиқланган ўқув режасидаги “Жаҳон адабиёти” фанининг шарқ адабиёти ҳамда туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар адабиёти қисмини ўқитишда фойдаланиш назарда тутилган. Кўлланмада шарқ адабиётининг умумий хусусиятлари, айrim йирик ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди, асарларининг таҳлили, шунингдек туркий халқлар адабиётининг муштарак хусусиятлари, халқ оғзаки ижодида, хусусан туркий халқлар достонларидағи аналогик хусусиятлар, озарбайжон, турк, қозоқ, қирғиз, туркман шоир ва адибларининг ҳаёти ва ижоди, улар яратган йирик ва машхур асарлари таҳлили берилган. Жаҳон адабиётида эътироф этилган йирик асарлар батафсил таҳлил қилиб берилган. Мазкур кўлланмадан “Жаҳон адабиёти муаммолари”, “Модерн адабиёти”, “Туркий халқлар адабиёти”, “МДҲ адабиёти”, “Бадиий асар таҳлили” каби фанларни ўқитишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тақризчилар:** Д.Ҳ.Қуронов – филология фанлари доктори, профессор

З.Қобилова – филология фанлари номзоди

## **Кириш**

Шарқ адабиёти қадимдан кўплаб халқларни, олимлару шоирларни қизиқтириб келган. Бу адабиёт дурдоналари жаҳон тамаддуни ва тафаккури тарихида ўзига хос ўринга эга. Айниқса, ўрта аср шарқ адабиёти майдонида етишган шоир ва адибларнинг номлари ва улар яратган асарлар жаҳон адабиётининг зарҳал варақларига киритилган. Одам уш шуаро номини олган Рудакий, азим “Шоҳнома” муаллифи Фирдавсий, рубоий устаси Умар Хайём, “Маснавийи маънавий” эгаси Жалолиддин Румий, хамсачилик асосчиси Низомий Ганжавий, соҳиби девон Ҳофиз, “Гулистон”у “Бўстон”лар яратган Саъдий, “Ҳафт авранг” ижодкори Жомий, туркий заминдан етишган шоир Хусрав Дехлавий – уларнинг яратган асарлари умумжаҳон бадиий тафаккурига хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда жаҳон халқлари ўртасидаги адабий-маданий алоқаларни ривожлантириш, уларнинг ўзаро тотувлигини янада мустаҳкамлаш давр талабидир. Олий ўқув юртлари дастурига “Жаҳон адабиёти” фанини киритилишининг туб сабаблари бор. Биринчидан, ҳозирги даврдаги сиёсий мақсадимиз янги Ўзбекистонимизни халқимиз билан биргаликда қуриш бўлиб, миллат ва халқларнинг эркинликлари қонунийлашган даврда яшамоқдамиз. Ҳар бир халқ бошқа бир халқнинг тарихи, маданияти, санъати ва адабиётини чуқур билса, бу унинг фаровон келажаги учун ҳам омилдир. Иккинчидан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшайдиган турли миллатлар ва халқларга ўз анъана ва меросини тиклаб, ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш имкони ҳам берилган. Давлатимиз томонидан жаҳон халқлари, шунингдек туркий халқлар билан нафақат дипломатик, балки маданий-адабий соҳаларда ҳам самарали алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, қирғиз, қозоқ, қорақалпок, озарбайжон, туркман, турк адибларининг таваллуд кунларига бағишлиланган илмий-амалий анжуманлар, тадбирлар, адабий кечаларнинг ўтказилиши, “Республика байналминал маркази”нинг фаолият олиб бораётганлиги, радио ва телевидениеда жаҳон тилларида дастурлар ва эшилтиришларнинг

мунтазам намойиш этилиши, мазкур тилларда матбуот нашрларининг мавжудлиги мамлакатимизда “Туркистон умумий уйимиз” ғоясини шакллантиришда муҳимдир. Умумтуркий халқларнинг ўзига хос адабиёти, санъати ва маданияти, урф-одат ва анъаналари, тарихий-адабий меросини ўрганиш орқали улар билан инсонпарварлик, тинчликпарварлик йўлидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш мумкин.

Инсоният тарихи тараққиётида қадимги туркийларнинг муҳим ўрин тутганниклари, жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшганниклари тарихшунослар томонидан эътироф этилган. Эрамиздан аввалги асрларда сак, массагет қабилалари Турон заминда яшаган бўлсалар, VI аср охирларида турк ҳоқонлиги чегаралари Византия, Эрон, Ҳиндистон ва Хитойгача бориб етган<sup>1</sup>. Бу ҳудудларда яшаган туркий халқлар қадимдан ўзининг тарихи, маданияти, тили, ёзуви, санъати ва адабиётига эга бўлганлар. Туркий қавмга мансуб халқларнинг тарихий илдизлари бир, тили, дини, урф-одат ва анъаналари, қадриятлари муштарак бўлиб, даврлар ўтиши билан айрим ўзига хосликлар пайдо бўлган. Қадимдан ёнма-ён яшаган туркий халқларнинг адабиёти ҳам ўзаро таъсир ва адабий алоқалар натижасида тараққий этган. Туркий қавмга мансуб айрим халқлар миллий ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиши асносида бошқа туркий халқлар билан ҳам ўзаро алоқа ва муносабатда бўлган ҳамда адабиётларининг ривожида бир-бирини бойитган. Бу халқлар адабиётини алоҳида ва қиёсий-типологик ўрганиш умумтуркий адабиёт масалаларини ҳал этишда аҳамият касб этади.

Дунёдаги ҳар бир халқнинг ўзига хос бетакрор тарихи, маданияти, адабиёти бор. Муайян халқнинг тарихи шунчаки кечмиш, воқеа-ҳодисалардангина иборат бўлмайди, балки шу воқеа-ҳодисалар рўй берган вақтда бунёд этилган маданият, санъат ва адабиётдан ҳам таркиб топади. Ҳар бир халқ, миллат яратган маданият, санъат ва адабиёт шу халқнинг миллий мероси ва бойлиги саналади ҳамда шу халқнинг номи билан аталади, бирор

---

<sup>1</sup>Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. –Тошкент: “Фан”, 2007.- 9-бет.

туркий халқ томонидан яратилган мерос ўз навбатида барча туркий халқларнинг умуммаданий мероси ҳисобланади.

Шарқ халқларига, шунингдек, юртимизнинг тарихий-ижтимоий заминига алоҳида эътибор қаратар экан, Президентимиз Ш.Мирзиёев шундай дейди: “Маълумки, туркийзабон давлатлар халқлари ноёб ва бебаҳо маданий, тарихий ва маънавий меросга эга бўлиб, улар бутун инсониятга тегишли. Мамлакатларимизда туркий ва ислом цивилизациясининг тарихий обидалари, буюк алломалар, шоирлар, мутафаккирлар ва санъаткорларнинг мероси сақланиб келинмоқда. Ушбу бебаҳо бойлик бутун инсониятга тегишли, зиёрат туризмини ривожлантириш орқали уни бутун дунёга кўрсатиш керак. Иқтисодий индустря каби туризм ҳам давлатлар ва халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди”<sup>1</sup>.

Туркий заминдаги адабиёт — халқнинг орзу-умидлари, интилишлари – бадиий-эстетик идеалларини ифодаловчи восита сифатида майдонга келган. Бу адабиёт ҳар хил адабий тур ва жанрларда тараққий топиб борди. Шеърий ва насрый асарлар адабиётнинг асосий кўринишини ташкил этади. Қадим замонлардан бери давом этиб келаётган адабиёт ва унинг ўзига хос тараққиётида тўпланган билимлар йигиндиси фаннинг предмети, бу билим ва тажрибаларни келажак авлодларга етказиш, ўргатиш фаннинг вазифасини белгилайди. Жаҳон адабиёти фани адабиёт тарихи йўналишидаги соҳалардан бири ҳисобланади. Бу фан жаҳондаги барча халқларнинг узоқ йиллар, асрлар давомида яратилган адабиётини ўз ичига олади. Фан сифатида ҳар бир халқнинг бадиий адабиётини, унинг тарихий тараққиётини ўрганади ва ўргатади.

Ҳеч бир тарихий тараққиёт бир хилда текис ва равон кечган эмас, доимо кўриниши, шакли, мазмуни ўзгариб, ҳар ўзгарганда янги хусусиятлар қасб этиб келган. Туркий халқлар адабиёти тарихи ҳам турли замонларда гоҳ кўтарилиш, гоҳ сусайишлар билан тараққиёт йўлидан борган. Ҳеч бир

---

<sup>1</sup> Sof.uz Шавкат Мирзиёев Туркия газетаси учун мақола ёзди 19.10 21:54 845 Ўзбекистон

халқнинг адабиётини унинг тарихий давридан айри ҳолда ўрганиш мумкин бўлмаганидай, туркий халқлар адабиётини ҳам ўз асл моҳиятидан келиб чиқиб таҳлил этиш зарур. Аслида, дунёда қайси халқ бўлмасин, унинг адабиётини, тарихини холислик ва илмийлик тамойиллари асосида текшириш тўгри бўлади.

Қўлланма жаҳон адабиёти курси учун тузилган бўлиб, бу курс республикамизнинг педагогика институтлари ва университетларида филология мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олувчи талабаларга ўқитилади. Курсни ўқитишдан мақсад жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти тарихининг энг қадимги давр ёдгорликлари, халқ оғзаки поэтик ижодидан то бугунги кунга қадар бўлган даврдаги адабий жараён, маданий муҳит ҳамда ёзувчи, шоир ва драматурглар ҳаёти ва ижоди, уларнинг асарларида олға сурилган ғоялар билан таништиришdir. Олий таълим муассасалари учун тузилган дастурда кўрсатилганидек, жаҳон адабиёти фанининг мақсади “бадиий адабиёт тарихи ва адабий-назарий тафаккур тадрижининг шахс ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш, талабаларнинг адабий-эстетик тафаккурини, юксалтириш, илмий мушоҳаданинг вужудга келиши кўникмаларини ҳосил қилиш, фаол ижодкорлик руҳи ва масъулиятини шакллантиришдан иборат.

## **I. ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АДАБИЁТИ ФИРДАВСИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

**Режа:**

1. Абулқосим Фирдавсийнинг ҳаётига доир.
2. “Шоҳнома” асарининг ёзилиш тарихи.
3. Достоннинг тузилиши, ғоявий-бадиий хусусиятлари, қаҳрамонлари ҳақида.

**Таянч сўз ва иборалар:** Фирдавсий, Маҳмуд Ғазнавий, “Шоҳнома” достони, “Шоҳнома” асарининг тузилиши, достон қаҳрамонлари, “Шоҳнома” достонида мифологик ва тарихий образлар.

Абулқосим Мансур Ҳасан Фирдавсий Тусий тахм. 934 йилда Тус шаҳри яқинидаги Табарон (айрим манбаларда Бож) қишлоғида дехқон оиласида туғилган. Унинг отаси Тус шаҳри ҳокимининг боғида боғбонлик қилган деган маълумотлар учрайди. Дастребки саводини чиқаргач, Тус ва Нишопур шаҳарларидағи мадрасаларда таҳсил олади. Араб ва паҳлавий тилларини ўрганади. Жуда кўп илм, фан асосларини ўзлаштиради. Шу сабабли уни “ҳаким”, яъни донишманд деб аташади. У ёшлигидан бадиий ижод билан қизиқади, шеърлар машқ қилади. Бироқ илк шеърлари ҳозиргacha етиб келмаган. Фирдавсий қадимий юнон, эрон, ҳинд адабиёти, тарихи, фалсафасини чуқур ўрганади. Унинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонини ёзгани тахмин қилинади. Фирдавсийнинг сарбозлик қилгани, яъни аскар бўлгани айтиб ўтилади. Шунингдек Тус яқинидаги она қишлоғида ота касби боғдорчилик ва дехқончилик билан шуғулланган.

Фирдавсийнинг ёшлиқ йиллари сомонийлар ҳукмдорлиги даврига тўғри келади. Ҳукмдорлар ўзларининг шонли тарихини муҳрлаб қўйиш, шоншухрат қозониш учун катта бир асар яратишни Абу Мансур Дақиқийга топширадилар. Шоир минг байт битганида фожеали вафот этади, шундан сўнг Бухоро амири Нуҳ ибн Мансур Сомоний (бошқа манбада Маҳмуд Ғазнавий) Фирдавсийни хузурига чақириб “Шоҳнома” достонини битказишни буоради.

Фирдавсий “Шоҳнома” достонини ўттиз йил давомида ёзади. Достон 60 минг байтни ташкил қиласи. Асарнинг ёзилгандан кейинги тақдири хусусида турли туман ривоятлар учрайди. Достоннинг ҳар бир мисрасига бир олтин динор ваъда қилган Маҳмуд Ғазнавий асар якунлангач, 120 кумуш динор юборади. Бундан аччиқланган Фирдавсий кумуш тангаларнинг бир қисмини хаммолчига, иккинчи қисмини шарбат сотувчига, учинчи қисмини уни олиб келган кишига бериб юборади. Шоирнинг бу хатти-ҳаракатларидан хабар топган Маҳмуд Ғазнавий (айрим манбаларда Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавийни ҳажв қилгани учун) шоирни фил оёқлари тагига ташлашни буюради. Фирдавсийнинг ёр-дўстлари уни огоҳлантиришади ва шоир Ғазна шаҳридан чиқиб кетишга мажбур бўлади. Узоқ вақт мусофирикда Ироқ ва Бағдодда умр кечиради. Йиллар ўтгач, Султон Маҳмуд Ғазнавий ғуз қабиласи билан (бошқа манбада Ҳиндистондан қайтаётганда бир қалъани эгаллаш пайтида) жангу жадал олиб бораётганда музокара ва ёзишмалар вақтида унга мардлик, жасорат мазмунидаги шеърий жавоб йўллашади. Ғазнавий бу шеър кимники, деб қизиққанида, улар Фирдавсий номини айтадилар. Маҳмуд Ғазнавий хатосини англаб, тиллалар (айрим манбаларда 60 минг олтин динор) ортилган туя карvonларини Тусга Фирдавсий ҳузурига жўнатади. Шаҳарнинг Рудбор дарвозасидан карvon кириб келаётганида, Разон дарвозасидан шоирнинг тобути чиқаётган эди. Айтишларича, ушбу тиллаларни шоирнинг қизига тортиқ этишганда, у ҳам олишдан бош тортган.

Фирдавсий 1030 йилда вафот этади. Уни “рофизий”ликда айблашиб, ўша давр руҳонийлари мусулмонлар қабристонига қўйилишига қарши бўладилар. Шоирни отасидан қолган кичик чорбоғга дафн этадилар.

“Шоҳнома” ҳажман энг йирик асар бўлиб, жаҳон адабиётида алоҳида ўрни бор. Достон Эрон ва Турон халқларининг тўрт минг йиллик тарихини қамраб олади. Асарни ўрганган олимлар уни З қисмга бўладилар: 1) Энг қадимги афсона ва ривоятлар баён қилинади. 2) Халқ қаҳрамонлари ҳақидаги ривоят ва қиссалар баёни. 3) Тарихда ўтган шоҳлар ҳаёти ҳикоя қилинади.

Достонда энг қадимги даврдан то сосонийлар подшоҳи Яздигард III давригача, яъни арабларнинг Эронга бостириб киришигача бўлган воқеалар тасвиранади. Воқеалар қамровининг кенглиги, минглаб персонажларнинг иштироки, композицион қурилишининг мураккаблиги, юздан ортиқ сюжетларнинг бир тизимга бирлаштирилиши билан ўзига хосдир.

“Шоҳнома” 4 сулола, 50 дан ортиқ подшоҳларнинг тарихига битилган бўлса ҳам, унда халқдан чиқкан қаҳрамонлар, ботирлар, оддий халқ вакилларининг ватан учун кураши, садоқати тараннум этилади. Достондаги воқеалар эрамизгача бўлган 3223-йилдан бошланади. Тарихи баён этиладиган тўрт сулола қўйидагилардир: а) пешдодийлар сулоласи - эрамизгача бўлган 3223-782-йиллар; б) каёнийлар сулоласи - эрамизгача бўлган 782-50-йиллар; в) ашконийлар сулоласи - эрамизгача бўлган 50-йилдан эрамизнинг 150-йилига қадар; г) сомонийлар сулоласи - эрамизнинг 150-651-йиллари.

“Шоҳнома” достонидаги воқеалар моҳиятига қўра одатда уч қисмга бўладилар: 1) Мифологик; 2) қаҳрамонлик; 3) тарихий қисмлар. Мифологик қисмга энг қадимги давр воқеалари ва “Авесто”дан олинган миф, мифологик сюжетлар киради. Қаҳрамонлик қисмига эса эрон ривоятлари мансуб ҳисобланади. Тарихий воқеликлар баёнига Рустам, Сиёвуш, Искандар, Исфандиёр, Бахром Гўр билан боғлиқ сюжетлар киради.

Достоннинг аҳамияти шундаки, у келгусидаги яратилажак “Хамса”ларга замин бўлди. “Шоҳнома”даги Искандар, Бахром кабилар “Хамса”нинг тўртинчи ва бешинчи достонлари қаҳрамонлариdir.

Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ер юзидағи биринчи ва машхур подшо Жамшид ҳақидаги достон билан бошланади. Тахмурасп Жамшиднинг отаси бўлиб, унинг вафотидан кейин ўғли тахтга чиқади. Унга нафақат одамлар, девлар ва жониворлар бўйсунар эди. Жамшид жуда узоқ яшайди, етти юз йил ҳукмронлик қиласди. Бу даврда темир кашф этилади, ҳарбий қуроллар ишлаб чиқилади, хаммоллар қурилади, одамлар юнгдан кийим-кечаклар тикишни, тўкишни ўрганадилар. Ғишт қўйиш, қаср ва бинолар қуриш, тоғлардан

маъданлар ковлаб олиш ишларини ўзлаштирилар, табобат ривож топди. Илк марта кемалар қурилиб, одамлар сув йўли билан ўзга мамлакатларга боришиň ўргандилар. Жамшиднинг буйруғи билан самода парвоз қиласиган таҳт қурилди. Девлар таҳтни осмонга қўтариб учирган вақтни одамлар “Наврўз” деб атадилар. Жамшид даврида ўлим йўқ, қаҳатчилик мавжуд эмас эди. Шу боисми подшо кибру ҳавога берилиб кетиб ўзини “Худо” деб атади. Халқ ундан юз ўгиради, ўзларига Захҳокни подшо қиласилар. Захҳок Эрон таҳтига келганда Жамшид қочиб кетади. Уни халқ юз йилдан кейин Чин дарёси яқинидан топиб ўз қасдини олади.

Захҳок минг йил хукмронлик қиласиди. Унинг даврида сехр жоду, хурофот авж олиб, илм, маърифат сусаяди. Жамшиднинг сингиллари Арнавоз ва Шаҳрнозни Захҳок тутқунликда сақлаб, уларга сехр жодуни ўргатади. Захҳокнинг елкасида иккита илон ўсиб чиққан эди. Шу боис уни “Захҳоки Морон” (“мор” – илон) деб аташар эди. Ана шу илонларга одамнинг миясини пишириб едирап эдилар. Захҳок бир куни туш кўради: учта йигитдан бири хўкиз бошли гурзиси билан Захҳокнинг бошига уриб, Дамованд тоғига судраб олиб боради. Захҳокнинг тушидаги йигит Фаридун эди. Достонда иккисининг кураши, темирчи Кованинг Фаридунга ёрдам бериши ҳикоя қилинади. Охири Захҳокнинг туши ҳаётда рўй беради: Фаридун хўкиз бошли гурзи билан Захҳокнинг бошига туширади, унга овоз келадики, Захҳокни ўлдирма, Дамованд тоғига олиб бор. Фаридун бу буйруқни бажаради.

Манучехр давлатидаги Сом узоқ вақт ўтиб фарзандли бўлади. Боланинг юзи жаннатмонанд, лекин соchlари оқ эди. Сомга бу ёқмайди ва ўғлини ўлдиришни буюради. Болани Элбурз тоғи этагига олиб борадилар. Бу ерда Семурғ макон тутган эди. Семурғ гўдакни олиб уясига, болаларининг ёнига қўяди. У қуш болалари билан вояга етади. Сом эса бир куни туш кўради: Ҳинд тоғидан бир одам пайдо бўлиб, унинг орқасида бир қул сипоҳ билан келар эмиш. Унинг бир томонида мўъбад, иккинчи томонида эса бир

донишманд бор экан. Тушнинг таърифини билишдан аввал Сом ўғлини қайтариб келиш учун Элбурз тоғига боради. Унинг ўғли Золга Семурғ ўз патидан бериб, бошига бирор қийин кун тушса, уни куйдиришни ва ўша заҳоти ёрдамга етиб келишини айтади. Сом ўғли Золни Сейистонга олиб келади. Сом Мозандарондаги исёнчиларни бостириш учун кетганда ҳокимиятга Золни кўтаришади. Зол илм ўрганади, ҳарбий ишлардан ҳам сабоқ олади. Кунлардан бир куни Зол Мехробшоҳ билан сухбатда бўлади. Мехробшоҳ Захҳок наслидан эди. Унинг қизи Рудобани Золга мақтаб, таърифлашгандан сўнг унга ошиқ бўлади. Рудобанинг ҳам Золга ишқи тушади. Уларнинг аҳду паймонидан қизнинг онаси Синдўхт хабар топиб бу никоҳга қарши бўладилар. Лекин юлдузшуносларнинг башорати бу никоҳни хайрли деб билиб, улардан ажойиб паҳлавон туғилишини, Эрон шоҳларининг хизматида бўлгувчи Рустамдан маълумот беришади. Рустам онадан жуда бақувват, паҳлавон бўлиб туғилади. Достоннинг кейинги қисмларида Рустамнинг етти саргузашти: оти Раҳш билан девларни енггани, жангдан сўнг ов қилиши ва булок сувига етиши, аждаҳо билан жанг қилиши, жодугарни ўлдириши, Авлодни енгиши, Аржанг дев билан кураши, оқ девни ўлдириши воқеалари баён этилади.

Рустам Турон чегараларига овга бориб, қулонларни тутиб ўтда пишириб еб ухлаб қолади. Унинг оти Раҳшни шу ердаги одамлар тутиб Самангонга олиб борадилар. Рустам уйғониб отини излаб, Самангонга боради. Самангон шоҳи Рустамга бир кеча қолишини, унинг отини эса топилишини айтади. Шоҳнинг қизи Тахмина тунда Рустамнинг олдига келади. Тахмина Рустамдан ўғил кўради, унинг исмини Сухроб қўядилар. Лекин Рустам ўз юртига қайтиб кетгани учун ўғли ҳақида ҳеч нарса билмайди. Сухробга онаси унинг аждоди ҳақида гапириб беради. Вояга етган Сухроб бобоси Сомга ўхшар эди. Сухроб Эрон шоҳини маҳв этиб, таҳтни отаси Рустамга олиб беришни, ўзи эса Туронга подшо бўлишни ният қиласи. Эронга юриш қилганида Афросиёб Рустам ва Сухробни танишига йўл

кўймайдилар, ўғилнинг отани ўлдиришини кўзлайдилар. Жанг майдонида Сухробга фақат Рустамгина тенг кела олишини билиб, Рустамни хат орқали чақирадилар. Сухробнинг қўли баланд келганда Рустам, одатимизга кўра илк курашда йиқилганни ўлдирмайдилар, дейди. Иккинчи марта кураш тушганларида Рустам Сухробни йиқитади ва ўлдиради.

Кейинги достон Сиёвуш ҳақида бўлиб, у билан боғлик саргузаштлар баёни берилади. Тус ва Гев Турон тупроғида бир қизни учратиб қолишади. У Афросиёбнинг укаси Гарсеваз авлодидан, она томонидан Фаридунга боғланар экан. Иккиси ҳам қизга эга чиқмоқчи бўлганда, уларнинг тортишувини ҳал қилиш учун ҳамроҳлардан бири, бу қизни Ковусшоҳга олиб боришни, у масалани ҳал қилиб беришини маслаҳат берадилар. Ковусшоҳ эса бу ихтилоф ҳал бўлди, қиз шоҳга муносиб дейди. Қиз Ковусшоҳдан ўғил туғади. Уни Сиёвуш деб атайдилар. Рустам Сиёвушни тарбия қиласи. Сиёвуш вояга етганда Ковуснинг ёш хотини Судоба уни йўлдан урмоқчи бўлади ва унга тухмат қиласи. Сиёвушга иккинчи марта тухмат қилинганда уни оловдан оти билан сакраб ўтишини, агар у пок бўлса ўтда куймаслигини айтадилар. Сиёвуш оловдан сакраб ўтади. Турон шоҳи Афросиёб Эронга ҳужам қилганда Сиёвуш ўгай онанинг фитналаридан кутулиш учун жангга киради. Қаттиқ жанг боргач, Афросиёб билан Сиёвуш сулҳ тузади, бу эса Ковусга ёқмайди, Сиёвуш ва у бошлиқ аскарларни ўлдиришни буюради. Сиёвуш Афросиёбдан бошқа юртга ўтиб кетишига йўл беришни сўрайди. Афросиёб Сиёвушни саройда олиб қолади ва қизи Фарангисни унга никоҳлаб беради. Афросиёбнинг укаси Гарсеваз Сиёвушни тахтга эга чиқади, деб уни ўлдиртиради. Унинг хотини Фарангисдан эса Кайхусрав туғилади.

“Шоҳнома”да эзгулик ва ёвузликнинг кураши, вафо ва хиёнат, ватанга муҳаббат, ор-номус кабилар тараннум этилади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Фирдавсий таржимаи ҳолини сўзлаб беринг.
2. “Шоҳнома” достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари қандай?

3. Асарнинг шухрати нимада деб ўйлайсиз?
4. Асадаги мифологик ва тарихий сюжетлар ҳақида сўзланг.

**xxx**

**“Шоҳнома”дан**

**Каюмарс**

Нақлин бошлаб дейди сўзамол дехқон,

Жаҳон тожин илк бор киймиш қай инсон?

Илк бор шоҳлик тожин кийган киши ким

Тарихин эслолмас бирорта ҳаким.

Ота сўзин такрор этади ўғил,

Бободан отага ўтади нақл.

Улуғлик аввало кимга бўлди ёр

Ким бўлди бундайин номга сазовор.

Қадим номаларни ўқиган доно

Ботирлик қиссасин айлабон ифшо.

Дейди: “Одат қилмиш тахту тож, кулоҳ

Каюмарс номли шоҳ, саодатли шоҳ”.

Ҳамал буржга кириб қолганда офтоб,

Жаҳон ёриб кетди, нурланарди об.

Осмон шодлигидан кулиб боқарди,

Ер юзи ёшариб, чечак тақарди.

Каюмарсга жаҳоншоҳлик буюрди,

Илк бора манзилин тоғ ичра қурди.

Тахту баҳтин топиб тоғдан фаровон,

Йўлбарс терисидан қиласарди чопон.

У бошлаб инсонни қилди парвариш,

Янгиланди кийим кечак ва емиш.

Ўттиз йил оламда шоҳлик қилди у,

Нур сочиб, қуёшу моҳлик қилди у.

### **Адабиётлар:**

1. Холмўминов Ж., Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни – Т., 2012.
2. «Шаҳнома»нинг туркча таржумаси. Чўлпон. «Маориф ва ўқитғувчи» журнали. 1925 йил, №5—6.
3. ziyor. Абулқосим Фирдавсий.
4. Фирдавсий А. Шоҳнома. (Сайланма). – Т., 2012.

### **УМАР ХАЙЁМ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ Режа:**

1. Умар Хайём ҳаёти ҳақида.
2. Ижодий фаолияти.
3. Умар Хайём ижодининг илмий жиҳатдан ўрганилиши, асарларининг таржималари.
4. Умар Хайём рубоийлари таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** форс шеърияти, Умар Хайём, рубоий устаси, Умар Хайём рубоийлари, Умар Хайёмнинг фалсафий қарашлари.

Жаҳон адабиётида Умар Хайём номи билан таниқли бўлган шоирнинг асл исми Ғиёсиддин Абулфатҳ Умар ибн Иброҳим Хайём Нишопурӣ, тахаллуси Хайёmdir. Умар Хайём 1048 йил, 18 майда Нишопурда ҳунарманд оиласда таваллуд топади. “Хайём” тахаллуси ота касби “хайма”дан олинган бўлиб, чодирни англатади. Шоирнинг ота-боболари чодир тикувчи бўлганлар.

Бўлғуси шоир дастлаб Нишопурда таҳсил олади, сўнг Бухоро, Самарқанд, Балхда ҳам бўлади. Балхда давр олимларидан бири Муҳаммад Мансурдан таҳсил олади. Тож-тахт учун кураш сулолалар ўртасида авж олган вақтда Умар Хайём Балхдан кетишга мажбур бўлади. У Самарқанд қозикалони Абутоҳир хузуридан паноҳ топади, кейинроқ эса Бухоро ҳокими Шамсулмулк Қораҳоний даргоҳида бўлади. Умар Хайёмни салжуқийлар ҳукмдори Жалолиддин Маликшоҳ ва унинг вазири Низомулмулк саройга таклиф қиласидилар, олим ва шоир расадхона ташкил қиласиди. Исфаҳондаги

мазкур расадхонада Умар Хайём 1074-1079 йилларда йил тақвимини кашф қиласди. Маълумотларга кўра мазкур тақвим Европада 500 йил кейин жорий қилинган Григориан календаридан ҳам аниқроқ бўлган. Бадиий ва илмий ижодда ўзини Ибн Синонинг шогирди билган Умар Хайём устозининг асарларини, хусусан “Хутба” фалсафий рисоласини арабчадан форсчага таржима қилиб, шарҳлаб берган. Умар Хайём илм-фанга оид асарларини ёзишда устозига эргашган.

Жалолиддин Маликшоҳ 1092- йили вафот этгандан кейин, у курдирган расадхона ва бошқа илм даргоҳлари бузиб ташланади. Умар Хайём бир неча ҳамроҳлар билан ҳажга кетади. Қайтишда эса салжуқийларнинг янги пойтахти Марвга келади. Умар Хайём 1097 йил Хуросонда табиблик билан шуғулланади, шу даврда форс тилида “Борлик умумийлиги ҳақида” рисоласини ёзади.

Олим ва шоир умрининг сўнгти ўн-ўн беш йилларини Нишопурда муҳтожлик ва ёлғизликда ўтказади. Кўп мутолаа қиласди. Айрим маълумотларга кўра, ҳаётининг сўнгги дамларида устози Ибн Синонинг “Шифо китоби”ни ўқиади. Китобнинг “Ягоналик ва умумийлик” бўлимига келган вақтида хат чўпни саҳифага қистириб қўяди ва сўнгги ибодатни бажаргач оламдан ўтади. Бу воқеа 1123 йилда Нишопурда рўй беради.

**Ижодий фаолияти.** Умар Хайём математик, астроном, файласуф ва шоирдир. У алжабр, ҳандаса, дин, маданият, мусиқа соҳаларига оид ўн бешга яқин илмий асарлар ёзган. Унинг “Рисолат ул-кавн ва-т-таклиф” (“Коинот ва унинг вазифалари ҳақида рисола”), “Рисола фи-л-вужуд” (“Борлик ҳақида рисола”), “Рисола фи куллиёти вужуд” (“Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола”) асарлари ўз даврида, бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. У 1077 йилда юонон олими Евклиднинг асари билан танишиб шарҳлар битади. Бу асар „Рисола фи шарҳи мо ашкала мин мусодарат китоб ул - Иклидис“ („Евклид китоби мұқаддималаридағи мушкулотлар шарҳи ҳақида рисола“) деб номланади. Унда бутун сонларнинг илдизини топиш йўллари кўрсатиб

берилган. „Рисола фил бароҳийн ала масойил ал-жабр вал-муқобала“ (“Алгебра ва муқобала (қаршилик назарияси) исботлари ҳақида рисола”), “Мушкулот ул-хисоб” (“Арифметика мушкулотлари”) асарларида у юонон олимларининг аниқ фанларга доир қарашларини араб тилида шарҳлаб, бу илмий назарий ечим ва хулосаларни тадрижий давом эттирган. Шунингдек математик, физик тенгламаларнинг моделларини ишлаб чиқкан.

Умар Хайёмнинг тақвим тузиш, табиат ҳодисаларини аниқлаш, юлдузларни кузатиш ишларининг мантиқий давоми сифатида “Наврӯзнома” асари майдонга келган. Бу асар XII аср форс насрининг дурдонасиdir. Асарда Наврӯзнинг пайдо бўлиши, унинг генезиси, шарқ халқларининг байрам вақтида ўтказиладиган урф-одат, анъана ва маросимлари ҳақида маълумотлар берилади, халқ ўртасида мавжуд ҳикоят ва ривоятлар келтирилади.

Умар Хайём бадиий ижод билан маҳсус шуғулланмаган, шоирликка даъво ҳам қилмаган, асарларидан девон тузмаган. Асосан рубоийлар ижод қилган ва уларни илмий асарлари ҳошиясига битиб қўйган. Умар Хайёмни илмий асарлари эмас, ҳошияларга битилган рубоийлари дунёга машҳур қилди. Умар Хайём рубоийларининг сони ўн биттадан бир минг икки юзтагача деб белгиланади.

Умар Хайём ҳақида Низомий Арузий Самарқандий 1156 йилда ёзилган “Мажмуаи наводир” (“Нодирлар ҳақида мажмуа”) асарида “хужжат ул-ислом”, яъни “ислом ҳужжати” деб юксак баҳо беради.

Умар Хайём жаҳон адабиётида рубоий устаси деб эътироф этилади. Рубоийларининг ҳаммаси ҳам шоирга тегишли эмас, деган қарашлар ҳам бор. Сабаби куфр, даҳрийлик ва бошқа шунга ўхшаш мавзуларнинг рубоийларда ифодаланиши “хужжат ул ислом” баҳоси берилган Умар Хайём дунёқарashi учун тамоман зиддир. Бундай рубоийларни ислом динига қарши баъзи кишиларнинг ўзлари тўқиб чиқарган, деган фикрлар бор. Сўнгти

изланишларга кўра Лондонда сақланаётган Умар Хайём рубоийлари қўлёзмасининг сохталиги аниқланди<sup>1</sup>.

**Умар Хайём ижодининг илмий жиҳатдан ўрганилиши, асарларининг таржималари.** Умар Хайём ва унинг рубоийлари ҳақида XVIII asrдан кейин изланишлар олиб борилди. Дастребаки тадқиқот Оксфорд университети профессори Томас Гайдга тегишли бўлса, сўнгра Фон Гомер Биргестел ва Меме Николослар тадқиқот ишларини олиб бордилар. 1859 йили инглиз шоири ва таржимони Эдуард Фицжералд Умар Хайёмнинг 70 та рубоийсини таржима қиласди. Инглиз тилидаги таржима орқали жаҳоннинг бошқа тилларига ўтирилади ва Хайём рубоийлари кўплаб халқларга етиб боради.

Умар Хайём рубоийларини дастлаб Ўзбекистонда Шоислом Шомуҳаммедов ўзбек тилига таржима қиласган. Кейинроқ Жамол Камол, Эргаш Очиловлар шоир рубоийларини ўзбекчалаштирганлар.

Маълумотларга кўра, Америкада Умар Хайём асарлари асосида театрлаштирилган сахна асари, Лондонда маҳсус хайёмхонлар саройи мавжуд. Уларда шоир рубоийлари ҳам аслида, ҳам таржимада бадиий сўз усталари, моҳир нотиқлар томонидан ўқиласди. Шарқда бундай сахна асари —“Ўз-ўзим билан суҳбат” Тожикистон халқ артисти Маҳмуджон Воҳидов томонидан яратилган. Шерали Жўраев, Фарруҳ Зокировлар ҳам Хайём рубоийлари асосида кўшиқлар яратганлар<sup>2</sup>.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Умар Хайёмнинг ижодий фаолияти ҳақида нима биласиз?
2. Шоир рубоийларининг мавзу ва ғояси қандай?
3. Қўйидаги рубоийларни таҳлил қилинг.

**xxx**

---

<sup>1</sup>[http://www.ziyouz.com/index.php?option=com\\_content&task=view&id=354&Itemid=49](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task=view&id=354&Itemid=49)

<sup>2</sup> [http://www.ziyouz.com/index.php?option=com\\_content&task=view&id=354&Itemid=49](http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task=view&id=354&Itemid=49)

Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз,  
Ақл кўзин қораси — жавҳари ҳам биз.  
Тўгарак жаҳонни узук деб билсак,  
Шаксиз унинг кўзи — гавҳари ҳам биз.

\*\*\*

Сен-мендан олдин ҳам тун-қун бор эди,  
Айланган фалак ҳам бутун бор эди.  
Тупроққа авайлаб қадамингни қўй,  
Бу тупроқ қора кўз бир нигор эди.

\*\*\*

Кулол дўконига кирдим бир сафар,  
Дастгоҳда ишларди уста қўзагар,  
Гадо қўлидан-у, шохнинг бошидан,  
Кўзанинг бўйни-ю дастасин ясар.

\*\*\*

Бизлар бўлмасак ҳам жаҳон бўлғуси,  
Бизлардан на ному нишон бўлғуси,  
Аввал-ку йўқ эдик, етмовди ҳалал  
Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлғуси.

### Адабиётлар:

1. kh-davron kutubxonasi. Mumtoz fors she'riyatidan
2. “333 ruboiy”. Toshkent: “Musiqa”, 2007. Jamol Kamol tarjimalari.
3. Habibulla Jo‘rayev “Sharq yulduzi” jurnali, 2015. 3-сон.  
<https://saviya.uz/ijod/adabiyotshunoslik/bobur-va-umar-xayyom/>

## РУДАКИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

### Режа:

1. Рудакий таржимаи ҳоли.
2. Адабий мероси ва ижодининг ўрганилиши ҳақида.
3. Рудакий асарларининг маърифий аҳамияти.

**Таянч сўз ва иборалар:** Рудакий, форс-тожик шеъриятининг асосчиси, “Одам уш-шуаро”, “Қарилиқдан шикоят”, “Калила ва Димна” достони таржимони, “Синдбоднома” муаллифи.

ابو عبدالله جعفر بن محمد بن حکیم بن عبدالرحمن بن ( )  
آدم ( ) 860 (243 х.й.) йилда Самарқанд яқинидаги Панжрудак (хозирги Тожикистон республикасида) қишлоғида дехқон оиласида таваллуд

топади. У шоир, адиб, созанда, форс олими, форс шеъриятининг асосчиси. Рудакийни форс-тожик адабиётининг Одам уш-шуароси (Одам Атоси) деб атайдилар. Дарҳақиқат, форс-тожик адабиётининг шаклан ва мазмунан ривожида шоир ижоди катта аҳамиятга эга.

Рудакий яшаган даврда Мовороуннахрнинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Миср, Сурия каби давлатлар билан савдо-сотик, адабий-маданий алоқалари ижобий ҳолатда эди. Айниқса, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Марв, Нишопур, Балх, Зарафшон каби шаҳарлар йирик марказлардан бўлиб, бу ерда илм-фан, маърифат, маданият ривожланган эди.

Рудакий ёшлиқ чоғидан адабиёт, шеърият, нотиқлик билан қизиқди. Унинг мусиқадан устози Абул Аббос Бахтиёр бўлиб, шоир бу фанни ҳам жуда яхши ўзлаштиради. Дастребки саводини ўз қишлоғида чиқарган Рудакий мукаммал таҳсил мақсадида Самарқанд шаҳрига боради. Тез орада билими ва иқтидори туфайли Самарқанд ва Бухорода, шарқ мамлакатларида шуҳрат қозонади. Бу даврда Бухорода Наср II ибн Аҳмад Сомоний ҳукмдорлик қиласи бўлиб эди. Рудакий адабиёт, мусиқадан ташқари фалакиёт, тасаввуф, фалсафа, юонон фалсафаси каби фанларни мукаммал ўзлаштирган.

Бухоро ҳукмдори Наср II ибн Аҳмад Сомоний Рудакийни Бухорога, саройга таклиф қиласи. Шоир бир неча вақт Бухорода яшайди. Рудакийнинг онадан тугма кўзи ожиз бўлиб туғилганини айтадилар. Баъзи манбаларда эса Наср II ибн Аҳмад Сомоний томонидан шоирнинг кўзига мил тортиб кўр қилингани ва саройдан ҳайдалгани кўрсатилади. Бунинг сабаби саройдаги фитна-фасод, иғволар туфайли Рудакийни қарматлик<sup>\*</sup>да айблайдилар. Адабиётшунос Э.Очиловнинг берган маълумотга кўра “1956 йили шоир калла суюгини текшириб кўрган антрополог-ҳайкалтарош М.Герасимов кўз

---

\* Қарматлар – исмоилийларнинг асосий шаҳобчаларидан бири тарафдорлари. Қарматлар ҳаракати 9-а. охирида жанубий ироқда вужудга келган, Сурия ва Яманга тарқалган. Деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва хунармандлардан ташкил топган. Улар аббосийлар халифалигига қарши кўзғолонларга бошчилик қилган. Қарматлар ерга жамоа эгалигини, умумий тенглик гояларини тарғиб этишган. (Қарматлар – hadis.uz. <https://hadis.uz/term>)

косасида қолган излардан шоирнинг кўзи кўйдирилиб кўр қилингандигини аниқлади”.

Шоир Рудакий Бухордан ўз қишлоғига келиб умрининг охиригача қашшоқликда шу ерда яшайди. Рудакий 941 йилда вафот этади, уни ўз қишлоғида дафн этадилар.

Шоир ижодий мероси. Рудакий ижодий меросини 700.000 мисрадан 1 млн. 300 минг мисрагача деб белгилашади. Мұхаммад Авфийнинг берган маълумотига кўра шоир адабий мероси юз китобдан иборат бўлган. Рудакийдан бизгача етиб келган асарларининг ҳажми 1840 мисра деб белгиланади. Бу асарлар икки қасида, ғазал, қитъа, эллик рубоий ва маснавий жанрига мансуб. “Модари ман”, “Дар васфи Бухоро” ва “Шикоят аз пири” (“Қариликдан шикоят”) қасидалари машҳур бўлган. Рудакийнинг “Калила ва Димна” достонидан 88 мисраси етиб келган. Шоирнинг “Офтоб даврони”, “Ароис ан-нафоис” (“Нафис куртаклар”), “Синдбоднома” достони ҳам бўлгани таъкидланади.

Рудакий ҳаёти ва ижодининг ўрганилишида турли даврларда яратилган тазкира, тарихнависликка оид манбалар асос бўлади. XII аср шоири Рашид Самарқандий биронта шоир Рудакий сингари кўп асар ёзмаган, деб маълумот беради. Ас-Сомонийнинг «Китоб ул-ансаб» асарида “Рўдакийнинг шеърлар тўплами Ажам (араблар яшамайдиган) мамлакатларда машҳур. Айтишларича, Рудакий биринчи бўлиб форс тилида шеър ёзган шоирлардандир”, дейилган. Мұхаммад Авфийнинг “Лубоб ул авбоб” асарида шоир асарлари юз китобдан иборат экани айтилади. Бухоро хукмдорининг яқин дўсти Абуфазл Балъамий Рудакий ҳақида “У фақат машҳур шоир бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг етук олими ҳам эди” деб баҳо беради. Давлатшоҳ Самарқандий эса “устод Рудакий адвор ва мусиқий фанида тамом кувватга эга эди... унинг илмлар ва кўп фанлардан воқифлиги бордир.

Шеърият турларидан қасида ва маснавийни (ҳам) яхши айтар эрди. Устод Рудакий хосу авом олдида баланд мартабага эришган”<sup>1</sup> дейди.

Абдураҳмон Жомий “Баҳористон” асарида Рудакий ҳақида: “саккиз ёшида Қуръонни хатм қилиб, қориликка ўтган ва шеър ҳам ижод қила бошлаган. Чиройли овози туфайли ашула айтиш ва уд асбобини чалишга киришиб, бу санъатда маҳорат кўрсатди” деб ёзган эди.

1957 йида Рудакий шеърлари Мунирхон Муинзода томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб чоп этилади. Ўзбек китобхонлари илк бор Рудакий асарлари билан танишадилар. Шоир асарлари етук таржимон Шоислом Шомуҳаммедов томонидан ҳам таржима қилиниб икки марта нашрдан чиқади. Садриддин Айний: “Устод Рудакий ўз шеърларидан девон тузган дастлабки шоирдир”, — деб маълумот беради<sup>2</sup>.

Шоислом Шомуҳаммедов шоир ҳаёти ва ижодини ўрганар экан, у ҳақда: “Рудакий араблардаги шеър ўлчови арузни чуқур ўрганиб, ўз халқи орасида кенг тарқалган қўшиқлар қуйига татбиқ қилиш натижасида бир неча янги вазнлар ихтиро қилиб, арузни бойитган”<sup>3</sup> деб ёзади.

Рудакий маснавийлари ва рубоийларини академик шоир Ғафур Ғулом ҳам таржима қилган. Адабиётшунос олим Эргаш Очилов ҳам Рудакий ҳаёти ва ижодини ўрганган ва асарларини ўзбекчалаштирган.

Рудакийнинг шеър ва маснавийларида инсон ҳаёти, умрни гўзал ва мазмунли ўтиши зарурлиги, маънавий фазилатлар васфи кабилар ҳақида ибратли фикрлар баён қилинади. Айниқса, унинг

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ёки:

Ҳар киши олмаса ҳаётдан таълим,

<sup>1</sup> Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (Б. Аҳмедов таржимаси). — Тошкент, 1981. 23-бет.

<sup>2</sup> Айний С. Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд (Мақолалар). — Тошкент, 1967. 193-бет.

<sup>3</sup> Шомуҳаммедов Ш. Одамийлик иншоси. — Тошкент, 1984.

Унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим  
мисралари ўзбек китобхонларининг кўнглидан жой олган.

xxx

## МАСНАВИЙ

Жаҳоннинг шодлиги йифилса бутун  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун.

Ҳар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,  
Аччикроқдир доно дўстдан айрилиқ.

Одамдан юқори туаркан олам,  
Билим ошиromoққа мухтождир одам.

Ақлли кишилар ҳар қайси тилда,  
Ҳар қандай замонда, ҳар қайси хилда

Билимларни тўплаб, ҳурмат этдилар,  
Тошларга нақш этиб, битиб кетдилар:

Одамлар қалбининг чароғи билим,  
Ёмондан сақланиш яроғи билим.

Агар менга бирор душманлик қиласа  
Ёки ёмон ният билан интилса,

Доимо дўстликни кўзлайман унга,  
Мулойимлик билан сўзлайман унга.

xxx

Кўн боригаю Ҳақни этиб ёд яша!  
Дил берма такаллуфгаю озод яша!  
Ғам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,  
Сендан-да факирларни кўриб, шод яша!

xxx

Йўқлар мени йўқласа тасодиф ёлғиз,  
Холим сўрама сўзимдан ўзга ҳаргиз.  
Жон лабга келар бўлса, кўзим мардумидан  
Ўзга киши қатра сув томизмас, афсус...

xxx

Йўлчи йўли ёришар чироғингдан, ёр,  
У ўлмаса бас ҳажру фироғингдан, ёр.  
Куйган жигар ҳиди жаҳонни тутди,

Келмасми куюк ҳиди димоғингдан, ёр?!

xxx

Сенсиз бу офтоби жаҳонсўз бўлмас,  
Сенсиз бу чироғи оламафрўз бўлмас.  
Мендек сенга ошиқ каби ҳаргиз бўлмас,  
Гар қўрмасам оразинг, менга рўз бўлмас.

xxx

Ишқ ичра, Рудакий, кўзга кўринмас жон,  
Қонли йифидан бўлди бу киприк маржон.  
Рашқ оташида фироқ азоби ғамидан  
Мен қовриламан дўзахийлардек нолон.

xxx

Ғам манзилида асли жафокаш бизмиз,  
Кўз ёши-ла қўнгли тўла оташ бизмиз.  
Оlam не ситам қилса, ситамкаш бизмиз,  
Нохуш бу ҳаётда забуну ғаш бизмиз.

xxx

Кўнглим ишига шу зулфи-ку солди тугун,  
Жон томирига юз орзу солди тугун.  
Бор-йўқ умидим йифидан эрди, афсус,  
Бўғзимга висол кечаси у солди тугун.

xxx

Тўйдирмадими кўнглингни жабру жафо?  
Кўзинг эриб оқмас боқсанг менга қиё.  
Мен сени яқинроқ тутаман жонингдан,  
Сен бўлса менга ёвуз ғанимсан гўё.

#### **Адабиётлар:**

1. 100 Марказий Осиё мутафаккирлари. Т.: «Yangi nashr», 2011
2. Абу Абдулло Рудакий. Бобо Тоҳир. Сайланма. — Тошкент, 1994. 7—81-бетлар.
3. Абдураҳмон Жомий. Баҳористон (Ш. Шомуҳамедов таржимаси). — Тошкент, 1997. 67—68-бетлар.
4. Айний С. Асарлар. Саккиз жилдлик. 8-жилд (Мақолалар). — Тошкент, 1967. 193-бет.
5. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони (Б. Аҳмедов таржимаси). — Тошкент, 1981. 23-бет.
6. Инжулар уммони. — Тошкент, 1988. 11—57-бетлар;
7. Каримова Ф. Ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалалари (адабий алоқалар). — Наманган, 2012.
8. Рудакий. — Тошкент, 1957.
9. Шомуҳамедов Ш. Одамийлик иншоси. — Тошкент, 1984.

## ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

Режа:

1. Ҳофиз Шерозий ҳаёт йўли.

2. Ижодий фаолияти.

3. Асарлари таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** форс шеърияти, Ҳофиз Шерозий, Ҳофиз девони, Ҳ.Шерозий ғазаллари.

Ҳофиз Шерозий (1326-1389) шарқ шеъриятининг етук вакили, лирик шоир ва мутафаккирдир. Унинг асл исми Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз бўлиб, Эроннинг Шероз шаҳрида таваллуд топади. Шоирнинг таржимаи ҳолига доир тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ Ҳофиз шеърларидағи хасби ҳол мазмунидаги байтлар орқали унинг ҳаёт йўлидан, турмуш тарзидан боҳабар бўлиш мумкин.

Ҳофиз Шероз шаҳрининг Мусалло маҳалласида савдогар оиласида туғилади. Унинг авлод-аждодлари савдогарлик билан шуғулланганлар. Шу боис ҳам “хожа” номини қўшиб айтганлар. Ҳофиз Шерозийнинг бобоси Исфаҳонлик бўлиб, Шероз шаҳрида савдо-сотик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Ҳофиз Шерозий оиласида уч ўғил бўлиб, у тўнғичи эди. Шоирнинг отаси эрта вафот этади ҳамда оила моддий қийинчилиқда қолади. Ҳофизнинг тирикчилик машаққатлари сабабидан 1882 йилда Бомбейда нашр этилган девонда унинг новвойчилик қилгани қайд этилган. Айтишларича, шоир топган маблагининг бир қисмини ўзига ва оиласига, яна бир улушкини мадрасага, қолганини муҳтоҷларга сарфлаган.

Илм-фанни мукаммал ўзлаштирган Ҳофиз Шерозий мадрасада мударрислик қиласи. Ҳофиз Шерозий фикҳ, ҳадис, Қуръони Карим илмларини, араб тили ва адабиётини ўқиб ўрганади. Қуръонни 14 усулда қироат қила оладиган маҳоратга эга бўлади. У Қуръони Каримни ана шундай ўқий олгани, қиссаҳонлик кечаларида халқ китобларини ёқимли овоз билан ўқигани учун уни “ҳофиз” деб атаганлар. Кейинчалик бу ном унга тахаллус

бўлиб қолди. Шоир моҳир хаттот ҳам бўлган. Қуръони Каримни китобат қилган, шунингдек турли китобларни, Ҳусрав Дехлавийнинг “Хамса”сини кўчирган<sup>1</sup>.

Шоирнинг адабиёт ва шеъриятга иқтидорини секин-аста шаклланган. Бу ҳақда баъзи бир ривоятлар келтирилади: “Ҳофиз яшаган даврда Шероз Эроннинг илмий-маданий марказларидан бири эди. Саройдаги расмий адабий муҳитдан ташқари, шаҳар ҳунармандларининг қиссаҳонлик ва шеърхонлик давралари ҳам машҳур эди. Ҳофизни тарбиялаган ва элга танитган ана шу давралар бўлади. Бўлажак шоир бу давраларда иштирок этар ва баъзан ўз ижодидан намуналар ўқир эди. Лекин унинг шеърий машқлари ҳали ҳомлиги ва қиёмига етмаганлигидан кўпинча танқидга учрас, шинавандаларнинг ҳазил-мазахларига сабаб бўлар эди. Уни баъзан эрмак қилиш учун бундай давраларга атай чақирганлар. Бу тақдирлардан безган Муҳаммад бир куни машҳур шайх ва шоир Бобо Кўҳий қабрини зиёрат қилиб, ўзининг баҳтидан ўқсиб-ўқсиб йифлаганича мозор бошида ухлаб қолади. Тушига бир нуроний зот кириб: «Йўлга туш, сенга илм эшиги очилди», дейди. Ҳофиз кўзини очар экан, тилида қуйидаги матлаъли ғазал айланади:

Душ вақтам сахар аз ғусса нажотам доданд,  
В-андар он зулмати шаб оби ҳаётам доданд (235).

Мазмуни: «Кеча сахар палласида мени қайғудан халос айладилар ва у зулмат тунида менга оби ҳаёт тутқаздилар». Авлиё зиёратидан қайтар экан, йўлда яна шинавандалар йўлиқадилар ва бирор-бир янги шеър ўқиб беришини сўрайдилар. Шоир ушбу ғазалини ўқир экан, ҳамма унга таҳсин ўқийди”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> “Хамса”нинг иккинчи ва тўртинчи достонларининг қўлёзма нусхалари ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик илмий тадқиқот институти жамғармасида 2179 рақами остида сақланади.

<sup>2</sup> Каримова Ф. Ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалалари. (Адабий алоқалар). – Наманган, 2012. 30-б.

Ҳофиз Шерозий баъзи вақтлар шоҳларнинг саройларида хизмат қилган. Жумладан, шоҳ Шужоъ Музаффарийнинг (1358-84) тахтга чиқишини кутлаган, шоҳ Мансурни (1388-92) улуғлаб, унга 6 ғазал, 1 қасида ва соқийнома бағишланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд<sup>1</sup>. Шоир аксарият умрини йўқчиликда ўтказади, бу ҳолат унинг шеърларидан англашилади. Шоир асарларида шоҳлар томонидан қувилганини баён қилади. Ҳофиз кўп умрини Шероздан чиқмай ўтказган. Бир сафар Исфаҳон ва Яздда бўлган. Бироқ шоир шеърлари атрофдаги давлатларда ҳам машҳур бўлган. Масалан, Бангола ҳукмдори Султон Гиёсиддин, Дақан подшоҳи шоҳ Маҳмуд Баҳманийлар ўз саройларига чақириб, шоирга совға саломлар жўнатганлар<sup>2</sup>. Султон Аҳмад ва Увайс Жалойирий Бағдодга таклиф қилганлар. Лекин шоир бу таклифларнинг барчасини рад қилган. Шоир ҳақсўз ва адолатпарвар бўлгани учун юқори табақа вакилларига маъқул бўлмаган, улар Ҳофизни ўз измига солишни истаганлар. Адабиёт ва маърифатни ҳурмат қилган шайх Абуисҳоқ Инжу шоирни қўллаб турган, унга ҳомийлик қилиб ёрдам кўрсатган.

Ҳофиз Шерозий яшаган давр мўғуллар ҳукмронлиги тугаб, хонликларнинг майда бўлиннишлари оқибатида вужудга келган сиёсий парокандалик вақтига тўғри келади. Шероз шаҳрида беш марта урушлар рўй берган. Эллик йил давомида олти марта подшо алмашган.

Шоирнинг шахсий ҳаёти, оиласи ҳақида етарли маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ шоирнинг Шоғнабот исмли қизга муҳаббати тўғрисида ривоятлар бор. Бу воқеа ҳақиқат бўлса, шоир Шоғнабот билан оила қурган, уларнинг икки ўғли бўлиб, бири эрта қазо этган, Шоғнўймон исмли иккинчи ўғли эса Ҳиндистонда вафот этиб, уни Буронпурда дафн қилганлар. Ҳофизнинг хотини ҳам ёш ўлиб кетади.

<sup>1</sup> [www.wikipediya.uz](http://www.wikipediya.uz). Hofiz (shoir). Ergash Ochilov.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба.

Ҳофиз 1389 йилда Шерозда вафот этади. Уни Мусалло боғига дағн  
этадилар. Кейинчалик боғга шоир хотираси шарофати билан “Ҳофизия” номи  
берилади. Адабиёт ихлосмандлари, шоирлар, ижодкор ахли бу ерни зиёрат  
қиласылар. Темур шаҳзодалардан Абулқоси Бобур ва кейинроқ эрон  
хукмдорларидан Каримхон Занд шоир қабрини обод қилиб, сагана ва  
мақбара қурдирғанлар. Ушбу сағанага шоирнинг қуйидаги байти битилган:

Бар сари турбати мо чун гузари, ҳиммат хоҳ,  
Ки зиёратгоҳи риндони жаҳон хоҳад буд.

Мазмуни: “Мозорим устидан учар бўлсанг, ҳиммат иста, чунки у бутун  
жаҳон риндларининг зиёратгоҳи бўлғусидир”.

Ҳофиз Шерозийнинг адабий мероси биргина шеърлар девонидан  
иборат. Шоирнинг ўзи лирик девон тузишга уринмаган. Девонни эрон  
адабиётшуноси Муҳаммад Гуландом (ҳижрий 827, мелодий 1423 йил) тузган.  
Бу девон Европа ва бошқа давлатларда нашр учун асос ҳисобланган.

Ҳофиз Шерозий мумтоз шеъриятнинг саккиз жанрида: ғазал, қитъа,  
рубой маснавий, мухаммас, соқийнома, таржиъбанд, қасида кабиларда  
асарлар битди. Ҳофиз девонидан 4 қасида, 495 ғазал, 34 қитъа, 2 маснавий, 41  
рубой ўрин олган.

Ҳофизнинг шоирлик истеъдодига турли давр шоирлари ва  
адабиётшунослари юксак баҳо берганлар. Шоир асарларининг  
фалсафийлиги, маъно қатламишининг серқатламлилиги, услубининг  
муракқаблиги, сўзларни турли мақомга солиб турлантира олиши жиҳатидан  
“лисон ул-ғайб” — “ғойибнинг тили” таърифини берганлар. “Шоирлар  
раҳнамоси Ҳофиз Шерозийнинг аксар шеърлари латиф ва табиий, баъзилари  
эса равонлик ва ёрқинликда мўъжиза чегарасида... Ҳофиз шеърларида  
сунъийликдан ҳеч асар бўлмагани учун «лисон ул-ғайб» лақабини бердилар”,  
деб ёзади Абдураҳмон Жомий. Алишер Навоий Ҳофиз Шерозийни  
“исонафаслик ринди Шероз” деб атаган бўлса, немис шоири Г.Гёте “ноёб  
услуб даҳоси”, “муқаддас Ҳофиз” дейди. Ҳофиз девонидан таъсирланиб

“Шарқу Ғарб” девонини яратади. Жумладан, у шоир шеърларидан таъсиранганини қуйидагича ифодалаган экан: “Мен ақлдан озяпман. Агар ғазалнависликка ўтиб, қўнглимга бир оз таскин бергудек бўлмасам, тўсатдан ҳаётимга кириб келган бу ғайриоддий шахсиятнинг ғаройиб таъсирини кўтара олмайман”. Гёте Ҳофизни “Шарқнинг Вольтери” деб айтган экан. Ҳинд шоири ва мутафаккири Мухаммад Иқбол Ҳофизга “буюк сехргар” деган ном беради.

Ҳофиз Шерозий асарлари Хуршид, Муинзода, Чустий, Васфий, Шоислом Шомуҳамедов, Жуманиёз Жабборов, Эркин Воҳидов, Жонибек қувноқ, Мирзо Кенжабок, Сирожиддин Саййид, Олимжон Бўриев, Ошиқ Эркин, Эргаш Очилов томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
2. Ҳофиз Шерозийнинг девони тўғрисида маълумот беринг.
3. Шоир ижодий мероси кўлами қандай?
4. Шоир лирикасининг жанрлар таркиби қандай?
5. Ҳофиз Шерозий лирикасининг ғояси, образлар олами ва бадиияти ҳақида фикрларингиз қандай?

xxx

Агар қўнглимни шод этса ўшал Шероз жонони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони.

Сун, эй соқий, майи боқий, ки жаннатда тополмассан  
Бу Рукнобод қирғоғида сўлим ўлгон Мусаллони.

Шу алдоқчи, қизиқчи, фитначи шўхлар қўлидан дод,  
Кўнгулдан элтдилар сабрим қилиб туркларча яғмони.

Менинг нуқсонли ишқимга унинг ҳусни эмас муҳтоҷ,  
Гўзал юз ҳеч талаб қилмас бўёқ ҳам зебу орони.

Гапир чолғучидан, майдан — жаҳон сиррини кам изла,

Ечолмас ҳеч киши ҳикмат-ла бу оғир муаммони.

Мен ул Юсуфдаги чексиз гўзаллиқдан аниқ билдим:  
Чиқормиш ишқ номус пардасидан ул Зулайҳони.

Ёмон, дединг, қувондим ман, Худо ҳаққи, сўзинг тўғри,  
Гўзалроқ айлади аччиқ сўзинг лаъли шакархони.

Насиҳат тинглагил, жоно, тутурлар жону дилдан дўст  
Ақлли, баҳтли ёшлар хурмат айлаб кекса донони.

Ғазал этдинг-у дур сочдинг, ёқимли куйда, эй Ҳофиз,  
Фалак назмингга гавҳардек нисор этсин Сурайёни.

\* \* \*

Аё соқий, суниб жоминг, қил эҳсон –яшнасин диллар,  
Кўринди аввал ишқ осон-у, сўнгра тушди мушкуллар.

Сабо ечмоқчи бўлган сочининг хуш бўйига онтким,  
Муанбар ҳалқа-ҳалқа социдан қон бўлди бу диллар.

Ботир сажжодани майга агар пири муғон айтса,  
Йўловчига эрур маълум йўл аҳволи ва манзиллар.

Менга ёр уйида ишрат қуриш имкони йўқ ҳар дам,  
Қилуркан қўнғироқ фарёдки, боғланг юкни ғофиллар.  
Коронғидир кеча, қўрқинчли мавж, даҳшатлидир гирдоб,  
На билгай ҳолимизни четда турган юки енгиллар.

Ёмон от бирла фош ўлди ишим охир ўжарликдан,  
Нечук ёшрин қолур сир сўзласа мажлисда оқиллар.

Агар васл истасанг, ундан йироққа кетма, эй Ҳофиз,  
Тилакни изла, қўй дунёни, бер орзуга тадбиллар.

\*\*\*

Кемамизни келгили солгил шароб дарёсига,  
Кексаю ёшларни ҳам солгил шу иш ғавғосига.

Ким демишлар яхшилик қил, яхшиликни сувга сол,  
Келгил, эй соқий, киришгил шу нақл ижросига.

Жом аро гулрангу хушбўй бодадин келтир менга,  
Рашқдин куйсин гулоб, ўт сол анинг даъвосига.

Гарчи мен маству харобман, менга бир лутф айлагил,  
Бир назар сол бу хароб дилнинг куюк сахросига.

Гар ярим тун ичра сенга офтоб юз кўргузур,  
Ол ниқоб гулчехра қиздан, боқ анинг раъносига.

Ўлганимда, олгилу, тупроққа топширмай таним,  
Хумга солгил сен мени, солгил шароб маъвосига.

Қилча гар юз бурса сендан, олгилу Ҳофиз дилин,  
Олгилу солгил ани ёр зулфининг савдосига.

\*\*\*

Бир дилбари жоним менинг олди дилу жоним менинг,  
Олди дилу жоним менинг бир дилбари жоним менинг.

Лаб берса жононим менинг жонлангуси жоним менинг,  
Жонлангуси жоним менинг лаб берса жононим менинг.

Фирдавси ризвоним менинг дўст кўйининг тупроғидир,  
Дўст кўйининг тупроғидир фирдавси ризвоним менинг.

Кўнглим бу – ҳайроним менинг шайдою сайронинг сенинг,  
Шайдою сайронинг сенинг кўнглим бу – ҳайроним менинг.

Юсуфи Канъоним менинг ҳусн элининг подшоси сен,  
Ҳусн элининг подшоси сен Юсуфи Канъоним менинг.

Сарви гулистоним менинг хуш қадду бўйингдир сенинг,  
Хуш қадду бўйингдир сенинг сарви гулистоним менинг.

Ҳофиз ғазалхоним менинг сўз ичра сultonим менинг,  
Сўз ичра сultonим менинг Ҳофиз ғазалхоним менинг.

#### Адабиётлар:

1. Носир Муҳаммад Амир Темур ва Ҳофиз Шерозий / “Шарқ юлдузи” журнали, 2015 й. №5.
2. Shomuhamedov Sh., Hofiz Sherziy. – Т., 1965.
3. Navoiy va alabiy ta’sir masalalari. – Т., 1968.
4. Braginskiy I.S., Iz istorii persidsko-tadzhikskoy literaturi. – М., 1972.
5. Salomov G‘., Komilov N. Do‘stlik ko‘priklari. – Т., 1979.
6. G‘azallar. – Т., 1958.
7. Hofiz Sherziy she’riyatidan. – Т., 1985.
8. Ishq daftari. – Т., 2000.

## **АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИ**

### **Режа:**

1. Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёт йўли.
2. Ижодий фаолияти.
3. Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижоди, А.Жомий асарлари, “Хафт авранг” асари, “Баҳористон” тазкираси.

Абдураҳмон Жомий шарқ адабиётининг йирик намоёндаси, шоир, олим, донишманд, тарихчи, мутасаввуф олим. Асл исми Нуриддин Абдураҳмон ибн Аҳмад бўлиб, Абдураҳмон Жомий номи билан танилган. Уни ўз даврида ҳурмат билан “Маҳдуми Нуран” деб атаганлар.

Абдураҳмон Жомий темурий шаҳзодалардан Шоҳруҳ ҳукмдорлиги вақтида 1414 йилнинг 7 ноябрида Жом шаҳрида маърифатли оиласа таваллуд топади. Аждодлари асли Даштдан Жом шаҳрига келиб қолиб, шу ерда истиқомат қилганлар. Жомийнинг бобоси Мавлоно Муҳаммад, отаси Низомиддин Аҳмад қалам соҳиблари бўлганлар. Бу қобилият Абдураҳмон Жомийга ҳам ўтиб, ёшлиқдан шеър машқ қила бошлайди. Илк саводни отасидан олади. Хат саводи эрта чиққан Жомий мадрасада ҳам барвақт таҳсил олади. Жомий оиласи ўша даврда адабиёт ва маданият маркази бўлган Ҳиротга кўчиб келади, шоирнинг отаси шайх ул ислом мансабига эришади. Ҳиротдаги “Дилкаш” (Алишер Навоий берган маълумотда “Низомия”) мадрасасида турли илм, фанларни мукаммал ўзлаштиради. Турли тилларни, жумладан араб тилини пухта ўрганади. Жомийнинг устозлари Алоуддин Али Самарқандий ва Шаҳобиддин Муҳаммад Жожармийлар бўлган. Шунингдек Самарқандга келиб Улуғбек мадрасасида Қозизода Румий, Али Қушчи, Фазлуллоҳ Абуллайс каби таниқли олимлардан сабоқ олади.

Самарқанддан қайтгач, Абдураҳмон Жомий шайх Саъдиддин Кошгарийга (ваф.1456) шогирд тушади, ундан тасаввуф таълимотини ўрганади. Жомий устозининг қизига уйланади, ундан ўғил фарзанд кўради.

Саъдиддин Кошғарий тасаввуф илмида Баҳоваддин Муҳаммад Нақшбанд тариқатига эътиқод қиласар эди.

Абдураҳмон Жомий тил, адабиёт, риёзат, илми нужум, фалсафа, хуқуқшунослик, фикҳ, ҳадис, тафсир илмларини мукаммал ўрганади. Мутасаввуф олим ибн ал Арабийнинг асарларини мутолаа қиласади, у нақшбандия тариқати вакили Хўжа Аҳрор билан сұхбат ва мулоқотда бўлади.

Адабиёт тарихида Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийларнинг ижодий алоқалари, дўстона муносабатлари ва устоз, шогирд алоқалари алоҳида аҳамиятга эга. Ҳусайн Бойқаро 1469 йилда Ҳирот тахтини эгаллайди ва дўсти Алишер Навоийни вазир этиб тайинлайди. Уларнинг ҳар иккиси, шунингдек Ҳусайн Бойқаронинг фарзандлари ҳам Абдураҳмон Жомийни ўз пирлари деб билганлар.

Абдураҳмон Жомий Ҳусайн Бойқаро ва бошқа подшоҳларнинг эътиборида бўлган, унга ҳадялар ва турли маблағлар берганлар. Бу даромадларни Абдураҳмон Жомий хайрия ва саховат йўлида сарфлаган. Ҳиротда иккита мадраса ва хонақоҳ, Жом шаҳрида бир масжид қурдирган.

Шоир Абдураҳмон Жомий ҳаёти давомида икки марта ҳажга сафар қилган. Шу сафар давомида Нишопур, Бастом, Домғом, Қазвин, Ҳамадон, Карбало, Бағдод, Дамашқ, Ҳалаб, Табриз каби шаҳарларда бўлган. Бу ерда шоирни катта иззат эҳтиром билан кутиб олганлар. Айрим қайдларга кўра Абдураҳмон Жомий яқин дўсти Хожа Аҳрорнинг таклифи билан Тошкентда ҳам бўлган, бу ердаги улуғларнинг мозорларини зиёрат қилган.

Абдураҳмон Жомий 1492 йилнинг 8 ноябрида 78 ёшида вафот этади. Ҳирот подшоси Ҳусайн Бойқаро мамлакатда бир йил мотам эълон қиласади. Шоир вафотига бағишлаб замон шоирлари, жумладан Алишер Навоий ҳам марсия битдилар.

Абдураҳмон Жомийдан улкан адабий мерос қолган. Адабиётшунослар шоир асарларининг жами юзга яқин деб хисоблайдилар.

Жомий Алишер Навоий маслаҳати билан лирик шеърларидан ташкил топган девон тузади. Девон уч қисмга бўлинган бўлиб, биринчи девон “Фотиҳат ушшабоб” (“Ёшликнинг бошланиши”), иккинчиси “Воситат ул-икд” (“Ўртадаги дур”), учинчиси “Хотимат ул-ҳаёт” (“Ҳаёт хотимаси) деб номланади.

У хамсачилик анъаналарини давом эттириб “Ҳафт авранг” (“Етти тахт”) достонини яратди. Асар етти ҳукмдорга Амир Темур, Халил Султон, Шоҳруҳ, Улугбек, Абулқосим Бобур, Абу Сайд, Мирзо Ҳусайн Бойқарога бағишлиланган бўлиб, шоир уларга шу тариқа ўз миннатдорчилигини билдирган. Достон ўз таркибиға етти мустақил достонларни ўз ичига олади. Улар қуйидагилар:

1. “Силсилат уз заҳаб” (“Олтин занжир”) 1472 йил.
2. “Тухват ул-аҳрор” (“Нуронийлар тухфаси”, 1481-82),
3. “Сибҳат ул-аброр” (“Тақводорлар тасбеҳи”, 1482-83)
4. “Юсуф ва Зулайҳо” (1483),
5. “Лайли ва Мажнун” (1484),
6. “Саломон ва Абсол” (1479-80)
7. “Хирадномайи Искандарий” (1485)

Жомийнинг “Юсуф ва Зулайҳо” достонини XVIII аср охири XIX асрнинг бошларида яшаб ижод қилган шоир Муҳаммад Ризо Оғаҳий ўзбек тилига ўғирган. Шариат, тасаввуф масалаларига оид қуйидаги асарларни ёзган: “Нақши фусус” (“Маънолар нақши”), “Шавоҳиди нубувва” (“Пайғамбарликка далиллар”), “Шарҳи қасидайи “Тоия” (“Радифда “то” ҳарфидан фойдаланиб ёзилган қасида шарҳи”), “Нақди нусус” (“Матнни танқид”), “Шарҳи қасидайи “Ҳамрия” (“Ҳамрия” қасидаси шарҳи”), “Нақшбандия таълимоти ҳақида рисола”, “Воҳид” атамаси ҳақида рисола”, “Зикр” шартлари ҳақида рисола”, “Ҳаж қилиш йўллари ҳақида рисола” кабилардир.

Жомийнинг ибн Синога бағишиланган бир неча асарлари мавжуд. Улар “Лужжат ул-асор” (“Сирлар денгизи”, 1475), “Ашиат ул-ламоат” “Ялтираган нур”, 1476) каби диний-фалсафий қасидалари ҳисобланади.

Абдураҳмон Жомий ижодида тазкира жанрига оид асар ҳам учрайди. “Баҳористон” асари ушбу жанрда битилган бўлиб, унда форс-тожик ва туркий адиллар ҳакида муҳим маълумотлар берилади. Тасаввуф олимлари, тасаввуф тарихига бағишиланган “Нафаҳот ул-унс” асарида эса 616 мутасаввуф ҳакида сўз юритилади. Улардан 34 таси аёллардир.

Жомийнинг мусиқа ва муаммо жанрига бағишиланган “Рисолай мусиқий”, “Рисолай муаммо” асарлари бор. Адабиётшуносликка оид “Рисолайи аруз”, “Рисолайи муаммойи кабир”, “Рисолайи муаммойи сағир”, Рисолайи муаммойи мутаввассит”, “Рисолайи муаммойи манзум”, “Шарҳи байти Маснавий, “Шарҳи байти Хусрав”, “Шарҳи руббиёт”, “Рисолайи қофия” асарлари яратилган. Жомийнинг тилшуносликка оид илмий ва назарий асарлари ҳам бўлиб, бугунги қунда ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Абдураҳмон Жомий форс тили грамматикасига доир қўлланма яратди. Ўша даврда араб тили ибн Ҳожибининг “Ал-Қофия” асари орқали ўраганилар эди. Жомий ўз ўғлининг араб тилини ўрганишдаги қийинчилигини сезиб унга ёрдам бериш учун 1492 йилда “Ал-Қофия” асарига маҳсус шарқ ёзади. Ибн Ҳожибининг бу асари мактаб ва мадрасаларда Жомийнинг ёзган шарҳи орқали ўқитиладиган бўлади. Шарҳ эса “Шарҳи мулло Жомий” деб аталадиган бўлган.

**Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари таҳлили.** “Баҳористон” асари Жомийнинг ўғли Зиёвуддин Юсуфнинг араб тили бошланғич қоидаларини ва араб илми қоидаларини ўрганаётган вақтда яратилган. Шоир кичик ёшдаги болаларнинг араб тилини ўрганишдаги қийинчиликлардан қалби чўчиши ва хотирада сақлаб қолишдаги азоблардан ҳоли қилиш учун, “дилига муруват, хотирига қувват бериш мақсадида” Саъдий асаридан парча келтиришини айтиб ўтади. Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари

шоирнинг ўз эътирофига кўра, Саъдий Шерозийнинг “Гулистан” асаридаги “шариф сўзлардан шарафланиб ва латиф шеърларидан илҳомланиб, шу турда ва шу услубда ижод қилинган”. “Баҳористон” савод чиқариш ва таълим тарбия бериш борасидаги ўзига хос адабиёт дарслиги бўлган десак муболага бўлмайди. Асар шоирнинг ўғлига бағишланганлигини инобатга олсак, “Баҳористон”ни дидактик йўналишдаги асар дейиш мумкин. Асарнинг номи ҳам Саъдий асарига ҳамоҳанг равиша қўйилган. Бу ҳакда шоир қуидагича ёзади:

*Сайр айла бу “Баҳористон”да,  
Кўринар унда шан гулистанлар.  
Латофатдан ҳар гулистанда,  
Гуллар яшнаб, анқир райҳонлар.*

Шоир асарнинг саккиз равза – боғдан иборатлиги ва ҳар бир боғда ўзгача гуллар жилvasи ва ўзгача райҳонлар атри борлигини айтади. Бу гуллар куз шамолидан ҳазон бўлмайди ва райҳонлари қиши совуғидан сўлимаслиги таъкидланади. Ҳар бир бобда келтирилган ҳикоятлар мазмуни билан танишадиган бўлсақ, воқеалар реал ҳаётда бўлган ёхуд шоир ўзи ўқиган, билганлари асосида ёзилган. Ҳикоятлар остида аксарият тўрт мисрали шеърий парчалар келтирилган. Бу шеърий парчалар келтирилган ҳикоятларнинг “қиссадан ҳисса”си деб айтиш мумкин. Масалан, биринчи бобда Абу Ҳошим Сўфийнинг “Юрақдан кибр разолатни ювишдан кўра тогни игна учи билан қўпориш осон” деган ҳикматли сўзини келтириб, ундан сўнг қуидаги тўртликни келтиради:

*Кибрсизлик лофин урма уни кўрмоқдан кўра,  
Қоронгу тун чумолининг изин кўрмак осонроқ.  
Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,  
Игна билан тогни қазиб остин устун қўпормоқ.*

Иккинчи бобда Искандар Зулқарнайн, Фаридун, Ибн Муқаффа, Хусрав, Қайсар, Кисро, Бузургмехр каби тарихий шахслар ҳамда хинд подшоси, рум

файласуфи, хинд ҳакими, бошқа ўринларда бир донишманд, бир дарвеш, бир ҳаким сингари номлар келтирилади. Жомий учинчи бобда подшолик қоидалари ваadolat қилиш масалаларига тўхталади. Шоир келтирган фикрларнинг аксарияти гўё халқ мақолларига, ҳикматли сўзларга ўхшаб кетади: “Султонларга яқин кишилар баланд тоққа чиқсан кишиларга ўхшайдилар. Охири султон ғазаби зилзиласи ёки замон зилзиласи уларни тоғ жинсидай иргитиб ташлайди. Ҳеч шубҳа йўқки, баланддан йиқилган қаттиқроқ йиқилади, пастдан тушган юмшоқроқ

Баланддир шоҳ ила дўстлик айвони,  
Кўп баландланишдан ҳазар қил, ҳазар.  
Қўрқаман бир куни йиқилганингда  
Йиқилмагил тағин ҳаммадан баттар”.

Тўртинчи бобда амирларнинг саҳовати тилга олинади. Бир бадавий ўзининг қашшоқлигидан уялиб, амирга “қашшоқман” сўзини ерга чизиб кўрсатади. Амир унга икки бўлак мато берганда, бир қисмини танига, иккинчисини бошига салла қилиб ўрайди. Ва бу ҳолатидан шеър айтади. Амир унга уч динор пул берганда, бадавий унга: “Мени уруғингдаги энг бадавлат киши қилиб қўйдинг”, деб миннатдорчилик изҳор қиласди. Амир эса пайғамбар (с.а.в)нинг “Ҳар бир кишининг қадр қиммати унинг феълу камоли ва сўзлари жамоли билан ўлчанади” деган ҳадисларини эслайди. Саҳоват хақида сўз борганда бадиий адабиётда унинг тимсоли Хотами Тойдир. Жомий ҳам бу образ воситасида Хотамдан ҳам саҳоватлироқ оддий йигитнинг ҳатти ҳаракатларини тасвирлайди. Бу йигит Хотамга қўй сўйиб келтирганда, у қўй гўштининг бир ерини мақтайди. Йигит ҳовлисидағи барча қўйларни сўйиб Хотамга ёқсан жойини пишириб бераверади. Бунга жавобан Хотам йигитга уч юзта тужа ва беш юз бош қўй беради. Хотамга: “Унда сен йигитдан кўра олийхимматлироқсан!” дейишганда, у: “У бор йўғининг ҳаммасини берган эди, мен эсам бор нарсамдан бир қисминигина бердим, холос”, дейди.

Бешинчи бобда дўстлик ва муҳаббат мавзуси қизиқарли ҳикоятлар ва ҳикматли сўзлар билан ёритилади. Муҳаббат дарди, вафо ва садоқат каби мавзулар очиб берилади. Олтинчи бобда мutoибот, яъни латифалар берилади. Бу мutoиботлар халқ латифалари сюжетлари билан аналогик жиҳатдан яқин. Жомий келтирган мutoиботлар қаҳрамонлари ўзбек латифаларидағи Насриддин Афанди образи билан муштараклик касб этади. Еттинчи бобда Рудакий, Дақиқий, Имора, Унсурий, Асжадий, Фаррухий, Фирдавсий, Носир Хусрав, Амир Муиззий, Адіб Собир Термизий, Анварий, Рашидиддин Вотвот, Афзалиддин Ҳоқоний, Фахр Журжоний, Низомий, Салмон Соважий, Шайх Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Камол Ҳўжандий, Хусрав Дехлавий, Ориф Ҳаравий, Алишер Навоий кабилар ҳақида қисқа маълумотлар беради ва уларнинг ижодидаги энг характерли шеърларидан мисоллар келтирилади. Хусусан, Алишер Навоийни “ўз мартабаси, улуғлиги ва шоҳга яқинлиги ва шунингдек оллоҳ ато этган ва ўқиш ўрганиш билан орттирилган илму дониши ва ақлу заковати билан” ҳар қандай мақтовдан юқори турса да, ўзини паст тутишини таъкидлайди. Ҳазрат Навоийнинг шеър жамоасига қўшилгани ва бошқалар билан ўртадаги пардани кўтариб, шеърият йўлини очиб берганини эътироф этади. Алишер Навоий номи чиқадиган муаммони келтиради:

*Асл номига киши топмас тахаллусдан имо,*

*Ким тополса лаблари узра инар жонбахши наво.*

Жомий Алишер Навоий ижодига юқори баҳо беради: “Табиати тақозоси ва қобилият кенг фазилатига кўра у туркий ва форсий шеърларида юксалишга мұяссар бўлган бўлса-да, туркийга кўпроқ майллик қўрсатди ва бу тилдаги ғазалиёти ўн минг байтдан зиёдроқ бўлди”. “Кўп ва хўб шеър ёзмоқ” жумласи Бобур томонидан Навоий ҳақидаги сўзлари деб биламиз. Жомийнинг Навоий “Хамса”си маснавийлари уч минг байтга яқинлигини айтиб, “бу тилда ҳеч ким бунчалик кўп ва хўб шеър ёзмаган” дейди. Форсий шеърлари орасида Дехлавийнинг “Яхшилар дарёси” қасидасига жавоб

тарзида қасидаси борлигини таъкидлайди. Саккизинчи бобда масаллар берилган бўлиб, унда анъанавий масалга хос сюжетлар учрайди. Кўпгина масалларда мажозий образлар: бўри, тулки, чаён, тошбақа, сичқон, ит, тuya, қисқичбақа, мусича, қурбақа, бақа, чумчук, лайлак, қовоқари, асалари қатнашади. Бўри ва тулкининг бир боғга девор тешигидан кириши, бўрининг нафси ёмонлигидан кўп мева еб қўйиб, қайтиб чиқишида тешикка сиғмай қолиб, боғбондан калтак ейиши эртак сюжетларида мавжуд бўлса, “Тошбақа ва чаён”да яхшиликка ёмонлик қилган чаённинг сувга гарқ бўлиши “Калила ва Димна”даги сюжет билан аналогик жиҳатдан яқин. Яна бир масалда мусичага савол беришади: Нега иккитадан бола очсан, товуқлар каби кўплаб бола очмайсан?” дейишганда “Мусича болалари ота онасининг жигилдонидан овқат ейди, товуқ болалари эса кўринган ахлатни титиб қорин тўйғазади. Бир жигилдондан икки боладан ортиқни тўйғазиб бўлмайди, бир ахлатхонадан минг жўжа тамадду қила олади” деб жавоб беради. Эзопнинг масалларидан бирида шерга шу саволни беришганда “Битта бўлса ҳам, у шербачча-да” деб жавоб беради. Она тулкининг ўз боласига ўргатган ҳийласи, яъни итлардан қутулиш чораси (“уйдан чиқмай ўтириш, на у сени кўрсин ва на сен уни”) ҳақидаги сюжет Эзоп масалларида ҳам бор. Кўринадики, Жомий саккизинчи бобда анъанавий масал сюжетлари ва мажозий образлар воситасида тарбия, ўгит, таълимга оид фикрларини беради. Асар сўнгтида шоир томонидан хотима берилади. Унда асар давомида муаллиф исми кўрсатилмаган бўлса, бу китоб “муаллифи завқининг шеваси, ва китоб муаллифи хаёлининг мевасидир” дейилади.

Хулоса қилиб айтганда, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асарида илгари сурилган ёшларга тарбия бериш, умуминсоний ғоялар, инсоний фазилатлар тарғиби, маънавият масалалари ҳамма даврлар учун аҳамиятга эгадир.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Абдураҳмон Жомийнинг ҳаёт йўли ҳақида.

2. А.Жомий асарларининг мазмун мундарижаси қандай?
3. А.Жомийнинг тасаввуфий дунёқараши ҳақида нима биласиз?
4. Берилган ғазалларни бадиий таҳлилини амалга оширинг.

**xxx**

Доманинг кўкламдаги гул япроғидан покроқ,  
Ғунчадек кўнглим-чи, шавқингдан яқоси чокроқ.

Остонанг-ку бирорлар тупроғидан пок эди,  
Энди кўз ёшим билан ювганда бўлди покроқ.

Юзлаб ошиқни ҳалок этдинг тифинг кўрсатмайин,  
Ошиқ ўлдирмакда йўқдир сенча шўх—чолокроқ.

Сен-ку мен тортган аламдан шодсан, кулмақдасан,  
Гар қувонсанг мен бўлурман бунданам ғамнокроқ.

Яхшиларга севгучилар қонини тўқмак ҳалол,  
Бизни ўлдирган ўзинг, э ҳаммадан бебокроқ.

Кипригим-ла сув сепиб, бағрим ўти-ла қиздирай,  
Бўлмасин нопок қонимдан йўлинг намнокроқ.

Минган отингнинг туёғидан ўпай, биз ёнга сур,  
Йўлларингда кўп кишилар хоку Жомий хокроқ.

**xxx**

Ишқинг ғамида жоно, доим ишим фифондир,  
Дил кетди энди жоннинг кетмоғи ҳам аёндир.

Дилдан не ҳам сўрарсан, унда ғаму алам кўп,  
Кўз ҳолига ўзинг боқ, қон ёшлари равондир.

Аввал қарор айлаб, буздинг кейин қароринг,  
Менда у беқарорлик қандай эса, ҳамондир.

Вомиқга бир энлик хат ишқ узри-чун кифоя,  
Узрога хат керакмас, хусни ўзи жаҳондир.

Эй, кўз ёшим, ювмагил чангларни сен юзимдан,  
Чопқир бедовга мингган ёр чангидан нишондир.

Сийнамда ўстирибмиш ҳижрон туман тиканлар,

Менга шунинг ўзи бас, шу — менга бўстондир.

Ғам дарди қўйқасига, Жомий, қаноат этгил,  
Шодлик тиник шароби сенга нуқул зиёндир.

### **Адабиётлар:**

1. Маънавият юлдузлари. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999.
2. www. Zyouz.uz. Абдураҳмон Жомий. Абдуқодир Ҳайитметов, Шоислом Шомуҳамедов.
3. Холмўминов Ж., Ҳазратқулов Ж. Форсий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни. – Тошкент, 2012.
4. www. Zyouz.uz. Ҳайитметов А. «Хамса»нинг яратилиш жараёни / “Шарқ юлдизи” журнали, 1985 йил, 9-сон.

## **САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ**

### **Режа:**

1. Саъдий Шерозий ҳаёти.
2. Ижодий мероси: лирик асарлар ва достонлари ҳақида.
3. “Гулистон” ва “Бўстон” асарларининг мавзу ва ғояси, бадиияти.

**Таянч сўз ва иборалар:** Саъдий Шерозий, Саъдий асарлари, “Гулистон” асари, “Бўстон” асари.

Шарқ адабиётида “Саъдий” тахаллуси билан машҳур бўлган, “Гулистон”, “Бўстон” каби достонлари дарслик сифатида ўқитилган шоирнинг тўлиқ исми Муслиҳиддин Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Мушриф ибн Муслиҳ ибн Мушриф Саъдий Шерозий 1189 йилда Шерозда мансабдор зиёли оиласда туғилади. Отаси Саъд бинни Зангий бўлган. Бу ҳақда ўз асари “Гулистон” асарида шундай келтирилган:

Man on goh sari tochvar doshtam,

Ki cap dar kanori padar doshtam

Саъдийнинг оилавий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумотлар мавжуд эмас. Бироқ шоирнинг оилавий шароити оғир аҳволда бўлган. Саъдий форс ҳокими Шамсиддин Тозигуийга мурожаат қилган:

Z-ahvoli barodaram ba tahlil,  
Donam, ti turo xabar naboshad  
Az g'oyati fikr doim uro,  
Shalvor ba yaoy dar naboshad

Саъдий Шероздаги нотинчликлар ва сиёсий аҳволнинг оғирлиги сабабли Бағдодга келади ва Низомия мадрасасида таҳсил олади. Саъдийнинг устози Абдулфараж Абдураҳмон ибни Жавзий (1186-1257) бўлган. Шоир ҳаёти давомида жуда кўп жойларда саёҳатда бўлади. Араб, Эрон, Туркия мамлакатларида ўттиз йил сафарда бўлади. Мана шу саёҳатларнинг баёни алоҳида қайд этилмаган. Бироқ “Бўстон” ва “Гулистон” асарларида қисман шу саёҳатлар ҳақида айрим қайдлар мавжуд.

Саъдий 1257 йили 68 ёшида саёҳатни тугатиб, Шайх Абу Абдуллоҳ ибн Хафиф ҳонақосида узлатга чекинади. Шайх Шамситдин Жувайнин шоирни ҳузурига чорлайди, бироқ Саъдий унинг таклифини қабул қилмайди.

Саъдий Шерозий 1292 йилда 103 ёшида вафот этади.

С.Шерозий мумтоз адабиётнинг бир қанча жанрларида ижод қилган. 1257 йилда “Бўстон”, бир йилдан сўнг “Гулистон” асари, тўрт девонидан иборат девони тузилган. Буларни шоир саёҳатдан қайтгаҳ, китоб шаклига келтирган. Девони қуйидаги қисмлардан иборат: 1. “Тайибот”. 2. “Бадое”. 3. “Хавотим”. 4. “Ғазалиёти қадим”.

Баъзи адабиётшунослар шоир асарларининг таркибини қуйидагича келтирадилар: “Бўстон”, “Гулистон”, “Қасоид”, “Таржебанд”, “Девони Тайибот”, “Девони бадое”, “Девони хавотим”, “Ғазалиёти қадим”, “Қитъалар, рубоийлар ва фардлар”, “Чор рисола (мактублар ва жавоблар)”, “Соқибнома” кабилар.

Саъдий Шерозий лирик шеърлари ва достонлари ҳаётий-фалсафий мазмунга эга. Айниқса, достонлари дидактик йўналишда бўлиб, “Бўстон”, “Гулистон” асарларида ахлоқий-таълимий қарашларини ифодалайди. Шоирнинг тасаввуфий дунёқарашида Ҳақ ва инсон, ҳаётнинг мазмуни, инсон қадри, маънавий фазилатлар тавсифи, нафс, уни тарбиялаш, кибр ва манманликнинг оқибатлари ҳақидаги фикрлар намоён бўлади.

Шоир диний-тасаввуфий ғояларини достонларга ҳикоятлар орқали сингдирган.

Саъдийнинг “Бўстон” достони арузнинг мутақориби мусаммани мақсур (фаулун фаулун фаулун фаул) вазнида ёзилган. Асар қўйидаги қисмлардан иборат: 1. Китобнинг ёзилиш сабаблари. 2. Кириш ва илова. 3. Китобхонга мурожаат. 4. Ўнта боб.

“Бўстон” достонининг боблари адл, эҳсон, ишқ, тавозеъ, ризо, қаноат, тарбият, шукур, тавба, муножотлардан ташкил топган. Асар тузилиши ва мазмуни жиҳатидан “Хамса” асарининг дастлабки достонига ўхшаб кетади. Ҳар бир бобда муайян мавзу сарлавҳада акс этган, сўнг бу масаланинг исботи ҳикоят орқали берилади.

Саъдийнинг “Гулистон” асари ҳижрий 656 (1258 мил.) йилда ёзилган. Достон дебочадан сўнг саккиз бобдан таркиб топган. Бу боблар подшоҳлар, дарвешлар аҳволи, қаноат фазилати, хомушлиқ қоидалари, ишқ ва йигитлик, қарилек ва заифлик, тарбия, сухбат одоби кабилар.

Саъдийнинг лирик девонида жами 632 ғазал мавжуд.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Саъдий Шерозий таржимаи ҳолига оид қандай маълумотларни биласиз?
2. Шоир ижодий мероси қандай жанрдаги асарлардан иборат?
3. Саъдийнинг “Бўстон” асари ҳақида сўзлаб беринг.
4. “Гулистон” асарининг асосий мазмуни ҳақида сўзланг.
5. Асарларининг бадиияти ҳақида фикр билдиринг.

**xxx**

Эй сорбон, охиста юр, ороми жоним борадур,  
Тандин дилу жоним олиб, ул дилситоним борадур.

Қолурмумен олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб,  
Қалбим фироқ тифи тилиб, то устухоним борадур.

Дердим қилиб найранг-фусун, сиррим этай пинҳоп бу кун,  
Пинҳон бўлолмас чунки хунҳ дилдан ниҳоним борадур.

Саркаш нигоримдан жудо, айшу қарорим бебақо.  
Манқалда оташдек қаро дуд бирла қоним борадур.

Чексам-да зулм бедодини, ҳам ваъдалар барбодини,  
Кўксимда туттум ёдини, токи забоним борадур.

Тўхтат бир оз, эй сорбон, карвонни қилма тез чунон,  
Сарви равон ишқида жон — руҳи равоним борадур.

Қайт, кўзларимга қўй оёқ, эй дилфириб, кетма йироқ,  
Эй нозанин, кўкка бу чоқ оҳу фифоним борадур!

То субҳки, уйқу билмадим, носиҳни кўзга илмадим,  
Аммо атайлаб қилмадим — қўлдан иноним борадур.

Сабр айла, дер, менга жарас, ёр васлини қилма ҳавас,  
Бу менга лойиқ иш эмас, чун хонумоним борадур.

Ундей чиқар жону бу тан, сабил қолур деб қўп сухан,  
Тинглаган эрдим, энди ман кўрдимки жоним борадур.

Қилма фифон, эй Саъдиё, ҳеч арзимас ул бевафо,  
Тоқатни қўймас бу жафо, ақлу имоним борадур.

**xxx**

Сенмисан, ё боғима сарви равоним келдиму?  
Ё малак одамсифат бўлган замоним келдиму?

Уд тутатмоқ бўлдиму бўстон аро дўстлар иши,  
Ёки ёрим келди, ё мушк корвоним келдиму?

Сорбон, солгил назар зебо нигорим ҳуснига,  
Гар ҳаридор бўлса, тутдим қўлда жоним, келдиму?

Энди ҳеч дарду алам бирла ўтирмам уйда ман,  
Келдиму бозорга гул, жавлонли оним келдиму?

Гарчи сен онинг санам тарзини инкор айласанг,  
Мен ҳамон кўзим нигорон — жонажоним келдиму?

Кўзларим гар қайта кўрмоқда нигорим чехрасин,  
Вах, магарким мурда танга қайта жоним келдиму?!

Ҳарнаким, мендан кетишга ҳозир эрди боғлади,  
Барча ҳайрат этди ё оромижоним келдиму?

Най агар озодалар мажлиси ичра нолаваш,  
Захмидинdur ноласи, ул жон фифоним келдиму?

Уйқудек хуммор кўзингдан ажрагач бир лаҳза, айт,  
Уйқусиз кўзларга хоби ногаҳоним келдиму?

Нола қилма, Саъдиё, жабр этса ёринг, ҳиммат эт,  
Ёр жабри ёрга ўтгай, соябоним келдиму?!

\* \* \*

Дўстларимнинг сухбати худди олам жаннати,  
Ё жаҳаннамнинг ўти номуносиб сухбати.

Гар азизлар сухбати бирла ўтса бир нафас,  
Шул нафасни бил ҳаёт ҳосили ҳам шарбати.

Кўз, қулоқ, тил бўлса ҳам, барча одам бўлмагай,  
Қанча кўрдим деву жин — мисли одам сурати.

Хуш чиройдан ҳам башар ҳуснн ортар-ку, факат —  
Одам ўлғай шул киши бўлса гўзал сийрати.

Мен ҳасадни билмасам, ҳасратин билмас эдим,  
Ҳасад ўтин солади ёр қўшилган фурсати.

Ким баҳорни кўрмаса қўкаламзорга чиқиб,  
Робиаъ ойида ҳам бор муҳаррам қиммати.

Кўзи доимо гўзал чеҳрада дил бўлса тош,  
Насиҳатга кўнмагай, дил тўлиқ жаҳолати.

Кездим олам юзини, топмай ором асарин,

Бўлса фақат севгили ёр қучоғин роҳати.

Аҳли диллар томиридан тоза хун оқса агар,  
Дўст висоли малҳами, дори топган иллати.

Молу дуиё яхшидур, тан шарифу жон азиз,  
Барчасидан ҳам баланд ёри вафодор ҳурмати!

Мумсик одам кулфати — молу дунё ташвиши,  
Дўст-ла шодон ўтади Саъдийнинг ҳар соати.

## **ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ**

**Режа:**

1. Хусрав Дехлавий ҳаёти ва фаолияти.
2. Шоир адабий мероси.
3. Лирик асалари ва достонлари ҳақида.

**Таянч сўз ва иборалар:** Хусрав Дехлавий, Дехлавий девони, X.Дехлавий ғазаллари, X.Дехлавий “Хамса” достони.

Амир Яминиддин Абулҳасан Хусрав Дехлавий 1253 йилда Ҳиндистон шимолидаги Ганг дарёси бўйидаги Патёли шахрида, шаҳрисабзлик Амир Сайфуддин Муҳаммад оиласида таваллуд топади. Унинг отаси қадимги Кеш (Шаҳрисабз)лик бўлиб, ўзбекларнинг лочин уруғидан эди. Оила муғуллар босқини вақтида Ҳиндистонга қўчиб бориб қолган. Унга Дехли султони асли турк бўлган Шамсиддин Илтутмиш (1211-1236) амирлик унвонини беради. X.Дехлавийнинг отаси подшо саройида ана шундай катта обрўга эга эди. Шоирнинг онаси ҳинд бўлган. Отаси Амир Сайфуддин Муҳаммад 660 (1261) йилда мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлади. Ёш Хусрав бу пайтда саккиз ёшда эди. X.Дехлавийнинг ўзи берган маълумотган қўра бобоси Имодулмулк унинг тарбияси билан шуғулланган. Шоирнинг илм олиб, яхши

таҳсил кўришида бобосининг ўрни катта. Хусрав асосан Дехлида таҳсил кўради.

Хусрав Дехлавий ҳаётининг қўп қисми Дехлида ўтади. Шу боис ўзига Дехлавий тахаллусини олган. Хусрав Дехлавий сарой муҳитига яқинлашади. Ўша вақтдаги илм-фан, тил, санъат соҳаларини ўзлаштиради. Ёш чоғидан шеърлар машқ қилган X.Дехлавий дастлаб “Султоний” тахаллусини қўллайди. Хусрав Дехлавий йигирма ёшида, 671 хижрий (1273 мел.) йилда Малик Чхажу номи билан машҳур бўлган Кешлухон саройига таклиф қилинади. 1273 йилда султон Мамлук хизматида бўлади, сўнgra Дехлида Фиёсиддин балбан, 1281 йилда Фиёсиддин Муҳаммад Султон саройида хизмат қиласди. Шоир 1286 йилда Патёлига қайтади. Шайх Низомиддин дехлавийга мурид тушиб, тасаввуф таълимотини ўрганади, дарвешлик тариқатига киради.

Саройда яшаган вақтларида у мўғулларнинг ҳужуми, уруш оғатларини кўради. Бу манзараларнинг аянчли тасвири шоир шеърлари ва достонларида акс этган. Шоир 1290 йилдан 1320 йилгача Дехли султонлари саройида бўлади ҳамда умри давомида уч сулолага мансуб еттига султонларнинг ҳукмдорлигини кўради. Асарларининг султонларга бағишланиши ҳам шу муносабат билан дейиш мумкин.

Хусрав Дехлавийнинг онаси Давлатнозхонимдан ва укаси Ҳисомиддин Қутлуғ 698 хижрий (1299 мел.) йилда вафот этадилар. Амир Хусрав асарлари ва бошқа манбалардан маълум бўлишича, унинг икки қизи ва беш ўғли бўлган. Қизлари Мастура ва Афифа, ўғиллари Масъуд, Хизр, Рукниддин, Айниддин Муборак, Малик Аҳмад.

Х.Дехлавий 1325 йилда Дехлида вафот этади.

Шоир X.Дехлавийнинг иқтидори ҳақида қўйидаги ҳикоят бор: “Кунлардан бир кун шаҳар ҳокимининг ноibi Хожа хушхат Саъдиддин Муҳаммадни ўз уйифа чақиртиради. Саъдиддин билан Хусрав ҳам бирга боради. Хожа Асилникида меҳмонлар орасида Хожа Изаддин ҳам ўтирад эди.

Саъдиддин шогирди Амир Хусравни ўтирганларга таништириб, шеърият мухлиси эканлиги ва яхши шеър ўқишлигини айтади. Хожа Изаддин қофияланмаган тўрт сўз бериб шундан тўртлик яратишни талаб этади. Булар мўй, уруғ, ўқ, қовун сўзлари эди. Ўтирганлар хузурида Хусрав шундай рубоий битади:

Икки зулфин ҳар мўйида бу хуш санам,  
Юзлаб анбар ургини қилмишdir зам.  
Ўқдай тўғри дея билма дилин чунки  
Қовун каби тиши унинг ичида жам.  
Барча бунга офаринлар ўқийди.

Дарҳақиқат, бадиҳа билан айтилган бу рубоий ёш Хусравнинг юксак шоирлик маҳоратидан дарак берарди”<sup>1</sup>.

Амир Хусрав Дехлавийдан жуда катта адабий мерос қолган. Шоирнинг ўз сўзларига кўра унинг шеърлари 400.000 байтдан ортиқдир. А.Жомий эса шоирни 99 китоб эгаси деб таъкидлайди.

Дехлавийнинг лирик мероси тўрт девон, яъни “Чор девон” шаклидадир:  
1. “Тухфат ус-сигар” (“Ёшлик айёми”, 1272). 2. “Васат ул-ҳаёт” (“Ўрта ёш”, 1286). 3. “Ғуррат ул-камол” (“Камолот даври”, 1302). 4. “Бақият ул-нақия” (“Сараларнинг сараси” ёки “Қарилик” 1314). Бешинчи девон сифатида “Ниҳоят ул камол” ( “Камолот чўққиси”)ни ҳам кўрсатадилар. Девондаги лирик асарлар қасида, ғазал, қитъа, рубоий, таржеъбанд, луғз, муаммо жанрларида учрайди.

Х.Дехлавий эпик шоир сифатида ҳам жаҳон адабиёти саҳифаларидан жой олган. Низомий Ганжавийнинг “Панж ганж”и йўналишида “Хамса” ёзади. “Хамса” таркиби қуйидагича: 1. “Матла ул анвор”. 2. “Ширин ва Хисрав”. 3. “Мажнун ва Лайли”. 4. Ҳашт беҳишт”. 5. “Оинаи Искандарий”.

---

<sup>1</sup> Каримова Ф. Ўзбек адабиётшунослигининг мухим масалалари. (Адабий алоқалар). – Наманган, 2012. 26-б.

Булардан ташқари яна “Қиронус саъдайн (“Икки саодатли сайёранинг қўшилиши”), “Мифтохул футух” (“Ғалабалар калиди”), (“Хазоинул футух” (“Ғалаба хазиналари”), “Дувалроний ва Хизрхон”, “Нуҳ сепеҳр” (“Тўққиз қават осмон”), “Тўғлуқнома” номли маснавий, “Тарихи Дехли” (“Дехли тарихи”), “Эъжозе Хусравий” (“Хусрав мўъжизаси”) каби достонлари бор.

Хусрав Дехлавийни Алишер Навоий “ҳинд сеҳргари” деб атаган эди. Давлатшоҳ Самарқандий “...Амир Хусравнинг Шайх Саъдийга нисбатан зўр эътиқоди... бўлган”, - дейди. Ўз тазкирасида “...фозиллар Амир Хусрав девонини йиға олмаганлар... Султон Сайд Бойсунғурхон Амир Хусравнинг шеърларини тўплашга жуда кўп уринган ва 120 минг байт йиққан. Бундан сўнг унинг девонида учрамаган ғазаллардан яна 200 байт топган, шоир шеърларини йиғиш мушкул иш ва амалга ошмайдиган орзу эканлигини англаш бу ишни тарк этган” деб ёзади. Шунингдек тазкиранавис X.Дехлавийнинг ўз сўзларини ҳам келтиради: “...Амир Хусрав ўз рисолаларининг бирида “менинг шеърларим 500 минг байтдан камроқ, аммо 400 минг байтдан ортиқ”. Абдураҳмон Жомий “Амир Хусрав 99 китоб таълиф этган” дейди. Эрон адабиётшуноси Бадиуззамон Хуросоний эса: “Шоирлардан ҳеч бири ўзидан кейин Амир Хусравчалик кўп шеър қолдирмаган” дейди. Саъдий Шерозий у ҳақда: «Ҳар кимса у дунёда бир нарса билан фахрланиши керак. Мен ана шу туркнинг кўксидаги куюги билан фахрланаман», - деган экан.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Хусрав Дехлавий ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.
2. Хамсачилик йўналишида X.Дехлавийнинг маҳорати қандай?
3. Хусрав Дехлавийнинг девонлари ҳақида маълумот беринг.
4. Хусрав Дехлавий лирик асарларининг бадиияти.

**xxx**

Чиқар ҳар тун дилимдан ёр ҳажрида фифону зор,

Нечук бир баҳтиёр күздирки, дилбар күрсатур дийдор.

Қолиб маҳрум агар дийдоридан ўлсам, бу осондир.

Бироқ дийдорини бир лаҳза кўрмаслик ғами душвор.

Кулиб, ўйнаб, қилиб шўхлик, дилимни олди ю кетди,

“На қилгунгдир буни?” десам, деди: “Менга эрур даркор!”

Кўриб кўп қатнашимни ёр кўйида, деди дарбон:

Билурман, зору шайдо, айланурсан бунда сен бисёр”.

Саҳар чоғида қўшнилар фифонимни эшитганда,

Деди: “Ё раббий, ким чекса экан бундай фифону зор?”

Кел энди, қайдасан “бедил” дебон бизларни таън этган,

Ана келмоқда, тўхтатсанг чи дилни, менга у ағёр.

Рақибо лутф айла сен хиром эттирма ёримни,

Агар билсанг, юрак бағримни эзган ҳам ўшал рафтор.

Кўйингдан мастур сархуш қайтганимда дерди одамлар:

“Магар майхонадан келмоқда бу сўфинамо хуммор?”

Чиройли қўлини кўрдинг, унинг кафтига боқ энди,

Келур кафтида гулдаста, магар сайр айламиш гулзор?

Билиб қўйгил, ўйинчоқмас сенга жондан тўйиш Хусрав,

Киши бўлмайди осонлик билан ўз жонидан безор.

Юзингни таърифи тилларда такрор,  
Сўзинг кимё эрур жонларга, эй ёр.

Қолур ҳайрон очилгунча оғизлар,  
Ширин-шаккар лабинг қулганда, дилдор.

Кўзинг ўқ отди юлдузлар дилига,  
Кўкарди найзалар кўксига бисёр.

Олов ёғмасму қўқдан мисли мазлум  
Фалак бағри куяр, йиглайди у зор.

Кулинглар ҳар тарафдан менга, дўстлар,  
Бу расвониғ қиёфат ёқди зинхор.

Фифон чеккан эдим бўстонда бир тун  
Қолиб ошёни, қушлар қочди ночор.

Шу йўлдан борди Хусрав халқ қўрсин,  
Нишона ҳар қадам қон томчиси бор.

#### **Адабиётлар:**

1. Хусрав Дехлавий шеъриятидан. – Т., 1979.
2. Каримова Ф. Ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалалари. (Адабий алоқалар). – Наманган, 2012.
3. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) кутубхонаси. Рубоиёт. Амир Хусрав Дехлавий. Жамол Камол таржималари.
4. [www.Saviya.uz](http://www.Saviya.uz). Амир Хусрав Дехлавий.

## **I. Туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар адабиёти Туркий халқлар адабиётининг муштарак жиҳатлари.**

**Режа::**

- 1. Қадимги туркий халқлар адабиёти тарихининг ўрганилиши.**
- 2. Туркий халқлар генезиси. Илк бадиият намуналари.**

**Таянч сўз ва иборалар:** туркий қавм, миф, афсона, эпос, қадимги адабий ёдгорликлар, битиктошлар.

Туркий қавмга мансуб халқлар деганда ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, қорақалпоқ, уйғур, татар, бошқирд, чуваш, озарбайжон, қорачой, турк, кўумик, балқар каби қирқقا яқин миллатларни назарда тутамиз. Қадимда бу халқлар Ўрта Осиё, Марказий Осиё ва Кичик Осиёда, Россиянинг каттагина қисмида жойлашган ҳудудларда ҳаёт кечирганлар. Улар яратган адабиёт намуналарини чуқур ўрганиш орқали ўша даврдаги аждодларимизнинг фалсафий-эстетик дунёқараси, бадиий олами, руҳий-маънавий ҳаётини англаш мумкин.

Халқимиз тарихи, қадимги туркийлар тарихи, маданияти, урфодатлари, ўзига хос бетакрор жиҳатлари ҳақида бир қатор манбаларда маълумотлар мавжуд. Турли хилдаги ёзувлар, нарса-буюмлар, ашёларда,

“Авесто”, “Бехистун”, Ўрхун-Энасой каби ёзма ёдгорликларда, Беруний, Наршахий, Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ибн Арабшоҳ, Муҳаммад Солих, Ҳофиз Таниш ал-Бухорий, Баёний каби тарихчиларнинг асарларида<sup>1</sup>, шунингдек, грек, хитой, ҳинд, арман тарихчиларининг асарларида ҳам кўплаб маълумотлар бор<sup>2</sup>. Тарихшунослар И.В.Пянков, Н.Г.Горбуноваларнинг асарлари ҳам муҳим манбадир<sup>3</sup>. Қадимги туркийлар ҳақидаги маълумотлар Хитой ёзма манбаларида ҳам келтирилади. «Тарихий гувоҳликлар» (мил.ав. I аср), «Улуғ Xан хонадони тарихи» (милодий I аср), «Кичик Xан хонадони тарихи» (милодий V аср), «Вей хонадони тарихи» (милодий VI аср), «Шимолий подшоҳликлар (Бейши) тарихи» (милодий VII аср) ва бошқалар. Рус шарқшунослари ва туркологларнинг илмий ишлари ҳам муайян аҳамиятга эга<sup>4</sup>.

Ўзбек олимларининг бу борадаги илмий ишлари ҳам салмоқли ўринни эгаллайди. Тарихшунослар Б.Аҳмедов, Т.Сайдкулов, адабиётшунослардан

---

<sup>1</sup> Абулғозий. Шажарайи турк.-Т.,1992;Абу Наср Форобий. Фозилодамлар шахри.-Т.,1993;Беруний Қадимги ҳалқларданқолган ёдгорликлар - Т., 1968; Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг.-Т.,1960; М.Қошғарий. Девону луготит-турк. Уч жилдлик.-Т., 1960-1963; Абу Тоҳирхожа.Самария.-Т.1991; Наршахий. Бухоротарихи.-Т.,1991; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сияр ул-мулук.-Т.,1997; Амир Темур. Темур тузуклари.- Т.,1991; МирзоУлугбек. Тўрт улус тарихи.- Т.,1994; Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётитафсилоти. -Т.,1999; Низомиддин Шомий. Зафарнома. -Т.,1996; Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. -Т., 1997; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Икки жилдлик. -Т., 1992; Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. -Т., 1999; Муҳаммад Солих. Шайбонийнома. -Т., 1989; Баёний. Шажарайи Хоразмшохий.- Т.,1991.

<sup>2</sup> Геродот.История. - М., 1972; Ксенофонт. Греческаяистория. - М., 1935; Полибий.Всеобщая история. -М.,1980-1989;Ариан. Поход Александра. - М.Л., 1962; Страбон. География в17 книгах.- М., 1964; Курций Руф. История Александра Македонского. - М.,1963.

<sup>3</sup> И.В.Пянков. Средняя Азия в известиях античного историка Ктесия. - Душанбе, 1975; Н.Г.Горбунова Фергана по сведениям античных авторов. История и культура народов Средней Азии. - Л.,1976.

<sup>4</sup>С.Е.Малов. Памятники древне-туркской письменности.-М.,1951; Енисейская письменность тюрков. Текст и переводы. – М.-Л.1951; А.Сагдулаев. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. -Т.,1996; Л.Н.Гумилев. Древние тюрки.-М.,1960; А.Ю.Якубовский. К вопросу об этногенези узбекского народа.-Т., 1941.

академик А.Қаюмов, Б.Тұхлиев, Н.Раҳмонов, Ҳ.Болтабоевларнинг асарлари дикқатга сазовордир<sup>1</sup>.

Туркий қавмға мансуб халқларнинг оғзаки ва ёзма адабиёти уларнинг тарихи сингари бой ва қадимийдир. Туркий тилда сўзловчи халқлар ана шу қадимий бой адабиёт тараққиётига ўзларининг муайян ҳиссаларини кўшганлар. Уларнинг оғзаки бадиий ижодиётида муштарак жиҳатлар бўлиши билан биргаликда мазкур халқлар фолклорида ўзига хос хусусият касб этувчи жанрлар ҳам мавжуд. Масалан, латифалар, турли маросим ва меҳнат қўшиқлари, мақоллар ва эртаклар турк, озарбайжон, туркман, ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам кенг тарқалган.

Туркий халқлар фолклоридаги ҳажм жиҳатидан катта, бадиият жиҳатидан ўзига хос жозибага эга бўлган достонлар жаҳон халқлари фолклорида ҳам катта мавқега эга. “Гўрўғли” туркумидаги достонларнинг усмонли туркларда, озарбайжон, туркман ва ўзбекларда бир қанча варианtlари учрайди. “Алпомиш”, “Манас”, “Дада Қўрқут” каби достонлар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. “Ошиқ Ғариб”, “Қизжибек”, “Қўбланди ботир”, “Қирқиз”, “Шахриёр” каби қаҳрамонлик достонлари эса жаҳон адабиётининг ўлмас обидалари қаторидан муносиб ўрин олган. Бундан ташқари туркий халқларнинг тарихий тақдири, ҳаёт тарзи, қарашлари, илм ва маданияти ҳақида зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” кўплаб маълумотлар беради. Қадимги грек тарихчиси Геродотнинг “Тарих” номли китобида Марказий Осиёнинг энг қадимги халқлари — ибтидоий жамият шароитида яшаганлиги ва асосан, чорвачилик ва дехқончилик билан шуғулланганлиги айтилса<sup>2</sup>, Страбоннинг “География”, Полиеннинг “Харбий ҳийлалар” каби асарларида жуда қадим замонлардан бу худудларда хилма-хил қайсар, ёввойи ва урушқоқ қабилалар

<sup>1</sup> Б.Аҳмедов. Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари.-Т.,1991; Т.Сайдқулов. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. - Т.,1993.

<sup>2</sup> Геродот. Мелпомена/ Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида.- Тошкент: “Юрист-Медиа маркази”, 2008.- 6-бет.

яшаганлиги ва улар ўзаро муносабатларида ҳалоллик, мардлик, ватанпарварлик, ва одилликни ҳар нарсадан афзал билганликларини қайд этадилар. “Тўмарис”, “Широқ”, “Аморг ва Спаретра” каби асарларнинг мазмун-моҳияти маълум маънода бу фикрларни тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Қадимги халқларнинг географик жойлашиш ўрни Бақтрия, Хоразм, Сүғдиёна, Марғиёна, Парфия, Амударёнинг қуи қисми, Зарафшон воҳалари ва бошқа жойларни ўз ичига олган. Бу ерларда хоразмий, суғдий, сак, массагет каби қабилалар, чигил, яғмо, тухси, ўғуз, тангут каби элатлар истиқомат қилганларки, булар ҳозирги туркий халқларнинг аждодлари эканлиги шубҳасизdir. Олиб борилган археологик қазилмалар ва қидирув ишлари сўнгидаги топилган Кўҳитанг ёзувлари, Илонсой (Самарқанд), Хожикент (Тош), Тешиктош (Фарг) деб аталувчи жойлардан топилган ёзувли суратлар, турли хил асбоб-анжомлар, уй-рўзғор буюмлари, кумуш ва тилла тангалар ана шу халқларнинг маданияти юксак бўлганлигидан дарак бериб туради.

Марказий Осиё халқларининг энг қадимги даврларга оид айрим оғзаки ижод намуналари ҳам юқорида зикр этилган манбалар орқали бизгача етиб келган. Улар бадииятимиз ибтидоси бўлган мифлар, афсоналар, қаҳрамонлик эпослари ҳамда лирик шеър ва қўшиқлардир.

Тафаккур тарзининг қуи даражаси шароитида инсон ўз атрофини ўраб турган олам ҳақида реал тасаввурга эга эмас эди. Табиат ҳодисаларининг кескин ўзгариши, ҳайвон, ҳашоротларнинг хужуми ва улардан ҳимояланишга уриниш қадимги инсоннинг мифологик оламини шакллантириди. Мифлар илк образли тафаккурнинг маҳсули сифатида яратилди. Табиат ва коинот сирларига қизиқиши, атроф, олам ажойиботларини тушунишга уриниш асносида туркий мифлар майдонга

---

<sup>1</sup> Геродот. Тарих . 204-215./ Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида.- Тошкент: “Юрист-Медиа маркази”, 2008.- 64-69-бетлар.

келган. Гарчи мифлар бадиий адабиёт намунаси бўла олмаса-да, кейинчалик яратилган бадиий асарлар учун асос вазифасини бажарган.

Н.А.Куннинг аниқлашича, “Антик маданиятнинг барча Европа халқлари тараққиётига кўрсатган таъсири мутлақо шак-шубҳасиздир. Шуни эътироф этиш керакки, мўжазгина грек халқининг мифлари умумбашарий маданият асосини ташкил этган ҳолда оҳанрабо қудратига молик бўлиб, у ҳозирги замон кишисининг тасаввури ва тафаккури тарзига жуда чукур кириб боргандир. Бадиий адабиётда кучли инсон Геркулес (грекларда Геракл)га, жасур ва барқарор аёл амazonкага ўхшатилади”<sup>1</sup>. Олимнинг қайд этишича, рассомлар, шоирлар ва ҳайкалтарошларни даставвал мифик тимсолларнинг теранлиги ва бадиийлиги жалб этади. Одамларга таъсир этадиган ўша куч-қудрат изоҳи фақат юонон мифологиясида мужассамдир дейиш тамоман ўринли эмас. Чунки мифология қадимгиларнинг ерда ҳаётнинг пайдо бўлишини, табиатдаги стихияли ҳодисаларнинг юз бериши сабабларини тушунтиришга бўлган уриниши сифатида, инсон ўз атроф-муҳитидаги ўрнини аниқлашга ожиз бўлган даврда пайдо бўлган эди<sup>2</sup>.

Мифларда аждодларимизнинг борлиқ ҳақидаги тасаввурлари, илоҳий кучлар тўғрисидаги инонч-еътиқодлари мужассамлашган. Тарихий тараққиёт туфайли инсон онги шаклана боргач, ёвуз ва эзгу кучлар ҳақидаги тасаввурлар ўзгариб, айрим инончлар йўқолиб борган, бироқ батамом йўқолиб кетмаган. Халқ эртаклари, достонларида қадимги мифлар, инончларнинг изи сақланиб қолган. Қадимги туркийлар заминида турли динлар ҳукм сурган. “Турк хоқонлигига яшаган халқларнинг диний эътиқоди, тасаввурлариҳам турлича бўлган, кўп худолилик ҳукм сурган. Бу эса уларда турли хилосмоний ва ер жисмлари - қуёш, ой, ер-сув, ҳайвонлар ва бошқа нарсаларгасиғиниши қелтириб чиқарган. Осмон худоси Тангри

---

<sup>1</sup>Н. А. Кун. Қадимги юонон афсона ва ривоятлари. (Рус тилидан Пошли Усмон ва Фазлиддин Шукур таржимаси.) - Самарқанд, “Зарафшон” наш-ти, 2005. - 3-бет.

<sup>2</sup> Абсамиеv X. Туркий халқлар адабиёти. – Самарқанд, 2004.

туркқавмларининг энг олий худоси ҳисобланган. Ҳозирда ҳам «Тангри»ибораси Аллоҳ номига нисбат сифатида қўлланилади”<sup>1</sup>.

Мифлар инсон бадиий тафаккурининг илк шакли сифатида намоён бўлади, шу орқали ўзини англаш жараёнига ҳам омил бўла олади. Қадимги грек мифларида турли қаҳрамонлар ва маъбудларнинг ҳаёти, саргузаштлари ва фаолияти тасвирланади. Бундай мифлар катта туркумларга бирлашади. Масалан, юонон қўшиқчилари – аэдлар томонидан афсоналар ва қўшиқлар куйланган. Даврлар ўтиши билан улар Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея», Гесиоднинг «Теогония» ҳамда «Мехнат ва кунлар» ва бошқа катта эпик достонларга сингиб кетган. Маълум бўлишича, юонон шоирлари – Эсхил, Софокл, Еврипидлар ўз трагедияларини худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги қадимги мифларга асосланиб ижод этганлар. Турон заминида пайдо бўлган мифларнинг юонон мифлари билан уйғунлик жиҳатлари яққол кўзга ташланади.

Афсоналар мазмун-моҳиятида биз инсон тафаккури билан боғлиқ тадрижий тараққиётни кузатамиз. Афсоналар сюjetида худо ва маъбудлардан бошқа тимсоллар ҳам иштирок этади. Улар реал инсонлар – ўзкуч-қудратига ишонган енгилмас паҳлавонлар бўлиб, ўзларидан юзлаб марта катта ва баҳайбат бўлган дев, аждар ва бошқа кучлар устидан ғалаба қозона олади. “Эликбек”, “Сиёвуш”, “Рустам” ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир.

Достонлар мазмун моҳиятига кўра миф ва афсоналардан жиддий фарқ қиласди. Қаҳрамонлик достонларида ҳаётий, реал воқеа-ҳодисалар тасвирланади. Достонлар марказида мард, довюрак, ватанпарвар, орномусли қаҳрамонлар тимсоли туради. Улар хаёлий дев-аждарлар билан эмас, босқинчиларга қарши курашадилар. “Гилгамиш”, “Алпомиш”, “Рустамхон”, “Манас” каби достонлар шулар жумласидандир. XI аср

---

<sup>1</sup>К.Усмонов, М.Содиқов, С.Бурхонова.Ўзбекистон тарихи. – Т.,2005.91-б.

тилшунос олими М.Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асари орқали XI аср ва бу асрга нисбатан ҳам беш-олти аср қадимийроқ бўлган турли хил мавзу ва мазмундаги шеър ва қўшиқлар етиб келганки, булар аждодларимиз ҳаёт тарзи, туйғу-кечинмалари, орзу-интилишларини ифодаловчи шеърлардир. Миғ, афсона, қаҳрамонлик эпоси, лирик шеър ва қўшиқлардан иборат энг қадимги адабий ёдгорликлар умумтуркий халқлар маънавий тарихини ўрганишда қимматлидир.

Жаҳондаги барча халқлар оғзаки ижодида ўзларининг келиб чиқиши тарихи ҳақидаги афсона ва ривоятлар, нақллар учрайди. Туркий халқларнинг келиб чиқиши, тарихи ҳақида ҳам кўплаб ривоят ва афсоналар яратилган. Инсоният тарихининг Нуҳ пайғамбар ўғилларидан бошланиши ҳақидаги ривоятга кўра турк қавмлари Нуҳнинг Ёфас номли ўғлининг авлодидир<sup>1</sup>. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида шеърий парчалар туркий халқларнинг энг нодир адабий ёдгорлиги бўлишидан ташқари, қадимги давр ҳақида маълумот берувчи асосий манбадир. Девондаги Алп Эр Тўнга номи билан боғлиқ парчалар тугал бир асарни ташкил этган деган фикрлар бор. Алп Эр Тўнга тарихий шахс бўлиб, айрим манбаларга кўра эрамиздан олдинги VII асрларда яшаган<sup>2</sup>. Бу шахс ҳақида кўплаб асарларда маълумот берилади. Жумладан, Маҳмуд Кошғарий ўз асарида Алп эр Тўнганинг форсча номи Афросиёб эканини таъкидлайди. Алп туркча баҳодир, Тўнга йўлбарсга ўхшаш ҳайвон. У кучлилиқда филни йиқитади. Эр – шиҷоатли одамдир. Алп Эр Тўнганинг маъноси “йўлбарс каби кучли, баҳодир эр киши демакдир<sup>3</sup>. Унинг асл исми Мадай бўлган. Эронликлар уни Афросиёб деб аташган. Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида ҳам Афросиёб Туроннинг подшоси бўлганлиги, унинг мард, жасур ва тадбиркор подшоҳ бўлганлиги ҳақида маълумотлар берилади. Умуман, Алп эр Тўнга ҳақида

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва хукамо. 16-том.Муқаммал асарлар тўплами.20 томлик.- Тошкент: Фан, 2000.- 106-бет.

<sup>2</sup> Алп Эр Тўнга ёки Афросиёб жангномаси.- Тошкент: Чўлпон, 1995.- 4-бет.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар, 4-бет.

Шарқ адабиётида кўплаб асарлар ёзилган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит турк” китобида Алп эр Тўнга ҳақида ёзилган достондан кўплаб парчалар келтирилган. Буларда Алп эр Тўнганинг қаҳрамонликлари, Турон тупроғини чет эл босқинчиларидан ҳимоя қилиши, Эрон билан олиб борган жанглари ҳикоя қилинади.

Туркий халқларнинг келиб чиқиши ҳақида бир неча афсоналар бор. Улардан бирида қуйидаги воқеа баён этилади:“Ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боблари қўшни қабилалар томонидан қириб ташланди. Фақат ўн ёшли бола яшириниб тирик қолди. Ўша ерда яшайдиган урғочи бўри унга хотин бўлди. Очликдан қутқариш, душманлардан яшириниш учун бўри ўша болани олиб Турфон тоғларига қочиб кетди. Тоғда бир ғор бор эди. У ерда урғочи бўри ўнта бола туғди. Болаларнинг отаси ўша кутқарилган турк эди. Бўри болалари Турфондаги аёлларга уйланди. Ҳар бир боладан бир уруғ келиб чиқди. Ўғилларидан бирининг исми Ашин эди. Унинг номи ҳамма қабила номини англатадиган бўлди. Ашин бошқа ака-укаларига қараганда қобилиятлироқ, ҳам ақллироқ эди. Шу сабабли Ашин янги қабиланинг доҳийси бўлиб қолди. Уруғ сони аста-секин бир неча юз кишига етди. Ашиннинг меросхўрларидан бири, қабила доҳийси Асян шад бўри авлодларини Турфондан Олтой ерларига олиб келди. Бўри авлодлари бу ерда жужанларнинг фуқаросига айланиб, уларга темир қазиб берар эдилар. Олтойда улар турк номини олдилар. Афсонага кўра, “турк” сўзи Олтой тогининг энг қадимги номидан келиб чиққан”<sup>1</sup>.

Яна бир афсонада ҳам бўри култи намоён бўлади: Турк қабиласининг ота-боблари шажараси Со салтанатига бориб тақалади. Бу салтанат Олтойнинг шимолида жойлашган эди. Қабила бошлиғи Абанбунинг ўн еттита укаси бор бўлиб, шулардан бири Ичасин Ишид “Бўри ўғли” деб ном олган эди. Со салтанати душманлар томонидан кунпаякун қилинди. Омон қолганлари қирилиб кетдилар. Бўри ўғли жуда тадбиркор эди. Шу сабабли имконият

<sup>1</sup> Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги тарихи. – Тошкент, 1993. – 42-бет.

топиб, уругини қийин аҳволдан олиб чиқди. Унинг ўғилларидан бири Оқкуш бўлиб, Абакан дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Иккинчи ўғли эса Цигу салтанатига асос солди. Бу салтанат Кама дарёси бўйларида эди. Учинчи ўғли эса Чжучже дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Катта ўғли Нудулу шад Ғарбий Саянга ўрнашди. Нудулу шаднинг ўнта хотини бўлган. Унинг ўғиллари онасининг қабиласи номини олдилар. Энг кичик хотининг ўғли Ашин эди. Нудулу шад вафотидан кейин тахтга биронтаси ўтириши керак эди. Шунда ака-укалар, кимки кучли ва эпчил бўлса, ўша уруғ йўлбошчиси бўлади, деб қарор қилдилар. Мусобақада Ашин ғалаба қилди. У Асян шад номини олиб, уруғ боши бўлди. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Туу тахтга ўтирди. Туунинг ўғли Тумин (Бўмин) турк ҳоқонлигига асос солди”<sup>1</sup>.

Ўтмишда ҳар бир халқ ўзининг келиб чиқишини бирор ҳайвон, жонзод, ўсимлик ёки буюмга боғлаган. Гумилёвнинг “Қадимги турклар” китобида ҳам ушбу масалага тўхтаб ўтилган. Бундай тотемистик дунёқарашиб қадимги дунё одамларининг олам ва борлик, табиат ва бошқа нарсалар билан муносабатини англашга нисбатан, ўзининг келиб чиқиши, ибтидосига бўлган қизиқиши туфайли шаклланган. Ашин қабиласини хитойлар Ту-кю деб атаганлар. “Турк атамаси кучли, мустаҳкам, демакдир. Ашина эса бўри дегани... Ашина – ҳимматли, мард бўри деган маънодадир”<sup>2</sup>.

Қадимги туркий халқларнинг умумий ёдгорлиги бўлган “Ўғузнома”, “Дада Қурқут” каби достонлар ҳам мавжуд<sup>3</sup>. Достонларда акс эттирилган воқеаларнинг кўпчилиги милоддан олдинги даврларда бўлиб ўтган. Қадимги юонон тарихчиларининг асарлари орқали етиб келган “Тўмарис”, “Широқ” номли афсоналар мазмуни ҳам барча туркий халқларга тегишли ҳисобланади. Хоразм худудида пайдо бўлган зардуштийлик дини билан боғлиқ бўлган афсона ва ривоятлар ҳам туркий халқларнинг тарихини акс эттиради. Бу диннинг муқаддас китоби бўлган “Авесто”дан бизгача етиб келган парчалар

<sup>1</sup>Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. - Тошкент, 1993. – 43-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

<sup>3</sup>Дада Қўрқут хикоялари /Туркий халқлар ижодиёти (Тарж.З.Очилова).- Тошкент, 2010.

маданиятимиз тарихи жуда бой ва ранг – баранг бўлганидан дарак беради. Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги афсоналар ҳам туркий халқлар орасида кенг тарқалган.

Зарина ҳақидаги қисса сицилиялик тарихчи Диодорнинг “Кутубхона” асарида баён қилинади. “Зарина ва Стриангия” номли бу қисса тарихчи Ктезий(430-354)нинг китоби асосида унинг қисқа мазмуни берилади. Диодор қуйидагича ёзади: “Бу пайтларда сакларда Зарина исмли, жанговор хислатларга эга аёл подшолик қиласиди. Умуман, бу қабилада аёлларнинг бари жанговор бўлади ва уруш азобларини эрлари билан биргаликда тортишади. Зарина ўлка ерларининг катта қисмини маданий ҳолатга келтириб, кўп шаҳарлар барпо этди”<sup>1</sup>.

Малика Заринанинг эри ўлгач, у қабилага бошлиқ бўлади. Шаклар ва мидияликлар ўртасидаги жангларда қабиланинг мустақиллиги учун курашиб Зарина шижаот кўрсатади. Мидия шаҳзодаси Стриангия Заринани яралайди, бироқ унга мафтун бўлиб қолгани учун асир олмай, уни кечиради. Бир қанча вақт ўтиб Парфия шоҳи шакларга хужум қилиб, Заринага зўрлик билан уйланади ва қабилани ўзига қарам қиласиди. Парфия ва Мидия ўртасида бўлиб ўтган жангларда шаҳзода Стриангия ҳам асир қилиб олинади. Ўз қабиласининг мустақиллиги учун кураш ғоясидан тўхтамаган Зарина асиirlар билан бирга Парфия шоҳига қарши тўсатдан хужум қиласиди ва уни енгади. Мидия шаҳзодаси Заринанинг мардлиги, шижаотини кўриб севиб қолади. Аёл Стриангиянинг оиласи борлиги учун унинг уйланиш таклифини рад қиласиди. Стриангия бундан қайғуриб, ўзини ўлдиради.

“Зариадр ва Одатида” севги ва қаҳрамонлик мавзусида бўлиб, Харис Митиленскийнинг асари орқали етиб келган. Мидия ҳукмдори Гуштасбнинг укаси Зариадр Каспий денгизидан Танаис (Сирдарё)гача чўзилган ўлқада ҳукмронлик қиласиди. Дарёнинг нариги қирғоғида яшаган скиф шоҳи

---

<sup>1</sup>Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Таржимон ва тузувчи З.Аъзам. – Тошкент: Юрист Медиа маркази, 2008 – 57- 58-б.

Омаргнинг қизи Одатида билан Зариадр бир-бирини тушида кўриб севиб қолишади. Йигит қизга совчи юборгандага Омарг қизини узоққа беришни истамайди. Зариадр дарёни кечиб ўтиб бу юртга келади. Омарг бу вақтда қизига, сенга қайси йигит ёқса ўшанга олтин қадаҳда май тутасан, деб зиёфат уюштирган эди. Зариадр скиф кийимида зиёфатда қатнашади. Қиз унга олтин қадаҳ тутади. Зариадр Одатидани олиб юртига кетади.

Мазкур киссада эр ва аёлнинг эрки, ҳуқуқи масаласи қаҳрамонлик мотивлари билан боғланиб кетади. Кейинги даврлардаги катта эпик асарлар “Ўғузнома” ва “Алпомиш” учун ушбу мавзу етакчилик қилди.

Рустам образи қаҳрамонлик эпосларининг асосий персонажларидан биридир. У дастлаб оғзаки, сўнг ёзма адабиётда ишланди. Сўғд эпосида Рустамнинг девларга қарши курашгани баён қилинади. Рустам девларни уларнинг шаҳар дарвозасигача қувиб боради. Кўп девлар ҳалок бўлиб, қолганлари шаҳар дарвозасини беркитиб олади. Рустамнинг оти Рахш яйловда ўтлаб юрганда, девлар қўққисдан ҳужум қиласди. Рустам бу пайтда ғалабадан кейин ухлар эди. Уни оти Рахш уйғотади. Рустам орқага қараб от суриб кетиб, девлар уни қувганда шиддат билан девларнинг устига от солади.

Ёзма адабиётда Рустам образи ҳаётий тасвирланиб, золим шоҳларга, ёвузлик ва адолализликка қарши курашувчи қаҳрамон сифатида яратилди.

Сиёвуш дастлаб мифологик худо образи сифатида тасвирланади. У ҳусн жамолда тенгсиз эди, ўгай онасининг эҳтиросларини рад этгани учун маломатга қолади. Сиёвуш ўзининг поклигини исботлаш учун олов устидан отида сакраб ўтади. Ўгай она билан юз кўришмаслик учун Афросиёбнинг олдига боради. Афросиёб унга қизини беради. Фитначи амалдорлар Сиёвуш ва Афросиёб ўртасига адоват солиб, шоҳнинг ўз куёвини ўлдиришига эришадилар. Сиёвшнинг ўғли Кайхисрав бобоси Афросиёбдан қасос олиб уни ўлдиради. Кайхисрав Хоразмшоҳлар сулоласига асос солган дейилади.

Умумтуркий адабиётга оид достон “Ўғузнома”дир. Маълум бўлишича, Ўрта Осиёда чигатой тилида қатор “Ўғузнома”лар битилган. Таниқли олим

Х.Күрүғли асар ҳақида қуидагича фикр билдирган: “Үғузнома” атамаси... дастлаб Абу Бакр б. Абдуллох б. Ойбек ад Давадари (ХИВ аср) асрида учрайди. Рашидуддинда қайд этилган, лекин бизгача етиб келмаган нусха ҳамда Париж Миллий кутубхонасида сақланаётган уйғур ёзувидаги “Үғузнома” ҳам тахминан ўша даврга хосдир. Бундан ташқари, XV- XIX асрларда Ўрта Осиёда чигатой тилида битилган қатор “Үғузнома”лар ҳақида маълумотлар мавжуд... Бизгача етиб келган Ўрта ва Марказий Осиёда яратилган “Үғузнома”лар узук бўлиб, ўғузларнинг бой эпик ижоди ҳақида “Китоб дедам Кўрқут” каби тасаввур бера олмайди” (Х.Короглы. «Родословная туркмен» Абулгази и огузский эпос». “Туркологик”, Л., 1976). Тилшунос олим В.В.Радловнинг “Қадимги турки лугат”ида Ўғузхон ҳақида маълумот бериб XIII юз йилликка оид бу афсона мазмунан эпиклиги, XV асрга дахлдор ягона нусхаси уйғур ёзувида битилгани ва ҳар бирида 9 қатор ёзув бўлган 42 сахифадан ташкил топганлиги, унинг Париж Миллий кутубхонасида сақланишини қайд этади. “Үғузнома” хорижий мамлакатлари олимлари томонидан ҳам ўрганилган<sup>1</sup>. Асарда қадимий туркийларнинг этногенезиси, ҳар бир уруғнинг шажаралари кўрсатилган. Достонда кўплаб шеърий парчалар ҳам келтирилган. Ўғизхоннинг туғилиши билан боғлиқ бўлган ривоятлар берилган, унинг давлатни бошқариш, эл-юрт ободончилиги, туркийларнинг озодлиги, мустақиллиги, фаровон ҳаёти учун олиб борган курашлари баён этилган.

“Үғузнома” туркий халқларнинг китобий эпоси ҳисобланади. Туркий халқлар тарихида иккита китобий достон қайд этилади. Бири “Дада Кўрқут китоби”, иккинчиси “Үғузнома”дир. “Үғузнома”нинг бизгача етиб келган нусхаси уйғур-турк ёзувида битилган, бу матн Париж миллий кутубхонасида сақланади.

<sup>1</sup>“Dede Korkut kitabı”, Ankara, 1958; F.Sumer. Oğuzlar.Turkmenler. Tarixlari – boy teskilati – destanları, Ankara, 1967; «Книга моего деда Коркута» М., Л., 1925; Х.Короглы. «Родословная туркмен» Абулгази и огузский эпос». “Turkologik”, Л., 1976; Ж.Дюмезиль. Скифы и Нарты. М.: Наука, 1979.

Асар матни кўздан кечирилганда, унда қадимги уруғчилик жамиятидаги миф ва афсоналар асос бўлганлигини кузатиш мумкин. “Ўғузнома” структур жиҳатдан Кул тигин ёдгорлигига ўхшайди. Достондаги мифологик қатlam, ўғузнинг аниқ бир географик муҳитдаги фаолияти бунга далил бўла олади. Унда қадимий туркий назмнинг унсурлари мавжуд. “Ўғузнома”нинг муқаддимасида уруғларнинг ва туркий уруғлардан Ашин уруғининг пайдо бўлишига оид афсоналар ўртасидаги уйғунлик, қадимги турк давридаги культлар – дараҳт, бўри, осмон култларининг қадимги туркий ёдномаларда ва “Ўғузнома”да ҳам мавжудлиги уларнинг умумийлик жиҳатларини кўрсатади. “Ўғузнома” достони икки қисмдан иборат. Биринчи қисм мифологик қатlam бўлиб, бунга Ўғузнинг ғайритабиий туғилиши ва ғайритабиий улғайиши, ёвуз шунқорга қарши курашиши ва уни ўлдириши лавҳалари киради.

Достонда Ўғузнинг Ой қоғондан туғилиши, унинг юзи кўк, оғзи оташ каби қизил, кўзлари қўйкўз, соchlари ва қошлари қоп-қора, нозик фаришталардан ҳам кўҳлироқ деб таърифланади. Аждодларимиз қадимда кўк тангрига эътиқод қилишган. Кўк (осмон маъносида) сўзи билан қўлланган барча нарсаларни муқаддас билганлар. Ўғузнинг юзини кўк деб таърифланишининг боиси шудир. У онасининг оғиз сутини эмади холос ва хом гўшт, ош-овқат, шароб сўрайди. Қирқ кунда улғаяди. Унинг ташқи кўриниши қуидагича: оёғи ҳўқизнинг оёғидек, бели бўриникидек, яғрини силовсинникидек, кўкси айикникидек, баданини буткул тук қоплаган. Йилки боқиб, от миниб, кийик овлаб юради.

Кейинги ўринларда Ўғузнинг ботир, хоксор ва мард деб тавсиф этилади. У одамлар ва йилқиларни еб битираётган қиат (каркидон)ни чўқмори билан уриб ўлдириб калласини ўзи билан олиб кетади. Қайтиб келса қиатнинг ичак-чавоғини бир шунқор еб турган экан. Ўғузхон шунқорни ёйи билан уриб ўлдиради. Асарнинг иккинчи қисми эса тарихий достонларга хос воқеалардан иборат. Бу қисмга Ўғузнинг уйланиши, фарзандларининг туғилиши, жанг

лавҳалари ва турли мамлакатларни босиб олиши, ўғилларига ўз қўл остидаги юртларни бўлиб бериши лавҳалари киради.

Кунларнинг бирида у Оллоҳга ёлвориб турганда кўқдан ёруғ нур тушади ва бориб қараса кўркам бир қиз экан. Ўғуз қоғон ундан уч ўғил фарзанд кўради. Уларнинг исмлари Кун, Ой ва Юлдуз эдилар. Ўғуз қоғон овга чиққанида дарахтнинг кавагида бир қиз ўтирганини кўради. Уни уйга олиб келади. Ундан ҳам уч ўғил кўради. Уларнинг исмлари Кўк, Тоғ, Тенгиз эди. Ўғуз қоғон элга тўй беради, қирқта стол ва қирқ курси ясалиб дастурхон ёйилиб нозу неъматлар, овқатлар, шароб ва қимизлар тортилади. Бекларга ёрлик бериб қуроли ёй ва қалқон эканлиги, тамғаси олийжаноблик, ўрони (пароль) кўк бўри эканини айтади. Тўрт тарафга ёрлиқлар юбориб бошқа қоғонларни унга бўйсунишларини талаб қиласди. Олтун қоғон бу талабга бўйсунади, Урум қоғон эса Ўғузни заррача писанд этмайди. Ўғуз қўшинни йиғиб Музтоғга келиб ўрдасини тикади. Тонгда унинг ўрдасига кўк ёлли эркак бўри кириб, Ўғузнинг Урум устига юриш қилиши ва қўшинига бўрининг ўзи бошчилик қилишини айтади. Итил дарёси яқинида катта жанг бўлади. Урумни енгади, Ўрусбекнинг ўғли Ўғуз қоғонга бўйсунишини айтади. Ўғуз қоғон “шаҳарни яхши асррагани учун” унга “Сақлаб” деган ном беради.

Туркий адабиётда хамсачилик анъаналари пайдо бўлди, шеъриятда тасаввуф мавзуси ҳам етакчиллик қиласди. Туркий адабиётнинг буюк истеъдодлари майдонга келди, жаҳон адабиёти санъаткорлари қаторидан ўрин олганлар. Низомий Ганжавий, Фузулий, Жалолиддин Румий, Юнус Эмро, Навоий ва Бобур, Махтумқули, Залилий, Абай кабиларни қайд этиш мумкин. Шунингдек, XX аср адабиётида ҳам кўзга кўринган туркий адилар этишиб чиқди. Нозим Ҳикмат, Раҳод Нури, А.Қодирий, Чўлпон, Ч.Айтматов, М.Авезов, Ўлжас Сулаймон, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев каби сўз санъаткорларининг яратган асалари жаҳон китобхонларига яхши таниш.

Туркий халқлар адабиёти жаҳон адабиёти тарихининг олтин ҳалқаларини ташкил этади. Гарчи наср бўйича Европа ва Америка адабиёти катта ютуқларга эришган бўлса-да, Чингиз Айтматовнинг роман ва қиссалари эпик турнинг тараққиётига янги ўзан берди. Жаҳон шеъриятининг асосий ўзаги Шарқ шеърияти бўлса, уни туркий шоирлар ижоди тўлдириб туради.

### **Саволлар:**

1. Қадимги туркийларнинг географик жойлашуви қандай бўлган?
2. Қадимги туркийлар тарихи ва адабиёти кимлар томонидан ўрганилган?
3. Туркийлар генезиси ҳақидаги қайси гипотеза ва афсоналарни биласиз?
4. Туркий ёзма адабиёт намуналарининг ўрганилиш тарихи қандай бўлган?

### **Адабиётлар:**

1. М. Кошгариј. Девони луготит турк. -Т., 1962.
2. Б.Тўхлиев. «Қутадғу билиг» асари ҳақида. - Т., 1991.
3. Памятники древно-туркской письменности. – М.-Л., 1951.
4. А.Абдураҳмонов. Алп эр Тўнга жангномаси. - Т., 1993.
5. Ш.Холматов. Ўзбек халқ поэтик ижоди. - Т., 1994.
6. А.М. Щербак. Огуз-наме. Мухаббат-наме. - Л., 1959.
7. Раҳмон Н. Турк ҳоқонлиги. – Т., 1993.
8. Дада Қўрқут ҳикоялари /Туркий халқлар ижодиёти (Тарж.З.Очилова).- Т., 2010.
9. Қадимги тарихчилар Ўрта Осиё ҳақида. Таржимон ва тузувчи З.Аълам. – Т., 2008.

## **“МАНАС” ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯЛАРИ**

Кирғиз халқ оғзаки ижодида халқ қаҳрамонлик достонларига эртак ва афсоналар асос бўлган. Кирғиз халқ достонлари таркибида қаҳрамонлик мавзусидаги достонлар кўпчиликни ташкил қиласи. “Кўрманбек”, “Эртобилди”, “Эртуштук”, “Жонил Мирзо” каби халқ қаҳрамонлик достонларида халқнинг эрк ва озодлик ҳақидаги орзу умидлари, курашлари, баҳодирларнинг ватан учун кураши саргузашлари тасвирланади.

Кирғиз достонлари таркибида “Манас”нинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Нафақат қирғиз фолклорида, балки жаҳон адабиёти аренасида бу достонга

ҳажм жиҳатдан тенг келадиган асар топилмайди. “Манас” достони “Илиада” ва “Одиссея” эпосларидан ҳам улкан бўлиб, 500 минг байтдан иборат. Достон ўзбек тилига шоир Миртемир ва болалар ёзувчisi Турсунбой Адашбоев томонидан таржима қилинган. Асар шеърий шаклда ёзилган бўлиб, учта катта қисмга бўлинади. Биринчи қисм Манаснинг туғилиши ва болалиги, саргузаштлари баёнига бағишлиланган бўлса, иккинчи қисм Манаснинг ўғли Семетей, учинчи қисм унинг набираси Сейтекнинг ҳаёти ва бошидан кечирган саргузаштларини ҳикоя қиласди.

Қирғиз бийларидан бўлган Жақип гарчи бой бадавлат бўлса-да, фарзандсиз эди. У бир йифинга кирганда фарзандсиз кишиларга одамларнинг таъналари кўнглига ботиб кетади ва уйига келгач хотини Чийирдига ҳасратини тўкиб солади. Жақипга бир киши “аёл кишининг иззат нафси қаттиқ қўзгалса бирор натижа бериши”ни уқтиради. Жақип Чийирдига таъсири сўзлар айтади. Чийирди ҳомиладор бўлади ва бир неча вақт ўтгач, аёл йўлбарснинг юрагига бошқоронғи бўлади. Жақип унга тоғу ўрмонларни кезиб йўлбарсни тутиб юрагини келтиради. Чийирдининг ой куни келиб, ўғил фарзанд дунёга келади. Унинг елкасида ёли ва нори бор эди. Жақип ўғлининг туғилишидан олдин туш кўради. Тушида бир авлиё унга “ўғлинг Манас бўлсин, эл юртни ҳар доим қўриқласин” дейди. Манаснинг туғилиши муносабати билан отаси қирқ кеча кундуз тўй қилиб беради.

Манас кун сайин, соат сайин ўса бошлайди. У шундай бақувват ва паҳлавон бола бўладики, ўртоқлари билан ўйнаса, уларнинг қўли ёки оёгини бехос шикастлаб қўяди. Шунда у тоғу тошларга чиқиб дараҳтларни томири билан қўпориб, сувларнинг оқимини ўзгартириб, ўзига машғулот топиб ўйнайди.

Манас бутун элга полвон бўлиб машхур бўлади. У ҳар доим ёнида қирқ йигити билан юради, қирғиз халқини афғон, қалмоқ, хитой босқинчиларидан ҳимоя қилиб, душманларга қарши курашади. Асли хитойлик бўлган Алооoke билан дўстлашади. Алооoke ҳам Манасга ҳамиша садоқатли дўст сифатида

қолади. Саргузаштларининг бирида бошқа юрт вакили бўлган Санирабикага уйланганда Манас, унинг канизакларига ўзининг қирқ йигитини уйлантиради. Манаснинг онаси Чийирди келинига ўз халқининг тилига мувофиқ “Хоникей” исмини қўяди. Манас бошқа аёлларга ҳам уйланса-да, Хоникей Манас умрининг охиригача меҳрибон, садоқатли, вафоли ёр бўлиб қолади. Достонда Манаснинг юрт озодлиги учун олиб борган курашлари маҳорат билан берилган. Биринчи қисм қаҳрамонлик мавзууда бўлса, достоннинг Семетей ва Сейтекка бағишлиланган қисмлари ишқ-муҳаббат мавзуудадир.

“Манас” достонини куйловчилар манасчи бахши дейилган. Қирғиз халқ ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг берган маълумотига кўра бахши Саёқбой Қоралаев “Манас” достонидан бир миллион мисрани ёд билган. Достонда қирғиз халқининг тарихи, маданияти, этнографияси, географияси ҳақида маълумотлар берилган. “Манас” достонини таъбир жоиз бўлса қирғиз халқи тарихининг энциклопедияси дейиш мумкин.

## **“ДАДА ҚЎРҚУТ” ДОСТОНИНИНГ ҒОЯВИЙ-БАДИЙ ХУСУСИЯЛАРИ**

Энг қадимги турк халқи достонларидан бири «Яратилиш достони» бўлиб, унда инсониятнинг яратилиши, дастлабки турк аждодлари ҳақида қизиқарли ривоятлар берилган. Айниқса, «Ўғизнома» номли достонда қаҳрамонлик мотивлари кўтаринки руҳда куйланган. Бу достон бир қанча бўлимлардан иборатдир. Гўрўғли образи қатнашган бир қанча достонлар цикли ҳам мавжуд бўлиб, улар бошқа туркий халқлар адабиётидаги шу типдаги достонлар билан ҳамоҳангдир.

«Дада Қўрқут» ҳақидаги достон ҳам турк халқи фолклорининг энг машҳур асарларидан бири ҳисобланади. Асарда реал воқеа-ҳодисалар билан бирга мифологик образлар, фантастик тасвирлар ҳам ўрин олган. Бу эса асар яратилган даврга хос хусусият деб баҳолаш мумкин. Ҳазрат Алишер

Навоийнинг “Насойим –ул муҳаббат” асарида Дада Қўрқут ҳақида қайдлари бор: “Турк улуси аросида шуҳрати андоқ ортуғроқдурки, шуҳратқа эҳтиёжи бўлғай. Машхур мундокқурки, неча йил ўзидин бурунқини, неча йил ўзидин сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизаомуз магизлик сўзлари ародা бор”.“Дада Қўрқут” китоби ўн икки ҳикоядан иборат. Бу ҳикоялар мазмунан ва сюжет тузилиши жиҳатидан “Алпомиш” достони билан уйғунлик касб этади. Асарнинг бир неча нусхалари бўлиб, улар ҳақида маълумотлар мавжуд. Адабиётшунос А.Тилавовнинг берган маълумотига кўра асарнинг ilk ёзма нусхаси Дрезден Қироллик кутубхонасида сақланади. Ушбу нусха дастлаб 1916 йилда Рифет Билге, 1938 йилда Ўрхон Шаик Гўкей томонидан нашр этилган. Иккинчи нусха 1950 йилда Ватикан кутубхонасидан топилган. Бу нусха фақат олти ҳикоядан иборат тўлиқ бўлмаган шаклидир. У 1952 йилда Эттори Роси томонидан нашр қилинган. Энг мукаммал нашр Доктор Мухаррам Эргин томонидан амалга оширилган<sup>1</sup>.

Дада Қўрқут баъзан Қўрқут Ота деб ҳам юритилади. У ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) даврида Сирдарё атрофларида яшаган ўғуз қабилаларнинг Баёт ёки Қайи бўйига мансуб Қора Хўжа исмли зотнинг ўғли бўлган<sup>2</sup>.«Ул киши Ўғузнинг тамом билгувчиси эди, Ўғуз ичида унинг бор каромати зоҳир бўлмиш эди, на деса бўларди, ғойибдан турли хабар сўйларди, яратганинг ўзи унинг кўнглига илҳом соларди» дейилади. Дада Қўрқут ўғуз қабилаларининг тинч ва фаровон яшали учун ҳаракат қилган, халққа ёрдам қўлинни чўзган, қабиладошларига таянч бўлган, турли қийинчиликлар вақтида ўзининг ақли, илми, донолиги билан тадбир қўллаган. Айрим маълумотларга қараганда “Қўрқут” бахши ёки исломгача бўлган даврдаги Шаманнинг номи бўлиши мумкин. Бошқа бир манбаларда эса “Қўрқут” номини Тошкентга яқин жойдаги «Хорхуд» деган жой номи билан боғлиқ эканлиги айтилади.

---

<sup>1</sup>Дада Қўрқут ҳикоялари/ Туркий халқлар ижодидан. Тарж. ва нашрга тайёр. З.Очилова. – Т., 2010. – 3-4-бет.

<sup>2</sup>O’sha joyda.

Асарнинг Бўғочхон ҳақидаги ҳикояси қисмида ота ва ўғил ўртасига адоват уруғининг сочилиши баён қилинади. Дерсаҳоннинг фарзанди йўқлигидан Бойиндирхон унинг иззат-нафсига тегади. Уйига келиб дардини хотинига айтганда, аёл бекка саҳоват ишларини қилса, зора тангри уларга ўғил беришини умид қиласи. Улар фарзандли бўлишади. Бола ўн беш ёшга тўлганда ҳовлисидағи буқа унга юурганда бола мушти билан уриб калласини олади. Дада Кўркут бола буқани энггани учун унга “Бўғоч” деб исм қўяди. Йигитга бекликни беришади. У отасининг одамларини назарга илмагани учун ота-бола ўртасига нифоқ солишни ўйлашади. Дерсаҳонга ўғлинг сени ўқ билан отиб ўлдирмасидан сен уни ўлдир, дейишади ҳамда ов вақтида Дерсаҳон ўғлига ўқ отади. Дерсаҳоннинг хотини ўз ўғлини қутқариб эридан яшириб парвариш қиласи. Отанинг қирқ одамлари Бўғочхоннинг тириклигини билиб қолиб, агар Дерсаҳон бор ҳақиқатни билса, бизни ўлдиради, Дерсаҳонни душманга топширайлик, деб уни боғлаб қўйишади. Бўғочхоннинг онаси воқеадан хабар топиб ўғлига отасини қутқаришни айтади. Бўғочхон қирқ йигити билан отасини қутқаради.

“Тепакўз” ҳикоясида ўғузлар душман ҳужуми туфайли ўз юртларидан кетишга тўғри келгани ва Арузхўжанинг кичик ўғли отдан тушиб қолгани баён этилади. Вақт ўтиб Ўғузхоннинг бекларидан бири қамишзордан арслонга ўхшаш одамни кўриб қолади. Арузхўжа бу йўқолган ўғлим бўлиши мумкин, деб уни уйига олиб келади ва Басат деб исм қўяди. Арўзнинг бир чўпони бор эди. Чўпон сув бўйида пари қизни ушлаб олади. Пари қиз чўпонга бир йилдан кейин унга ҳадя беришини айтади. Бир йилдан кейин чўпон парининг олдига келса у эрга ялтироқ нарса ташлайди. Уни қанча тепса шунча катталашади. Чўпон уни олмайди. Бойиндирхон беклари билан кетаётганда уни тепишади, у иккига бўлиниб, ичидан одам чиқади. Арўз гавдаси инсонникига ўхшаган, пешонасида бир кўзи бор бу маҳлуқни уйига олиб келади. У улғайгач, ваҳшийлашиб боради, ҳар куни иккита одам ва беш юзта қўй талаб қиласи. Басат бу вақтда жангда эди, жангдан қайтгач,

Тепакўзни ҳйла билан ўлдиради. Дада Қўрқут “Қора тоққа бақирганингда жавоб қилсин! Қонли-қонли сувлардан ўтиш йўлини берсин. Қодир Оллоҳ юзингни ёруғ қилсин” деб дуо қилади.

Кейинги ҳикоялардан бири “Эмрен”да Бегилнинг мардлиги, ориятчанлиги, гурури унинг ўғли Эмренга ҳам хослигини кузатиш мумкин. Бу ҳикояда ўғилнинг ота ўрнини боса олиши, юртни душмандан ҳимоя қилиши воқеалари берилади. “Сегрек” ҳикояси ака-ука Эргек ва Сегрекнинг саргузаштларига бағишлиланган. Душманга асир тушган Эргекни укаси қутқаришга келади. Душман ҳийла қилиб Сегрекни ўлдириш учун Эргекни юборади. Ухлаб ётган укасининг белидан қўбизни олиб чалганда Сегрек ўз акасини таниб қолади. Улар иккиси душманга қарши курашиб уни енгади.

“Телба Думрул” қисми эса қадимги ўғузларнинг инонч-еътиқодлари ҳақидаги тасаввурларни ойдинлаштиришга ёрдам беради. “Йигинек” номли ҳикояда Қози Хўжа исмли бекнинг душманга асир тушиши ва ўн олти йил ҳибсда ётгани, унинг ўғли Йигенекнинг душманни энггани ва отасини озод қилиши воқеалари тасвириланади. “Кан Турали” ҳикояси ўғузларнинг ўша даврдаги турмуш тарзи, урф-одатлари, расм-русумлари ҳақида ҳам маълумот бера олиши билан аҳамиятлидир. Кан Туралини отаси уйлантиromoқчи бўлганида у бўлғуси келин ҳақида шундай шартларни айтади: “Мен ўрнимдан тургунимча, у турсин, мен отимга мингунимча у минсин. Мен душман билан жанг қилганимда, у мендан олдин бостириб кирсин”. Кан Турали Трабзон бегининг қизи Селжен хотинга унинг учта қўриқчилари – буқа, шер, тuya билан кураш тушибуларни энгади. Селженга ота-онамнинг ризолигисиз уйлана олмайман, дея ўғузга – Кан Туралининг юртига йўл оладилар. Селженнинг харидорлари уларни маҳв этмоқчи бўлади. Селжен Кан Туралини бундан огоҳ этади ва биргалиқда курашадилар.

“Салур Қозон” ҳикоясида ўғузларнинг яна бир begi ҳақида сўз боради. У барча ўғуз бекларини йиғиб, овга бориб кўнглини ёзиб келишини айтади. Салур Қозон овга кетганда хотини Бурла хотунни, кекса онаси ва ўғли

Урузни душманлар олиб кетадилар. Салур Қозон ёмон туш кўриб уйғониб кетади ва уйига келиб кўрсаки, ҳаммаёқ вайронага айланган. У йўлидан чиқкан ит ва бўридан бу ҳақда сўрамоқчи бўлади. Чўпондан сўрайди. Чўпон бўлган воқеаларни айтиб беради. Салур Қозон ва Қоража чўпон уларни излаб йўлга чиқишиади. Салур Қозоннинг оила аъзоларини Шукли Малик олиб кетган эди. Шукли Малик Бурла хотунни ўзимга чўри қилиб оламан, деган ниятда эди. Бундан хабар топган Бурла хотун қирқ қизга “агар Қозоннинг хотини ким?” десалар барчангиз баравар “мен!” дейсизлар”, дейди. Шуклу Малик бу саволни берганда қирқ қизнинг барчаси “мен!” деб жавоб беради. Натижада у Салур Қозоннинг хотини ким эканини ажратади. Шунда у Салурнинг ўғли Урузни ўлдириб, гўштини пишириб қирқ хотинга эдиришни буюради. Қайси хотин гўштдан эмаса, ўша Салурнинг хотини бўлади, дейди. Уruz онасига “олдингизга гўштимни олиб келсалар, бошқалар бир луқма эса, сиз икки луқма энг. Ор-номусимизга доғ тушганидан ўлим афзал”, деб айтади. Бу вақтда Салур Қозон ва Қоража чўпон Шуклу малик билан жанг қиласидар, ўғуз беклари уларга ёрдамга келадилар. Салур Қозон оила аъзоларини қутқариб олади.

“Бону чечак” ҳикоясида анъанавий мотив – икки бекнинг фарзандсизлиги баёни берилади. Ўғуз беклари иккала бекни дуо қилишгач, орадан вақт ўтиб Бамси Байрак ва Бону чечак туғиладилар. Бамси Байрак овга чиқканда қизнинг чодирига келиб қолади. Қиз йигитнинг кимлигини билгач, ўзини Бону чечакнинг энагасиман, деб унга овда мусобақалашишни, отда чопиш ва камон отишни таклиф қилиб, уни синамоқчи бўлади. Йигит ҳар жихатдан қизни ортда қолдиради. Бону чечак ўзини танитади, йигит унга узук тақади. Қизга уйланиш қарорини отасига айтганда, бу тўйга қизнинг жаҳлдор акаси (уни телба Карчар деб аташарди) қарши бўлади. Совчиликка Дада Қўрқут боргандада телба Карчар уни урмоқчи бўлади. Дада Қўрқут “Қилич кўтарган кўлинг чирисин!” деб дуо қилса, унинг қўли ҳавода муаллақ қолади. Телба Карчар ундан кечирим сўрайди. Икки ёшнинг тўйига тайёргарлик

бошланади. “Бамси Байрак” ҳикоясида йигитнинг Бойбурт қалъасидан келиб олиб кетишлари ва телба Карчарнинг унинг кўйлагини қонга бўяб Бойиндирхонга ва Бону чечакка кўрсатиб ўлдига чиқариши ҳикоя қилинади. Бамси Байрак зинданда ўн олти йил ётади. Уни душман бегининг қизи севиб қолади ва озод қиласди. Бу вақтда Ялтажук Бону чечакка уйланиш арафасида эди. Бамси Байрак ва Ялтажук курашадилар. Бамси Байрак Бойбурт қалъасини ишғол этиб, дўстларини ҳам қутқаргач сўнг қизга уйланаман, дейди. Бамси Байрак ғалаба билан юртига қайтади.

Кейинги қисмда Қазилиқ хўжанинг 15 яшар ўғли ўғуз уруғининг душманларига қарши олиб борган кураши тасвирланган. Ўн иккинчи якунловчи ҳикояда ўғуз қабилаларининг мансаб ва лавозим талашиб бирбири билан олиб борилган жанглари ёзилган. Қозон-Соларнинг тоғаси Аруз беклар беги лавозимини эгаллаш учун Қозон-Соларга ҳужум қиласди. Унинг яқин ёрдамчиси Бамси-Байракни ўлдиради. Кейин Қозон-Солар Арузбекка ҳужум қилиб уларни энгади. Бу жангда Арузбек ҳам вафот этади.

Мазкур достондаги воқеалар тасвирида мифологик образлар, мифик унсурлар кўплаб учрайди. Айниқса, ҳоқонлар ва ботирларнинг кучкудратини бўрттириб тавсифлаш етакчилик қиласди. Шунга қарамай, асар тарихий негизга эга, демак, қаламга олинган воқеаларнинг аксарияти реал ҳаётда бўлган. Асарнинг тарихий ва бадиий, маърифий аҳамияти катта бўлиб, у асрлардан асрларга ўтиб туркий халқларни ватанни севишга, ўз юртини душманлардан ҳимоя қилишга ундан келади.

## ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ

### Режа::

1. Низомий Ганжавий ҳаёт йўли.
2. Шоирнинг ижодий мероси кўлами ва мавзулари.
3. Лирик асарлари таҳлили.
4. “Панж ганж” ҳамсачилик анъанасининг илк намунаси.

## **Таянч иборалар: озарбайжон мумтоз шеърияти, Низомий Ганжавий, Ганжавий ғазаллари, илк “Хамса”.**

Озарбайжон халқы бошқа туркийлар сингари ўзининг бой қадимий маданияти, тарихи, адабиёти ва санъатига эгадир. Озар халқи яратган бу маданий ва маънавий мерос замирида халқнинг асрий орзу-умидлари, эътиқоди, бадиий, фалсафий дунёқараши мужассам бўлган. Бу халқ ҳам жуда узок замонлардан бери мустақиллик ғояси учун курашиб келди. Бир неча эрон шоҳлари, турк султонлари, араб ва мўғуллар ҳукмронлиги даврида озар халқи истилочиларга қарши мардонавор кураш олиб борди. Озарбайжонлар тарихий вазиятлар туфайли икки давлат ҳудудига бўлинниб кетганлар. Шимолий Эронда ўн беш миллионга яқин озарбайжонлар яшайди. Истилолар даврида озарбайжонлар Кавказ ортининг турли ҳудудларига тарқалиб кетган эдилар. Бугунги кунда Жанубий Озарбайжон – Эрон Озарбайжони ҳудудида яратилган бой адабий мерос ҳам озарбайжон миллий адабиётини ташкил этади.

Маълумки, озарбайжон тили туркий тиллар оиласига мансуб. Тарихий шароит ва ижтимоий ҳодисалар жараёнида Озарбайжонда VII-VIII асрларда араб тили, XV асрда форс тили расмий давлат тили бўлган. Шу сабабли озарбайжон шоирлари Исмоил Яссор, Ахмад Табризий (X аср), Баҳманёр Али Бокуи, Хатиб Табризийлар араб ва форс тилларида ижод қилганлар. X-XII асрларда яшаган шоирлардан Ҳоқоний-Червоний, Низомий-Ганжавий, Муҳаммад Фузулий, Мирзо Фатали Охундовлар ҳам ўз асарларини шу тилда ёздилар. Араблар ҳукмронлиги даврида Озарбайжонда кескин сиёсий-тарихий ўзгаришлар рўй берди. XV-XII асрларга келиб бу ерда араблар мустамлакаси бироз суистлашди ҳамда маҳаллий феодал давлатлар ташкил топди. Натижада, сарой адабиёти пайдо бўлди ва ривожланди. Абул Ула Ганжавий, шоир ва астроном Фалакий – Шервоний, шоира Махсети Ганжавийлар мумтоз адабиёт жанрларида асарлар яратдилар. Айтиш керакки, озарбайжон адабиётининг такомилида халқ оғзаки ижоди

намуналари билан бирга араб ва форс тилидаги адабиётнинг ҳам таъсири кучли бўлган.

Низомий Ганжавий шарқ мумтоз адабиётининг йирик вакили, форс-тоҷик шеъриятининг, достончилигининг қўзга кўринган намояндаси. Унинг номи жаҳон адабиётидан лирик шоир ва “Хамса” достонларининг асосчиси сифатида ўрин олган.

Шоирнинг тўлиқ номи Абу Мухаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд Низомий Ганжавий бўлиб, Озарбайжоннинг Ганжа шаҳрида туғилган. Унинг таваллуди 1140-1146-йиллар оралиги деб кўрсатиладиган манбалар мавжуд. Халқаро Юнеско ташкилоти томонидан шоирнинг таваллуд йили 1141 йил сифатида расман тасдиқланган. Низомий Ганжавийнинг ўзи “Хусрав ва Ширин” достонида арслон буржида туғилганлигини айтади. Достоннинг муқаддимасида шоирнинг қирқ ёшда эканлиги таъкидланган. Мазкур достон 575 ҳ.й. (1181 м.й.) йилда ёзилганлиги инобатга олинса, шоир таваллуди 1141 йилга тўғри келади. Ўша йили арслон буржи эса 17-22-августга тўғри келиши эса Низомий Ганжавийнинг туғилган кунини белгилашга асос беради.

Низомий Ганжавийнинг туғилган жойи тўғрисида ҳам турлича маълумотлар бор. Ҳожи Лутф Алибейнинг “Оташкада” асарида Эроннинг Қум шаҳри шоир туғилган жой деб кўрсатилади. Тазкиранавислар Авфий, Давлатшоҳ Самарқандийлар Низомий Ганжа шаҳрида туғилган, деган фикрни билдирадилар. Рус шарқшуноси Е.Бертельс шоир қўлёзмаларини ўрганиб, уларда Қум номи келтирилмаганлигини таъкидлайди. Бироқ, шоирнинг отаси Қум шаҳридан бўлган деган мулоҳазалар ҳам учрайди. Ўрта аср тазкира муаллифлари Низомий Ганжавий оиласининг тикувчилик билан шуғулланганлигини айтиб ўтадилар. Лекин шоирнинг ўзи бу қасбни тутмаган.

Шоир Низомий Ганжавийнинг ўз сўзларига кўра онаси курд қабиласи бошлиғининг қизи бўлган. Низомийнинг ёшлиқ чоғида отаси Юсуф ибн

Закий ва онаси Раиса вафот этишади. Давлатшоҳ Самарқандий (1438-1491) “Тазкират уш шуаро” (1487) асарида Низомийнинг акаси Қувоми Мутарразийнинг ҳам шоир бўлганини эслаб ўтади. Бўлғуси шоир тоғаси Хожа Умар қўлида қолади. Тоғаси жиянининг иқтидорига алоҳида эътибор бераб, унинг илмли, зиёли бўлишига ёрдам беради. Низомий Ганжавий араб, форс тилларини чуқур ўзлаштирган, форс адабиёти, ҳалқ оғзаки ижоди анъаналарини ўрганган, математика, астрономия, алхимия, тиббиёт, ботаника, тафсир, фиқх, тарих, этика, фалсафа, мусиқа, тасвирий санъат каби кўп соҳаларни пухта билган. Унинг жуда кўп илмларни эгаллаганлиги сабабли “ҳаким”, яъни донишманд деб атаганлар.

Низомий Ганжавий эроний подшолар ҳукмронлиги даврида яшади. Ҳукмдорлар уни саройга таклиф этсалар-да, Ганжавий сарой шоири бўлишни истамай, эркин ижодни афзал кўрди. Лекин шунга қарамай ўша давр анъаналарига мувофиқ “Хамса” достонларини ҳукмдорларга бағишлиайди. Ҳукмдорлар шоирга совға-саломлар юбориб турганлар. Дарбанд ҳокими Бойбарс ибн Малик Музaffer шоирга Офоқ исмли канизакни совға қилиб юборади. Низомий уни озод қилиб, сўнг уйланади. 1174 йили унинг ўғли Муҳаммад туғилади. Шоир 1178-1179-йилларда “Хусрав ва Ширин” достонини ёзиб тугаллаган вақтда умр йўлдоши Офоқ вафот этади. Низомий достондаги Ширин тимсолида Офоқни ифодалайди. Бу ҳақда адабиётшунослар С.Эркинов ва М.Ганихоновлар шундай ёзган эдилар: “Ширин образи Низомийнинг Офоқ учун қўйган ҳайкали эди. Низомий Офоққа бўлган қайноқ ҳис-туйғуларини кексалик йилларида яратган “Искандарнома” достонида ҳам дард билан эслайди”<sup>1</sup>.

Низомийнинг жаҳон адабиётидаги шуҳрати ва ўрни унинг шарқ адабиётида машҳур бўлган хамсачиликка асос солиши ҳисобланади. Шоир “Хамса” таркибидаги илк достон “Махзан ул асрор”ни Кичик Осиёдаги Эрзинжон шахрининг ҳокими Фаҳриддин Баҳромшоҳга (1155-1218)

<sup>1</sup> Эркинов С., Ганихонов М. Низомий Ганжавий. – Тошкент: Фан, 1992. 10-б.

багишлиайди ва асарни унга юборади. Баҳромшоҳ Низомийга асари учун совға-саломлар жўнатади. Манбалардан маълум бўлишича, Низомийнинг рақиблари бу инъомларни йўлда талон-тарож қиласидилар<sup>1</sup>. “Махзан ул асрор”нинг шуҳрати кенг ёйилгач, салжуқийлардан Ироқ ҳокими Туғрул II (1154-1194) шоирга муҳаббат ҳақида достон ёзишни буюради ҳамда уни тақдирлашини билдиради. Низомий “Хусрав ва Ширин” достонини ёзди. Бир қанча вақтдан сўнг Ганжада вақтинчалик ҳукмрон бўлган Қизил Арслон шоирни ўз қароргоҳига таклиф қиласиди. Шоир келгунга қадар Низомий ғазаллари билан айтилаётган куй-қўшиклар у келиши билан тўхтатилади, базм дастурхони йиғиштириб қўйилади. Чунки Қизил Арслон шоирни эътироф этгиси келмаган эди-да. Подшо Низомийга ёнидан жой кўрсатади, Низомийнинг Қизил Арслонга багишлиланган қасидалари ўқиб эшилтирилади. Қизил Арслон акаси Жаҳон Паҳлавоннинг “Хусрав ва Ширин” достони учун шоирга совға берган ёки бермагани ҳақида сўрайди. Низомий чурқ этмайди, чунки у ваъда этилган инъомни олмаган эди. Қизил Арслон шоирга тўн кийдиради ва Ҳамдуён қишлоғи унга қарашли эканини айтади. Низомий кетишга рухсат сўрайди ва отга минаётганда унга қишлоққа эгалик тўғрисидаги ҳужжатни келтирадилар. Бу қишлоқ ярим фарсах (тўрт километр) бўлиб, деярли даромад келтирмас эди. Низомий ҳужжатни уни келтирган одамга қайтариб бериб, отни чоптириб кетади.

Шоир Низомий Ганжавий 1209 йилда, 68 ёшда Ганжа шаҳрида вафот этади.

Низомий Ганжавийнинг лирик асарларининг бир қисмигина етиб келган. Улар асосан ғазал ва қасидалардан иборат. Лирик куллиётида 6 қасида, 116 ғазал, 2 қитъа ва 30 рубоий мавжуд. Низомий биографларининг берган маълумотларига кўра, XIII асрда шоир Жамолиддин Халил Ширвоний томонидан тузилган форс шеъриятининг мажмуаси “Нузҳат ал мажолис”да Низомийнинг бир қанча рубоийлари мавжуд. Бу асар 1932 йилга келиб

---

<sup>1</sup> Ҳомидий Ҳ. Қўхна Шарқ дарғалари. – Тошкент: Шарқ, 138-б.

жамоатчиликка маълум бўлган. Яна бир манбада Низомий девонлари ҳақида қуидаги маълумотлар келтирилган: “Эронда нашр этилган биринчи девонида 12 қасида, 137 ғазал, 9 қитъа, 46 рубойй мавжуд бўлса, иккинчи нашрида 16 қасида, 192 ғазал, 5 қитъа, 68 рубойй ва 17 байт пароканда шеърлар бор. Шу икки нашр асосида Тожикистонда Ж.Додалишоев ҳам Низомий девонини нашр этган. Душанбеда нашр этилган шоир асарларининг 5 жилдлигига эса 55 ғазал, 5 қасида, 2 қитъа, 9 рубойиси мавжуд. Ҳолбуки, Давлатшоҳ Самарқандий Низомий девони 20 минг байт шеърни ўз ичига олган, деб кўрсатади”<sup>1</sup>.

Низомийнинг аксар ғазаллари лирик мазмунда бўлиб, ҳаёт гўзалликлари, васл шавқи, ёр жамоли, ошиқ изтироблари тавсифи берилади. Шарқ шеъриятидаги анъанавий ёр, ошиқ, рақиб образлари Низомий ғазалларида етакчилик қиласи. Ошиқ ёрга бўлган муҳаббатини баён қиласкан, унинг гўзалликда тенгсизлигини таъкидлайди:

Мен ошиқман гўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо,  
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо.

Агар кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,  
Не чашма? Чашмаи дур ул. Не дурдир? Марварид аъло.

Ёрнинг ташқи портретини тавсифлашда шоир саволу жавоб усулини кўллаб, ёрнинг гўзаллигини кучлироқ таъкидлайди. Ошиқнинг хижронда кўз ёшларининг тинмаслиги чашмага ўхшатилади. Бу шундай чашмаки, ундан чиқаётган дурлар гўё аъло марвариддир. Кейинги байтларда шоир ёрнинг боғда хиром этиши билан минглаб булбуллар пайдо бўлишини, улар ёрга шайдо эканликларини тасвиirlайди. Ошиқ дилида хаёл борлиги, ғам ва хаёл доимо ҳамдам экани, бу ҳамдам маҳрамлиги, маҳрам бўлганда ҳам жоно маҳрамлиги айтилади. Ёрда гўзаллик кўплиги, зулфида хушбўйлик борлиги,

---

<sup>1</sup> Очилов Э. Кўнгил оламига саёҳат / Шайх Низомий Ганжавий. Махzan ул асрор. –Т., 2016. 6-б.

хушбўй эса анбардан экани таъкидланади. Ғазалнинг мақтаи ошиқнинг ёрдан шарбат сўраши билан якунланган:

Низомий, дилбар ишқинда керакdir сенга бир шарбат,

Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил? Қотили бурро.

Низомий ғазалларида ошиқ ҳолати Лайли, Мажнун образлари орқали талмех санъати воситасида қуидагича ифодаланади:

Жудо қил мендин ошиқлик ҳадисин,

Ўзинг Лайло, мени бил Мажнун, эй дил.

Шоир шарқ адабиётидаги “Лайли ва Мажнун” ривоятидаги воқеалар мазмунига ишора қиларкан, ошиқ руҳий ҳолати Мажнунга қиёсланади. Ёрнинг фазилатлари эса Исонафасга ташбеҳ этилади. Ошиқ Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлагини кўзига суртган Яъқуб каби ҳолга тушгани тасвириланади:

Сабо ёр бўйини келтирса манга,

Дегил, Исонафас жон берди танга.

Яъқубнинг дийдаси очилганидек,

Кўзин суртгач Юсуфий пираҳанга.

Анъанага кўра ёрнинг юзи ойга ўхшатилади, лекин шоир тасвиридаги ёр шу қадар гўзалки, у бор жойда ойга эҳтиёж йўқ, маъшуқа кимга ёр бўлса, унга шакар керак эмас:

Қайдаки сен бор, қамар на даркор,

Кимгаки сен ёр, шакар на даркор.

Ёрнинг тавсифида шоир тажохулу ориф санъати орқали унинг гўзаллигини бўрттириб, таъкидлаб ифодалайди:

Ишларимми бу чигал, зулфингми, рўзгорим менинг?

Нуқтаму, оғзингми у ёки дили торим менинг?

Ғазал бошдан охиригача тажохулу орифона асосига қурилган бўлиб, ҳар бир мисрада учта нарса сифатлари билан келтирилади. Бунда таносуб

орқали ҳам шоирнинг фикри образли ва таъсирли юзага чиқади: чигал, зулф, рўзғор – қора ранг жиҳатидан мутаносибдир. Нуқта ва ёрнинг оғзи ҳам кичиклиги жиҳатидан шаклан ўхшашдир.

Тун қарому ё дилинг, холингми, аҳволим менинг?

Шаҳд ширинму, лабинг ёки шакарборим менинг?

Ёрнинг дили ва холи қанчалар қора рангда бўлса, шоирнинг аҳволи ҳам шу қадар аянчли, забундир. Шаҳду ширин ва шакарбор сифатларига ёрнинг лаблари эгадир.

Низомий ғазаллари мусиқийлиги, оҳангдорлиги, вазннинг ўйноқилиги билан китобхонни ўзига тортади. Шоир ғазаллари халқ ҳофизлари томонидан куйга солиб ижро этилган. “Келди баҳор ишқ фасли бу...” деб бошланувчи лирик ғазал ўзбек хонадонларига қўшиқ бўлиб кирган, уни тўй томошаларда энг кўп куйланадиган қўшиқлар қаторида эканини таъкидлаш ўринли.

Келди баҳор ишқ фасли бу, маъшуки гулруҳсор қани?

Ишқ аҳлига тўлди бу боғ, охир дегил, дилдор қани?

Хирман ўлиб дебойи чин, зебо бўлиб сахро чунин,  
Даъвогар айт чи ростин, зулфи муанбар ёр қани?  
Қўйидаги ғазал эса бошдан охиргача тарди акс санъати асосига  
курилган:

Юз Юсуфи Канъондир, йўлларингда қурбондир,  
Йўлларингда қурбондир, юз Юсуфи Канъондир.

Лабларинг дурафшондир, ёқуту зиё сочган,  
Ёқуту зиё сочган, лабларинг дурафшондир.

Шарқда “Панж ғанж” (“Беш хазина”) деб ном олган Низомий “Хамса”си маснавий шаклда битилган бўлиб, 30 000 байтни ташкил қиласиди. “Хамса” ўз ичига беш достонни қамраб олган:

1. “Махзан ул асрор” 1176 йилда ёзилган. (форс. – مخزن الاصرار – “Сирлар хазинаси” Эрзинжон ҳокими Фахриддин Баҳромшоҳ (1155-1218) га

бағишиланган. Достон 2264 байтдан иборат бўлиб, сари баҳрида (- V V - \ - V V - \ - V - ) ёзилган.

2. “Хусрав ва Ширин” (форс. خسرو و شیرین 1175-1191 йилларда ёзилган. Салжуқий султонлардан Тўғрул II (1175-1194), отабеги Муҳаммад ибн Элдигиз Жаҳон Паҳлавон (1175—1186) ва унинг укаси Қизил Арслон (1186—1191) га бағишиланган. Достон 6500 байтдан иборат бўлиб, ҳазаж (V - - )да битилган.

3. “Лайли ва Мажнун” (форс. لیلی و مجنون 1188 йилда ёзилган. Ширвоншоҳлардан бўлган Аҳситан I (1160—1196) га бағишиланган. Достон 4600 байтдан иборат бўлиб, ҳазаж баҳрида битилган.

4. “Ҳафт пайкар” (форс. هفت پیکر 1197 йилда ёзилган. Мараги Оловуддин Кўрпа Арслонга бағишиланган. Достон 5130 байтдан иборат бўлиб, ҳафиҳ баҳрида ( - V - - \ V - V - \ V V - ) битилган.

5. “Искандарнома” (форс. اسکندرنامه 1194-1202 йилларда ёзилган. Пишкенидийлар сулоласидан бўлган Малик Ахара Нусраталдин бин Муҳаммад (1155—1231)га бағишиланган. Икки қисмдан иборат: “Шарафнома” ва “Иқболнома”. Жами 10 500 байтдан ташкил топган бўлиб, мутақориб баҳрида ( V - - \ V - - \ V - - \ V - ) битилган.

“Махзан ул асрор” достони мутасаввуф адаб Ҳаким Саноий (ваф. 1131 й.)нинг “Ҳадиқат ул ҳақиқа” (“Ҳақиқат боғи”) достонига назира сифатида битилган. Достон сареъи мусаддаси матвийи мақсур вазни(муфтаилун муфтаилун фоилун ( – V V - \ - V V - \ - V - )да яратилган бўлиб, 2264 байт (4528 мисра)дан иборат<sup>1</sup>.

“Хусрав ва Ширин”, “Ҳафт пайкар” ва “Искандарнома” достонлари асосида тарихий қаҳрамонлик мотивлари туради. Хусрав ва Ширин, Баҳром Гўр, Искандар Фирдавсийнинг машҳур “Шоҳнома” асарининг айrim ўринларида учраса, Низомийнинг учала достони марказида бош қаҳрамон

<sup>1</sup> Очилов Э. Кўнгил оламига саёҳат / Шайх Низомий Ганжавий. Махзан ул асрор. –Т., 2016. 11-б.

сифатида намоён бўлади. “Лайли ва Мажнун” достони эса араб афсона, ривоятлари асосида ёзилган. Бешта достоннинг барчасида Низомий адабий манбаларга мурожаат қилиб, уларга ижодий ёндашган ва мустақил беш достонни яратган.

“Махзан ул асрор” достони 59 бобдан ташкил топган бўлиб, дебоча, икки муножот, Расули акрам васфи, мъерож, тўрт наът, малик Фахриддин Баҳромшоҳ ибн Довуд мадҳи, сўз фазилати баёнида, тун тавсифи, хилват, сўнгра йигирмата мақолот ва йигирмата ҳикоят, хотима қисмларидан иборат.

“Махзан ул-асрор” достонидаги “Ғиштчи чол ҳикояти” Алишер Навоийнинг Ҳотам Той ҳақидаги ҳикоятга мазмунан ўхшайди. Кекса бир чол ғишт қуиши билан тирикчилигини ўтказар эди. Бир куни кеч кирганда ҳам чол ғишт қуяр эди, шу пайт унинг олдига бир ўспирин бола келди ва унга танбех берди: “Хай-ҳай, ўзингизни нега бу аҳволга солдингиз? Бас қилинг, тупроққа энди тиф урманг, шу иш билан шуғулланмасангиз ҳам бирор киши сиздан нонини дариф тутмайди. Ғишт қолипини ўтга отинг, бошқача ҳаёт кечиринг, қум ва тупроққа такаллуф қиласкерманг, сув ва лой кечаверманг, кексайиб қолдим, деб ишни ёш-ялангларга қўйиб беринг”, -дейди.

Чол эса унга жавобан: “Сен ҳали ёшсан менга ўгит айтгани, ғишт қуиши аслида чолларнинг иши, юк кўтариш банди, асир, қаролларнинг ишидир. Бундай мashaққатли ишга ўзим қўлимни чўздим, токи бировларнинг олдида кўл чўзмайин, деб. Мен бировлардан бойлик, мол сўрамайман, нону насибамни меҳнат қилиб топаман. Менинг бу ишимни бошқа йўлга бураман деб ҳалол ризқимни харом қилма”, - дейди.

“Махзан ул – асрор” достонининг иккинчи мақолатида Нўширавон билан боғлиқ ривоят бор. Унда инсоф ва адолат, подшоҳнинг элга адолатли бўлиши ҳақида сўз юритилади. “Нўширавон ва унинг вазири ҳикояти”да Нўширавоннинг овга чиққанда, ўз ахли аъёнидан узоқлашиб ов пайида кетгани, ёнида фақат вазири борлиги айтиб ўтилади. Нўширавон бир хароб қишлоқ олдига чиқиб қолганда, иккита қуш сайраб турардилар. Бу нағмалар

подшога ёқмайди ҳамда вазиридан “кушлар нима ҳақда сайраяпти?” деб сўрайди. Вазир эса, “Мен гапириб берсам, сирни ошкор қиласман: иккала қуш сайрамаяпти, балки баҳслашяпти. Сабаби тўй, никоҳ масаласидир. Бири қизини иккинчисига бераркан-да, эртага сут пули бер менга, шу берганинг бир неча вайрона холосми, қолганини қачон берасан?” деса, иккинчиси: “Сира ҳам ғам ема, агар шу шоҳ ҳукмронлик қилиб турса, зулмидан ҳар бир рўзғор, оила вайрон бўлади, мен сенга юз минг вайрона бераман”, деяпти”, - деб жавоб беради вазир. Буни эшитган Нўширавон алам чекиб, оху фифон қилади, бошига мушт уриб, ёш тўқади. “Мен шунчалик ситам қилибманки, ҳатто қушларга ҳам озор етказибман. Ҳаммага жабр қилиб ўлкани бойқушларга макон қилиб берибман”, дейди. Подшо ўз қилмишларига тавба қилиб, яхши томонга ўзгаради. Нўширавоннинг жаҳонгаadolatпешалилиги машхур қилгани хотимада хулоса қилинади.

Низомийнинг достони учинчи мақолатида “Сулаймон ва дехкон ҳикояти” ҳам меҳнат орқали тирикчилик ўтказиш мавзусига бағишлиланган. Бир куни Сулаймон далага тахтида равона бўлса, ҳорғин, меҳнатзада, кекса чолнинг уйидан халтада дон келтириб, ҳовучида ерга сепаётганини кўради. Сўнг айтадики: “Бу ер қуруқ бўлса, сув келмаса, сенинг эса ер чопгани қувватинг бўлмаса, қоқ ерга уруғ қадаб нима қиласан?” Чол эса: “Мендан ранжимагин, ер ва сув ташвиши мендан йироқдир, ҳўлу қуруқ билан ишим йўқ, экиш менинг вазифам, тер тўкканим сув тўла ирмоқ сингаридир, белкурагим йўқ бўлса, ўрнига қўл ва бармоқларим бор. Менга башорат келганки, ҳар донидан етти юз дон етишади. Сен шайтоннинг хийла уругини сочмай, яхши ният қилгин-у менга хирмон тилагин. Агар яхши уруғ экилса, у яхши униб ўсади ва бошоқ ҳосил қилади”, дейди.

Низомий бу ўринда ҳар бир қасб эгаси ўз қасбига садоқатли бўлиши кераклиги, меҳнат қилса самара беришини уқтиради.

Тухми адаб не? Экишлик вафо,

Ҳаққи вафо не? Этишлик адо.

Эрга экин экса экинчи агар,  
Экканидин бир куни топгай самар.

Низомийнинг достонида “Исо алайҳиссалом ҳикояти” келтирилади. Унда ҳам инсоннинг асли қусурли яратилгани, у ҳаётда айбни атрофдан эмас, ўзидан излаши кераклиги айтиб ўтилади. Бир куни Исо Масих жаҳонни сайр этиб юраркан, бир бозорчага келиб қолади. Бўрибосар ит ерда ғариб, нотавон бўлиб ётарди. Атрофдаги одамлар гўё калхат каби уни ўраб олишиб, ҳар хил гапларни айтишарди. Бири кўрдиму сассиқлигидан димоғим куйиб кетди, деса, иккинчиси буни кўриш гуноҳ, кўзга жафо, кўнгилга балодир, дейди. Ҳар бир одам итнинг айбини айтиб маломат қиласади. Навбат Исога келганда рангига қаранглар, нақш бор, тишлари садаф ва дурга ўхшаб оппок, шуъла сочади, дейди. Шундай одамлар борки, тишини садаф сурмаси билан оқлашади.

Боқма бирор айбига, айбингга боқ,  
Изла ўз айбингни ю афtingга боқ.  
Ойина илкингга олиб ул нафас  
Синдир уни, бўлма қабих, худпараст.  
Ўзни безаш бобида бўлма баҳор,  
Токи тама айламасин рўзгор.  
Айб тўнинг юпқа, фалак ул сабаб  
Парда туширди сенга тўққиз қават.  
Борми шу доирада бир нарсаким,  
Бўлмамиш бўйнингга у тавқи лайм?  
Бўлма кучук, тавқи Сурайёни қўй,  
Бўлма эшак, бори Масиҳони қўй.  
Ким у фалак? – Сочлари оқ бевадир,  
Не у жаҳон? – Мағзи чирик мевадир.

Жумла жаҳон, эскидиру янги, бас,  
Үйлаки, ул бир чақага арзимас.

Ўғирлик мавзуси Низомий достонида “Мевафуруш ва тулки ҳикояти”да келтирилади. Яманда мевафуруш бор эди. Унинг баққоллик дўконида тулки қўриқчи, қоровул бўлиб, зийрагу хушёр эди. Ўғри келиб уни сўзлар билан алдаб, аврамоқчи бўлди, лекин тулки бунга алданмади. Ўғри ўзини уйқуга солди. Тулки буни кўриб у ҳам бир-икки эснаб ухлаб қолди. Тулкининг ҳолини кўрган ўғри дўконга кириб ҳамма молларни ўмарид кетди. Низомий ҳикоят сўнггида шундай дейди:

Соқчи агар ажрамаса хобидин  
Бошидин ажрайди ё қалпоғидин.

**Савол ва топшириқлар:**

xxx

Мен ошиқман гўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо,  
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо.

Агарда кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,  
Не чашма? Чашмаи дур ул. Не дурдир? Марварид аъло.

Хиром этса агар боғда, бўлур ҳар ёнда минг ғул-ғул,  
Не ғулғул? Ғулғули булбул. Не булбул? Булбули шайдо.

Хаёлим бор дилимда, ғам ила ҳамдам хаёлдир ул,  
Не ҳамдам? Ҳамдами маҳрам. Не маҳрам? Маҳрами жоно.

Нигоримда гўзаллик кўп, яна зулфида хушбўйлик,  
Не хушбўй? Хушбўйи анбар. Не анбар? Анбари соро.

Низомий, дилбар ишқинда керакдир сенга бир шарбат,

Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил? Қотили бурро.

xxx

Қайдаки сен бор, қамар на даркор,  
Кимгаки сен ёр, шакар на даркор.

Ул тунки, ойдек чиқиб келурсан,  
Дерларки: бул кеч сахар на даркор.

Қачондир охир эшигим очгили,  
Йўқса ҳама дардисар на даркор.

Ваъда берасен, нечун вафо йўқ,  
Менинг ғамим шул, дигар на даркор.

Қуллиқан эрур Низомий лофи,  
Зулфингдан ўзга камар на даркор.

### **Фузулий ҳаёти ва ижоди**

**Режа::**

- 1. Мухаммад Фузулий ҳаёт йўли.**
- 2. Фузулий қўллётмалари ва асарларининг нашри.**
- 3. Фузулий ҳаёти ва ижодининг илмий жиҳатдан ўрганилиши.**
- 4. Фузулий ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.**
- 5. Фузулий ва ўзбек адабиёти.**

**Таянч сўз ва иборалар:**

Озарбайжон адабиётининг ёрқин вакили, сўз санъаткори Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ижоди жаҳон адабиётида алоҳида ўрин тутади. Шоирнинг асл исми Муҳаммад Сулаймон ўғли бўлиб, адабий тахаллуси Фузулийдир. “Фузулий” – фазилатлар эгаси, оқил, донишманд демақдир. Фузулий 1498 йилда Ироқнинг Карбало шаҳрида зиёли Сулаймон оиласида таваллуд топади. Бу даврда Ироқ Оққуюнлилар давлати таркибига кирап эди. Кейинчалик сафавийлар ва усмонийлар империяси ҳукм сурган. Фузулий турли манбаларда озарбайжон, турк, усмонли турк шоири сифатида қайд этилади. Озарбайжон шеъриятининг мумтоз шоири Фузулий озарбайжон ва турк шеъриятининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган. У озарбайжон, форс ва араб тилларида ижод қилган машҳур лирик шоирдир. Баъзи маълумотларга кўра отаси Сулаймон Араш деган жойдан Карбалога кўчиб келган, Фузулийнинг ўғли Фазлий эса кейинчалик бобосининг юрти Арашга бориб яшаган. Фазлийнинг Арашда шеърлар ёзиб машҳур бўлгани ҳам айтиб ўтилади<sup>1</sup>. Фузулийнинг отаси Сулаймон ҳақида маълумотлар кам учрайди. Баъзи манбаларда унинг Хилла шаҳрида муфти бўлгани айтилади. Ёш Муҳаммаднинг яхши таълим олганлиги отаси Сулаймоннинг зиёли, маърифатни қадрлайдиган шахс бўлганидан далолат беради. Шоир Фузулийнинг “мулла” ва “мавлоно” увонларини олиши ҳам унинг етук билим эгаси бўлганидан исбот этади. Шоир бадиий дидининг шаклланиши ва адабиётга муҳаббатининг пайдо бўлишида шоир Ҳабибий катта таъсир кўрсатган. Муҳаммад Фузулийнинг замондоши шоир Содиқий Фузулий ҳақидағи эсдаликларида унинг ўғуз қабиласининг баят уруғидан бўлганини, бошқа бир замондоши Нидоий Чалабий унинг оққуюнлиларнинг туркларидан бўлганини ёзган эди. Фузулийнинг “Матлаъ ул эътиқод” асарида отасининг исми келтирилади: “Илмнинг баҳслари-ла изҳори фазл эдан қул – Фузулий лақабли Сулаймон ўғли Муҳаммад дейир...”

---

<sup>1</sup>[ru.wikipedia.org/wiki/Физули](https://ru.wikipedia.org/wiki/Физули)

Шоир девонининг дебочасидан унинг шеърият билан жуда ёшлиқдан шуғуллангани, шунингдек илм-фан сирларини ўрганганининг гувоҳи бўламиз: “Шоирлигим муқаррар бўлгач, умримнинг бир қисмини сарф этиб, турли илмларни ўргандим. Илмсиз шеър асоси йўқ девор каби ўлур ва асоссиз девор ғоятда беэътибор ўлур”. Фузулий дунёвий ва диний илмларни баробар ўзлаштирган, араб ва форс тилларини ҳам мукаммал даражада эгаллаган.

Фузулий дастлаб Карбалодаги мактабда ўқиёди, сўнг Хилла ва Бағдод шаҳридаги мадрасаларда таълим олади. Бағдодда тиббиёт, илми нужум, мантиқ, алжабр, қадимги юонон ва шарқ фалсафаси тарихини ўрганади. У Арасту ва Афлотун асарлари билан танишади. Фузулий асарлари мазмунидан шоирнинг Ҳоқоний, Ҳабибий, Насимий асарлари билан таниш бўлганини кўрсатади. Фузулийшунослар шоирнинг кенг дунёқарашга эга бўлганини таъкидлайдилар. Таҳсилни тугатгач, муаллимлик билан шуғулланади. Устозларидан Ҳабибийнинг қизига уйланади, фарзандли бўлади.

Фузулийнинг машхур биринчи қасидаси оққуюнлилар давлатининг ҳукмдори Узун Ҳасаннинг набирасига бағишиланган эди. 1508 йилда шоҳ Исмоил Хатоий Бағдодни босиб олганда Фузулий ёш ва таниқли шоир бўлиб, адабий ва диний билимларни эгаллаб бўлганди. У шоҳ Исмоил Хатоийга биринчи маснавийси “Бангу Бода”ни бағишилади. Сафавийлар ҳукмронлиги даврида шоир эрон шоҳининг маҳаллий ҳукмдорлари ҳомийлигидан фойдаланди. 1534 йилда усмонлилар Бағдодни эгаллаб олдилар. Фузулий подшо Сулаймонга, бош вазир Иброҳим пошо, Аскар Чалабий, Жалолзода Мустафо Чалабийларга бир неча қасидаларни бағишилаб ёзади. Бу даврда Фузулий Бағдодда усмонийлар саройининг таниқли шоирлари Хаёлий ва Ташлижалӣ Яҳё билан учрашади. Шу тариқа шоир усмонлилар султонининг эътиборини қозонади ва Бағдоддаги усмонли ҳукмдорлар томонидан моддий таъминот ола бошлайди. Турк султони Бағдодга ташриф қилганда шоирга тўққиз ақча миқдоридаги ҳар кунлик нафақа белгиланади. Бу маблағ

усмонлилар давлатининг жамғармаси вақфлари орқали келар эди. Кейинчалик шоир муаллимлик билан шуғулланди, бир неча вақт у Нажаф шаҳрида масжидда имомлик қилди. Бироқ унга рақиб бўлган маҳаллий шариат пешволари бу вазифадан бўшатдилар. Фузулийга тайинланган кунлик нафака сақланган бўлса-да, шоир уни олишда қийналар эди. Бу ҳақда у “Шикоятнома” асарида тўхталиб ўтган. Ҳаётининг сўнгги вақтларида ҳам шоир моддий қийинчилиқда яшади. Шоир ва олим Мухаммад Сулаймон Фузулий 1556 йилда вабо касалидан вафот этади.

**Фузулий қўлёзмалари ва асарларининг нашри.** Бугунги кунда Фузулийнинг озарбайжон, форс ва араб тилларидаги 16 та асари маълум. Фузулий асарлари шоир ҳаётлик чофида ва асрлар оша қўлёзма ҳолида тарқалган. Нисбатан мукаммал қўлёзма куллиёти, Е.Бертельснинг таъкидича, 1522 йилдаги нусха ҳисобланади. Бакуда девонлар таркибида энг аввали бўлган, 1572 йил санаси қўйилган девон қўлёзмаси сақланади. Бертельснинг берган маълумотларига кўра, Европада шоирнинг етти асарининг қирқ битта қўлёзмаси сақланади. Лекин уларнинг ўн учтасида сакталиклар бор ҳамда тўққизтасида сана қўйилган. Улардан учтаси XVI асрга, учтаси XVII асрга, биттаси XVIII асрга ва иккитаси XIX асрга мансуб. Фузулий ҳаёти даврига яқин XVI асрга оид учта қўлёзма таркибида шоир асарларининг бир нечтаси ўрин олган: туркий девон, “Бангу бода”, Ҳусайн Воиз Кошифий асарининг озарбайжон тилига таржима асари “Ҳадиқат ус сайд”. 1961 йилда Осиё музейига қабул қилинган куллиёт катта қимматга эга бўлиб, унда шу кунгача маълум бўлмаган шоир асарлари ўрин олган. Фузулий асарларининг қўлёзмалари Яқин шарқда кенг тарқалган бўлса-да, шоирнинг кўп сонли ихлосмандларининг эҳтиёжларини қондиролмас эди. Шу боис XIX асрна келиб Фузулий асарлари тез-тез нашр қилина бошлади. Фузулийнинг биринчи лирик девони 1828 йилда Табризда литографик нашрдан чиқди. 1831 йилда девон Мисрда қайта нашр қилинди. XIX асрдан бошлаб шоир қўлёзмалари Озарбайжон, Туркия, Ироқ, Ўрта Осиё малакатларида бир неча

марта нашр этилди. XX аср бошларида шоирнинг қирққа яқин асарлари Каир, Истамбул, Хива ва Тошкентда чоп этилди. Шунга қарамай, бу нашрлар илмий-танқидий матн ўрнини босолмас эди ва шоирнинг адабий меросини тадқиқ этишда қийинчилек туғдирарди. Шу муносабат билан XX асрнинг 20-йилларида Бакуда Фузулий асарларининг илмий-танқидий матнини яратиш ишлари бошланди ва 1944 йилда озарбайжон адабиётшуноси Ҳамид Орасли томонидан биринчи жилд чоп этилди. Бу нашр 1572 йилдаги Баку қўлёзма нусхаси асосида тайёрланган эди. Фузулий асарларининг мукаммал илмий-танқидий матни Ҳамид Орасли томонидан 1958-61 йилларда амалга оширилди. Мукаммал асарлар тўпламининг иккинчи ва учинчи жилдлари учун Санкт-Петербург, Табриз, Истамбул, Тошкентдаги қўлёзма нусхаларидан фойдаланилди. 1985 йилда эса охирги тўртинчи жилд чоп этилди. Илмий-танқидий матн турк матншунослари томонидан ҳам нашр этилди. 1948 йилда Истамбулда турк адабиётшуноси Абдулбоки Гулпинорли томонидан Фузулий девони чоп этилди. Бу нашр ҳам Баку қўлёзмасига асосланган эди. 1950 йилда таниқли турк фузулийшуноси Али Нихат Тарлон йигирма беш йиллик меҳнати натижасида юзага чиққан девоннинг янги танқидий матнини чоп этди. 1970 йилда турк шоираси Софи Ҳури Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонини инглиз тилига таржима қиласи ва чоп этади. Мутахассислар фикрига кўра, шоир ижодий меросини жаҳонга тақдим этишда мазкур нашрнинг хизмати бебаҳо бўлди. Итальян шарқшуноси А.Бомбачининг таржимага ёзган сўзбошисида Европа шарқшуносларига Фузулий ижоди ҳақида янги ва объектив идрок тарзи ўз ифодасини топди.

XX аср ўрталарида собиқ иттифоқда, асосан Озарбайжонда Фузулийнинг қўп асарлари чоп этилади. Собиқ иттифоқ мамлакатларида яшовчи халқлар ўртасида Фузулий асарлари тарғиб этила бошланди, унинг асарлари рус тилига таржима этилди. Бу соҳада айниқса А.Старостин, П.Антокольский, В.Луговский, А.Адалис каби шоир ва таржимонларнинг

ишлари самарали бўлди. Рустам Алиев мاشақкатли меҳнат натижасида Фузулий асарларининг рус тилига айнан, тагма таг таржимасини амалга ошириди. XX асрнинг 80-йиллар охири 90 йилларнинг бошлари Озарбайжонда шоир ижодини оммалаштиришнинг янги тўлқини сифатида белгиланади. 1987 йилда “Матла ул эътиқод” асарининг озарбайжон тилига таржимаси, 1988 йилда шоир танланган асарларининг икки жилди, 1993 йилда “Ҳадиқат ас сайд” асари чоп этилади. Барча нашрлар Фузулий таваллудининг 500 йиллигини нишонлаш учун бағишлиланган эди.

**Фузулий ҳаёти ва ижодининг илмий жиҳатдан ўрганилиши.** Шоир ижодининг ўрганилиши XIX аср охирларидан бошланди. Фузулий ҳаёти ва ижодининг илк тадқиқотчиси австриялик тарихчи ва шарқшунос, шарқ адабиётининг таржимони И.Хаммер-Пургшталь (“Араб адабиёти тарихи”, 1856 й.), англиялик шарқшунос Элиас Гибб («Ottoman Poems: Translated Into English Verse in the Original Forms», 1882 йил), рус шарқшуноси В.Д.Смирнов (“Усмонли адабиёти тарихидан очерклар”, СПб., 1892 й.), англиялик ёзувчи шарқшунос Эдвард Браун («Literary History of Persia», 1909 йил), рус тарихчи шарқшуноси А. Е. Крымский («Туркия тарихи ва адабиёти”, 1910 йил) ва немис адабиётшуноси М.Хартманлар ҳисобланади. Барча олим ва адабиётшунослар Фузулий ижодини юқори баҳоладилар, шоир шеъриятининг самимийлиги ва ижодининг ўзига хослигини таъкидладилар, унинг ижоди олдиdigа эҳтиромларини образли ифодалашга уриндилар. Лекин мазкур тадқиқотлар Е.Э.Бертельснинг фикрига кўра, шоир ижодининг турк ва озарбайжон шеъриятидаги ўрни ва аҳамиятини тўла акс эттирмас эди, чунки европа тадқиқотчилари шоир ижодини тизимли ва яхлит ўрганишни мақсад қилмаган эдилар. Улар Фузулий таржимаи ҳолига оид маълумотларни тақдим этиш ва тасодифан олинган икки-уч ғазални таржима қилиш билан чекланган эдилар.

XX асрнинг 30-40-йилларида фузулийшунослик Туркияда ривож топди. Булардан турк филологлари М.Купрулузода, И.Ҳикмат, З.Нўширвон,

Б.Чўбонзодалар Фузулий ижодини тадқиқ этдилар. Абдулқодир Қорахон номи эса фузулийшуносликда алоҳида таъкидлаб ўтилади. Унинг “Фузулий: мұхит, ҳаёт, шахсият” монографияси шоир ҳаёти ва ижодига бағишлиланган бўлиб, 1949 йилда Истамбулда чоп этилган. Мазкур монография ҳақида Ҳамид Орасли танқидий фикрлар билдирган. Унинг фикрича, А.Қорахон Фузулийнинг бир қатор асарларини билмаслиги, шулардан “Матла ул эътиқод” асари эканлиги, форсча қасидалар девонига ёзилган сўзбошидан ҳам бехабарлиги, шоирнинг ўғли Фазлийга насиҳатлари ва бошқалардан ҳам хабардор эмаслиги айтилади.

Туркияда 1956 йилгача олиб борилган тадқиқотларнинг сўнгиси Ҳасиб Мазиўғлининг “Фузулий – Ҳофиз” тадқиқотидир. Шу йилнинг ўзида озарбайжон сиёсий арбоби Мамед Эмин Расулзоданинг “Низомий ва Фузулий “Лайли ва Мажнун”ларининг қиёси” мақоласи чоп этилди.

XX асрнинг 60-70 йиллари шоир ижодини тадқиқ этиш даври бўлди. Айниқса, 1962 йилда Е.Э.Бертельснинг “Танланган асарлар. Низомий ва Фузулий”, 1970 йилда Ян Рипканинг “Форс ва тожик адабиётининг тарихи” ва 1973 йилда чоп этилган поляк шарқшуноси С.Плясковицка-Римкевичнинг “Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий” тадқиқотлари аҳамиятли бўлди.

Чех филологи Ян Рипка “Эрон адабиёти тарихи” (1968) ва “Форс ва тожик адабиёти тарихи” (1970) асарларида Фузулий ижодига қисқача тавсиф берилади. Муаллиф шоирнинг озарбайжон-турк адабиётидаги нозик лирик ва романтик шоир эканини айтиб ўтади. Дастреб форс шеърияти анъаналаридан борган бўлса-да, туркий шеъриятда жуда катта ўринга эга бўлди ҳамда ўз таъсирини кўрсатди.

1957 йилда поляк шарқшуноси Станислава Плясковицка-Римкевич томонидан мақола ёзилди. Мазкур мақолада муаллиф Аҳдий ва Бағдодийларнинг тазкираларида маълумотларга таяниб Фузулий шеъриятининг ўзига хослиги таҳлил қилинади. 1958 йилда Фузулий вафотининг 400 йиллиги олдидан шоир ижодига ва унинг “Бангу Бода”

достони таҳлилига бағишланган мақоласи чоп этилади. 1973 йилда олима “Бангу Бода”нинг турк қўлёзмаси асосида филологик, қоғиясиз таржимаси полякчада нашр қилинади. Китобга сўзбоши ёзган озарбайжонлик турколог Гулёр Абдуллабекова бу тадқиқот Европа давлатларида, жумладан Польшада фузулийшуносликдаги янги тармоқ бўлганини айтади.

Фузулийшунослик Озарбайжонда ҳам ривожланди. Озарбайжон адабиётшуносларининг илк тадқиқотларининг яратилиши XIX аср бошларига тўғри келади. Фузулий ижодининг илк тадқиқотчиси, озарбайжонлик мутахассис Абдулла Сур ҳисобланади. У 1907 йилда шоир ижоди ҳақидаги иккита мақола эълон қиласди. Фаридунбек Кочарлинский “Озарбайжон адабиёти тарихидан материаллар” (1925) асарида Фузулийни озарбайжон ёзма адабиётининг асосчиси деб атайди. XX асрнинг 50-60 йиллари Озарбайжонда фузулийшуносликдаги энг сермаҳсул йиллар бўлди. Бу даврда Озарбайжонда кўплаб мақолалар, монографиялар, шоир ижоди тадқиқ этилган китоблар чоп этилади. Ҳамид Ораслининг “Буюк озарбайжон шоири Фузулий”, Мир Жалол Пошонинг “Фузулий маҳорати”, М.Купрулузоданинг “Фузулий лирикаси”, Ҳ.Кендининг “Фузулийнинг “Анис ул қалб” асари” кабилар шулар жумласидан. 1958 йили “Фузулий” номли мақолалар тўплами нашр этилади. Мазкур тўпламга А.Жаъфарнинг «Фузулий ва унинг мероси», А.Сайдзоданинг «Рус шарқшунослигига Фузулий меросининг ўрганилиш тарихидан», Р.Озоднинг «Фузулийнинг “Лайли ва Мажнун” достонининг гоявий ва бадиий хусусиятлари» мақолалари киритилган. Катта тўлқин билан бошланган Фузулий ижоди бўйича тадқиқотлар яратиш секин аста сўнади. Ўн йил ўтгандан сўнг озарбайжон адабиётшунослиги яна эътиборни Фузулийга қаратадилар. 1968 йилда Фуод Қосимзоданинг «Қайгулар карвони ёки зулмат ичра нур” асари шоирнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари тадқиқига бағишланган. 1970 йилда В.Файзулаеванинг “Фузулий қасидалари” монографияси чоп этилади. 1971 йилда С.Алиеванинг “Фузулий поэтикаси” китоби нашрдан чиқади.

Ўзбекистонда фузулийшунослик соҳасида ҳам ўтган асрда бир қанча тадқиқотлар, нашрлар амалга оширилди. Бу соҳадаги илк тадқиқот жадид адабиётшуноси Вадуд Маҳмуднинг “Фузулий Бағдодий (Юбилей муносабати-ла)” мақоласи бўлиб, «Маориф ва ўқитғувчи» журналининг 1925 йил 4-сонида чоп этилади. XX асрнинг 60-йилларида ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотларида Фузулий ҳаёти ва ижоди таҳлил қилинди. 1959 йилда Т.Жалолов ва М.Муинзодалар Фузулий девонини нашр қилдилар. В.Зоҳидовнинг “Ўзбек адабиёти тарихидан” (1961), Э.Рустамовнинг “Узбекская поэзия первой половины XV века” (М., 1963) асарлари, В.Абдуллаевнинг “Фузулий ва ўзбек адабиёти” (1964) мақоласи, Ҳ.Муҳаммадхўжаевнинг “Қардошлиқ туйғуси” (1976), Ҳ.Расул томонидан Фузулий девонининг икки жилдлиги нашри (1968) шулар жумласидандир. В.Абдуллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” (1980) дарслиги, “Ўзбек адабиёти тарихи” беш жилдлиги (1980)да ҳам Фузулий ижодига тўхталиб ўтилган. Мустақиллик йилларида ўзбек адабиётшунослари Фузулий ижодини қайтадан тадқиқ этдилар. Мирзо Кенжабекнинг “Ошиқи содик Фузулий” (“Жаҳон адабиёти”, 2009 йил, 6-сон), М.Тожибоеванинг “Фузулий ҳақида фозил инсон сўзи” (“Ёшлиқ”, 2010 йил, 7-сон) мақолаларида Фузулий ижодидаги тасаввуфий мазмунга ургу берилади. Э.Очилов Фузулий ғазалларидан тузилган “Ғамзасин севдинг кўнгул” (2009) китобини нашр қилди. Ёш тадқиқотчи Э.Рўзиев “Фузулий ижодига муносабат: анъана ва издошлиқ” (“Молодой учёный”, №27 (265), июнь, 2019) журналида мақола чоп этди.

**Фузулий ижодининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.** Фузулий озарбайжон, форс ва араб тилларида жами ўн олти асар яратди. Аксарият асарларини шоир ўз она тилида – озарбайжон тилида битган эди. Шоир туркий шеърият анъаналарининг барчасини эгаллаган эди. Унинг асарларидан иккитаси таржима ҳисобланади. Фузулий лирик шоир. Аксарият шеърлари ғазал жанрида ёзилган бўлиб, “Лайли ва Мажнун” достони шоир ижодининг

чўққисидир, достон озарбайжон тилида битилган. “Субҳат ул асмор” ва “Бангу бода” шоир насрий ижодининг илк намуналари бўлди. “Бангу бода” достонида шоир соғ кишиларни зулм ва разолатдан қутулиш йўли сифатида бодадан паноҳ топишларини айтади. Бу шоирнинг кинояси ҳисобланади. Мазкур даъват Франсуа Рабленинг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романига ҳамоҳангдир. Фузулий шеъриятида инсон ҳаётининг мазмуни, моҳияти ҳакида сўз юритилади. Унинг “Сокийнома” асарида ҳам худди шу мазмун мажозий образлар – чолғу асбоблари орқали ифодаланади. Мажозий образлар ва ташбеҳлар унинг “Сиҳат ва мараз”, “Ринд ва зоҳид” асарларида намоён бўладики, бу асарлар жаҳон адабиёти тараққиёти йўлидаги қадамлар бўлган. Фузулий ижоди Яқин шарқ ҳалқларига сезиларли таъсир қилган. Турк ва озарбайжон мусиқа анъаналарида Фузулий ижодининг таъсири сезиларлидир. XVII асрдан бошлаб Фузулий шеърларига мусиқа басталаниб, ошиқлар томонидан созда куйлаб келинади. Озарбайжонлик хонандалар ижодида ҳам Фузулий ижодининг таъсири каттадир.

Фузулий ижодий меросидан мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларидан ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, таркиббанд, қитъа, рубойй кабилар ўрин олган. Унинг хамсачилик анъаналари асосида яратилган “Лайли ва Мажнун” достони, “Шикоятнома”, “Бангу бода”, “Анисул қалб”, “Матлаъул эътиқод” каби асарлари яратилган.

Фузулий асарларининг лирик қаҳрамони муҳаббатда событ ошиқдир.

Жони ким жонони эчун севса жононин севар,

Жони учун кимки жононин севар жонин севар

байти Алишер Навоийнинг:

Хар лабинг ўлганни тиргузмакда жоно жон эрур

Бу жиҳатдин бир бириси бирла жоножон эрур.

Бўлса жоно бордуур жон ҳам чу жоно қилди азм

Жон кетиб жонон била жонсиз манга ҳижрон эрур.

Жон манга жонон учундир, йўқ, жонон жон учун,

Умр жононсиз қотик, жонсиз вале имкон эрур...

каби мисраларини ёдга солади. Фузулий ғазаллари тасвиридаги маҳбуба нафақат ташқи тарафдан гўзал, балки унинг маънавий олами ҳам комилдир.

Гируб майхона қилсанг такаллум, жон бўлур шаксиз,

Мусаввирлар на суратким дару девора ёзмишлар.

Шоир лирикасининг мавзу кўлами кенг, образлар олами ранг-баранг. Ишқ мавзусидаги ўринларда шоирнинг тасаввуфий қарашлари ҳам акс этади. Худди ваҳдатул вужуд ғояси тарафдорлари каби майсиз ва маҳбубасиз жаннатнинг нима кераги бор, деган саволларни таъкидлайди:

Тарки маю маҳбуб эдариж жаннат учун,

Шарҳ айлаки, жаннатда на вор воиз?

“Лайли ва Мажнун” достонини (1536-1537) кўпчилик мутахассислар Фузулий ижодининг энг баланд чўққиси деб биладилар. Ўзидан аввалги устоз шоирлар, айниқса Низомий Ганжавий анъаналарини давом эттириб, ҳамда ижодий янгилаган ҳолда Фузулий озарбайжон халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ мустақил асарни яратди. Илк “Лайли ва Мажнун” достони араб афсоналари асосида Низомий Ганжавий томонидан 1188 йилда ёзилган бўлиб, Фузулий достон анъаналарини янгилади. Низмоий достонидан фарқли равишда Фузулий достонга 22 ғазал, 2 мурабба, 2 муножот киритди. Мазкур шеърлар достон мазмуни билан уйғунлик касб этади, айни пайтда мустақил асарлар ҳамдир. Достон қаҳрамони Қайс бўлиб, у шоирдир. Арабистонда меҳмондўст, сахий, омадли, қабила бошлиғи Амир яшарди, бироқ унинг фарзанди йўқ эди. Оллоҳ унинг илтижоларини қабул қилиб ўғил фарзанд ато этди. Унинг исмини “Қайс” деб қўйишиди. Мактабда ўқий бошлади. Лайли

исмли қиз ҳам бирга ўқир эди. Лайли ақли етук, қалби тоза, гўзалликда тенги йўқ эди. Қайс Лайлига кўнгил қўяди. Унинг учун бойлиқ, давлат, обрў-эътиборнинг аҳамияти, қадри йўқ, Қайс учун муҳаббат ҳаёт мазмунидир. Аммо икки ёш яшаётган жамиятдаги урф-одатлар уларнинг соғ ва самимий муҳаббатларига тўсиқ бўлади. Қайснинг Лайлига бўлган севгисига қизнинг оиласи қарши бўлади ва бу ҳолат икки ёшнинг ҳалок бўлиши, фожеасига олиб келади. Достонда ижтимоий тенгсизлик, урф-одатларнинг салбий оқибатлари танқид қилинади. Шунингдек асар мажозий мазмунга ҳам эга бўлиб, унда шоирнинг диний-тасаввуфий қарашлари ҳам акс этган.

Шоир ўз жамиятидан нароziлиқ кайфиятларини айниқса, “Лайли ва Мажнун” достонида кўпроқ намоён қилади. Бу асар ҳақида машхур танқидчи олим Т.Жалолов шундай ёзади: “Мен “Лайли ва Мажнун”ларни қайта-қайта ўқидим. Шунда Низомий даҳосига қойил қолдим. Х.Деҳлавийнинг булбулдек сайрашига офарин дедим; Навоийнинг Мажнунига мотам тутиб йиғладим; Фузулийга келганда ҳайрат майидан маст бўлдим. Инсоф билан айтганда, Фузулий “Лайли ва Мажнун”и барча “Лайли ва Мажнун”ларнинг гултожидир”.

Фузулий ижодидан энг кўп таъсирланган ўзбек шоирлари XIX аср вакилларидир. Муқимий, Завқий, Фурқат, Ибрат кабиларнинг ижодида Фузулий асарлари таъсири яққол сезилади.

xxx

Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зулоли завқ шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Лабинг сиррин келиб гуфтора мандан ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Кўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,

Кавокиб сайрини шаб то сахар бедор ўландан сўр.

Хабарсиз ўлма фатторн кўзларинг жаврин чеканлардан  
Хабарсиз мастрлар бедодини хушёр ўландансўр.

Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон манимла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастиング билур ҳолим  
Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Мухаббат лаззатиндан бехабардур зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

xxx

Азал котиблари ушшоқ баҳтин қора ёзмишлар,  
Бу мазмун ила хатт ул сафҳаи руҳсора ёзмишлар.

Ҳавоси хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдуб мардум,  
Губорила баёзи дийдаи хунбора ёзмишлар.

Гулистони сари кўйинг китобин боб-боб, эй гул,  
Хати райҳон ила жадвал чекиб, гулзорা ёзмишлар.

Икки сатр айлаюб ул ики майгун лаъллар васфин,  
Кўранлар ҳар бирин бир чашми гавҳарбора ёзмишлар.

Кириб бутхоная қилсанг такаллум жон бўлур шаксиз,  
Мусаввирлар на суратким дару девора ёзмишлар.

Мұхаррирлар ёзанда ҳар кима оламда бир рўзи,  
Манга ҳар кун дили садпорадан бир пора ёзмишлар.

Ёзанда Вомиқу Фарҳоду Мажнун васфин аҳли дард  
Фузулий одини, кўрдим, сари туммора ёзмишлар.

## **Саволлар**

1. Низомий Ганжавий адабий мероси қайси жанрдаги асарлардан ташкил топган?
2. Фузулий шеъриятининг образлари қайсилар?

### **Адабиётлар:**

1. Ариф М. Азербайджанская литература.- М., 1979.
2. Маллаев Н. Низомий Ганжавий. Т.,-1966. (“Ўзбек адабиёти тарихи” китобида)
3. Фалаклар ёнди оҳимдан... “Жаҳон адабиёти” журнали. 1997. 3-с.
4. Очерк истории азарбайджанской литературы.- М., 1963.
5. Т.Жалолов. Хамса талқинлари. - Т.,1961.
6. Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 17-жилд. Насойим ул-муҳаббат. –Т., 2001.

## ТУРКМАН АДАБИЁТИ

### Режа::

1. Туркман ёзма адабиётининг шаклланиш жараёни.
2. Махтумқулининг ҳаёт йўли.
3. Ижодий мероси.
4. Лирик асарлари таҳлили.

**Таянч сўз ва иборалар:** туркман, дахлар, массагетлар, аҳамонийлар, Бурҳониддин Сивосий, Озодий, Маҳтумқули.

Махтумқули (1733-XVIII асрнинг 80 йиллари). Туркман адабиётининг мумтоз шоири Махтумқули адабиётга ҳаваси баланд оиласида дунёга келади. Унинг бобоси ёшлигига Гўркўз номли қабилага келиб қолади ва шу ерда ишлаб қолади. Бир қанча вақт ўтгач, у ўзи мустақил дәҳқончилик билан шуғулланади. Махтумқулининг отаси Давлат Мамад Озодий шоир эди. Унинг бола-чақаси кўп бўлиб, унинг учинчи ўғли бобосининг тахаллусини олган Махтумқули тахминан 1733 йилда туғилади. Бўлғуси шоир дастлаб овул мактабида ўқиёди. Бўш вақтларида пода боқади. Тўққиз ёшидан қўшиқлар тўқиёди. Махтумқули ёш чоғида онаси Оразгулдан айрилади. Сўнгра Хивада Шерғози ва Идрисбобо мадрасасида таълим олади. У Бухорога бориб Кўкалтош мадрасасида ҳам таҳсил олади. Махтумқули заргарлик ҳунари билан ҳам шуғулланади. Шоир Хива, Бухородан ташқари Озарбайжон, Эрон, Афғонистонда ҳам саёҳатда бўлади.

Махтумқули ҳақида баъзи ривоятлар бор. У душманларга бир неча бор асир тушиб қолади ва топқирлиги билан ўзини ва оиласини қутқариб қолади. Бу воқеага ўхшаш мазмун унинг шеърларидан бирида намоён бўлади. Махтумқули ёшлигига Менгли исмли бир қизни севган, лекин қалин тўлай олмагани учун қизни бошқага сотиб юборишади. Шоир Оққиз исмли аёлга уйланади. У иккита ўғил кўради, бироқ улар ёшлигига ўлиб кетишади. Унинг бошқа фарзанди бўлмайди. Оилавий баҳтсизлик шоирнинг кўпчилик шеърларида акс этган. Шоир XVIII асрнинг 80 йилларида вафот этади. Шоир

ўлимидан олдин ўзини қорли тоғлар кўринадиган жойга олиб чиқишлигини илтимос қилган ва у ерда ҳаётнинг фонийлиги ҳакида шеър ўқиган. Махтумқулининг қабри Атрек билан Сангти тоғ оралиғидадир. Шоирни отаси Озодий ёнига дафн этганлар.

Шоирнинг ижодий мероси тахминан 16-17 минг мисрадан иборат. У қўшиқлардан ташқари ғазаллар ҳам ёзган. Шарқ шеърияти анъанасига кўра мисраларнинг сўнгига шоирнинг номи учрайди. Баъзи шеърларда Фироғий тахаллуси ҳам бор. Махтумқули шеъриятининг мавзулари анча кенг. Уни қўйидагича гуруҳлаш мумкин: 1. Қаҳрамонлик мавзуси. 2. Ахлоқий-таълимий. 3. Табиат манзараси (Пейзаж лирикаси). 4. Ишқий шеърлар. Бундан ташқари қадимий ривоят ва афсоналарга асосланган сюжетли қўшиқлар ҳам мавжуд. Туркман қабилалари ўртасидаги тарқоқликка барҳам бериш, бирлашишга чақириқ унинг ижодида асосий ўрин тутади.

Махтумқулининг шеърлари нафақат туркманларда бошқа туркий халқларда ҳам кенг оммалашган, қўпчилик шеърлари ҳофизлар томонидан куйга солиниб ижро этилган. Шоирнинг ғазаллари ва шеърларида лирик қаҳрамон севгиси йўлидаги фидоий ошиқ тимсолида гавдаланади:

Кон этибдир фалак бағрим фироқда,  
Доимо кезарман ёр деб сўроқда,  
Каъба тарафида, Шомда, Ироқда,  
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?

Шоир ижодий меросида мумтоз адабиётнинг мураббаъ жанрида ёзилган шеърлар ҳам учрайди.

Ишқ дуч келса бир мардга,  
Айланар тўзон гардга  
Менингдай ўзин дардга  
Солган борми, ёронлар?

Шеърнинг мазмуни, композицион қурилиши, образлилиги жиҳатидан ўзбек шоирлари Машраб ва Ҳувайдо ижодий меросидаги намуналарни ёдга

солади. Кўринадики, Махтумкули шеърияти ва ўзбек адабий алоқалари муносабатида муштаракликлар жуда яқин. Шоирнинг “Кўринг”, “Райгон айлади”, “Бўлмас”, “Намасан”, “Адолат яхши”, “Ўтиб боради” каби шеърлари халқона услубда, содда шакл, равон тил билан ёзилганлиги учун халқнинг кўнглидан жой олган. Шоир шеъриятининг бош ғояси эзгулик, ўз халқига садоқат, вафо, яхшилик билан ном қолдириш, саҳоват кабиларга чақириқдир. Инсон ҳаётда яшар экан, саҳоватли бўлиши кераклиги, бойликка рўжу қўйиш ёмон оқибатларга олиб келишини бот-бот такрорлайди:

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига  
Кўксин очиб, кезар қишининг елига.

Моддий бойлик вафо қилмаслиги, киши бойми ёки камбағалми бир куни ҳаммаси ҳам дунёдан ўтиб кетишларини, ҳаётнинг асл мазмуни яхшилик қилиб яшаш эканини мисралар мазмунидан уқиб олиш мумкин. Шоир қуидагича ёzáди:

Бир нечани қилдинг молинг бисёри,  
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори  
Яхши ёмон одам зотининг бори  
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Шоир кишиларни кўп ўринда мард ва номардга ажратади. Бахил, саховациз, такаббур,adolatsiz, шафқатсиз одамларни номард дейди. Уларнинг мавжудлиги элу юртга зиён эканлиги кўрсатилади. Мард ва номард образларининг зидди орқали шоирнинг дунёқараши, ижтимоий ҳолатларга муносабатини англаб олиш мумкин:

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,  
Уйига келганда заҳрини сочиб.  
Мард йигит меҳмонга қучоғин очиб,  
Номарднинг меҳмондан қочишин кўринг.

Инсон ахлоқи, ички олами ҳақидаги шоирнинг фикр-мулоҳазалари, танқидий қарашлари барча даврлар учун ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Қуидаги мисралар ҳам гүё бугунги кунимиз учун ҳам айтилгандек таассурот қолдиради:

Номард қайга борса, хизмат битирмас,  
Мард йигитлар баҳосини йитирмас,  
Нодонга сир айцанг, ичида турмас,  
Сирдош бўлма, йироқ айла ўзингни.

Махтумкули шеъриятининг мағзи бутунлиги, хикмат ва ўгитларга бойлиги, турфа образлар мавжудлиги билан асрлар оша яшаб келмоқда.

1996 йилда Хивада Махтумқулига ҳайкал ўрнатилганда Туркманистон Президенти С.Ниёзов “Махтумқули ўзбек ва туркманларга бирдай бўлган мутафаккир шоирдир. У бизнинг фахримиз ва ватандошимиздир. Махтумқулинини билмаган биронта ўзбек ҳам, туркман ҳам йўқ”, деган гапларни айтди. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти И.Каримов ўз докладида Махтумқулининг ижоди ўзбек халқи учун жуда қадрли эканлиги, унинг шеърларида адолат ва эзгулик куйланганлигини айтди. Шоир ижодини ўзбек ва туркман мактабларида кенг ўрганиш керак эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

### **Саволлар:**

1. Махтумқули ҳаёт йўли ҳақида сўзланг.
2. Махтумқули ижодий мероси қандай?
3. Махтумқули шеъриятининг мавзу кўлами ва образлари ҳақида сўзланг.

xxx

Асло одамзотга аччик сўз қилманг,  
Фақиру мискинга далолат яхши.  
Бахилга учраманг кулар юз бўлманг,  
Ишни битирмоққа кифоят яхши.

Етимни кўрганда кулар юз бўлгил,  
Қўлдан келса унга таом туз бергил,

Ғамгинни кўрганда ширин сўз бергил,  
Чорасиз қулларга ҳимоят яхши.

Йигит улдир, сўзга айласа амал,  
Қўлдан келмас ишга этмаса жадал.  
Оллоҳнинг амрига қилмагил бадал,  
Бекка сахо, шоҳга адолат яхши.

Гариблик бир дардди одам ўлдирмас,  
Ўлдирмас, ҳаётда лекин кулдирмас,  
Бўрига ожизлик ит ҳам билдирмас,  
Албатта, душманга сиёsat яхши.

Махтумқули, шукр, ширин тил берди,  
Дарахтлар қўкариб, самар, гул берди,  
Гўрўғли Райхонга қандай ёлборди?  
Омонлик деганга диёнат яхши.

xxx

Айрилма  
Маст бўлиб юрганча бегона юртда,  
Униб ўсган ўз юртингдан айрилма.  
Магрур каклик каби нафс деган дардда  
Домга тушиб, қанотингдан айрилма.

Таваккал эт халққа сиринг бериб бор,  
Сабрли бўл, бесабрлик ҳам бекор.  
Ҳар қаерга борсанг, насибангдир ёр,  
Бой бўлай деб, иззатингдан айрилма!

Номардлар ҳам ярамаслар, ночорлар,  
Тузинг ичиб, ишинг бўлса қочарлар.  
Сирингни фош этиб, айбинг очарлар,  
Қадринг билган улфатингдан айрилма!

Гадоларнинг кўнгли шоҳликни тилар,  
Нодон кўнгли ёлғон сўзни рост билар.  
Бекадрлар душманингга дўст бўлар,  
Таълим берган устодингдан айрилма!

Бирор қашшоқ бўлиб, бирор бой бўлар,  
Ҳар кишининг баҳти иқболи кулар.  
Бошга нима келса, тилингдан келар,  
Махтумқули, халқ ёдидан айрилма!

#### **Адабиётлар:**

1. Туркменистан турк эдебияти.- Анкара. Култур баканлиги. 1998.
2. Коп-оглы. Туркменская литература.- М., 1972.
3. Тоҳиров Қ. Ўзбек туркман адабий алоқалари. - Т., 1979.
4. Махтумқули. Танланган асарлар. - Т., 1976.
5. Камина. Танланган асарлар.- Т., 1957.
6. Мулланафас. Мухаббат фасли. – Т., 2010.

## **ҚОЗОҚ АДАБИЁТИ**

### **МУХТОР АВЕЗОВ**

**Режа:**

- 1. Мухтор Авезовнинг ҳаёт йўли.**
- 2. Ёзувчининг ижодий фаолияти: драма, ҳикоя, романлари ҳақида.**
- 3. “Абай йўли” романининг сюжет ва композицияси, бадиий хусусиятлари.**

**Таянч сўз ва иборалар: қозоқ драматурги, М.Авезовнинг “Абай йўли” романни, қозоқ насли асосчиси.**

Мухтор Умархонович Авезов 28 сентябрь, 1897 йилда Семипалатинск вилояти (ҳозирги Абай тумани) Чингизтовда туғилган. Авезовлар оиласи қозоқ шоири Абай оиласи билан қариндош бўлганлар. Мухторнинг бобоси Абайнинг дўсти ва унинг асарларининг муҳлиси бўлган. Абайнинг отаси Қўнонбой эса Авазнинг синглиси Нурхонимга уйланган эди. Абай Авазлар хонадонига набираси Мухтор туғилганда табриклиш учун ташриф буюрган.

Мухтор Авезов ота ва онасидан эрта айрилади. Отаси Умархон 1900 йилда, онаси Нуржамол 1912 йилда вафот этадилар. Ёш Мухтор тоғаси Қосимбек қўлида тарбияланади. Қозоқ маърифатпарвари Абай асарлари кўлёзмаларини ўқиб савод чиқаради. Мухтор мадрасада таҳсил олгандан кейин 1907 йили тоғаси Семипалатинскдаги рус билим юртига ўқишига беради. 1912-1913 йилларда Мухтор ўқитувчилар семинариясининг биринчи синфини муваффакиятли тутатади, 1919 йилда ўқишини якунлайди. Ўқитувчиларнинг фикрига кўра ёш Мухтор ўзининг тиришқоқлиги, чиройли хулқи ва одоби, келишган қомати билан ўзига хос ажралиб турар эди. Фавқулодда қобилиятли спортчи сифатида шаҳардаги “Жарис” футбол командасида биринчилик учун ўйнар эди.

М.Авезовнинг дастлабки ижоди 1917 йилдан бошланган. У ўша даврда янги соҳа ҳисобланган драматургияда қаламини синади: “Энлик-Кебек” номли драматик асарни яратди. 1917 йили Абайнинг набираси Ойқизнинг

турмушга чиқиши муносабати билан Абайнинг хотини Айгеримга совға сифатида Мухтор Авезов илк асари “Энлик Кебек” пьесасини намойиш этиб тақдим этади. Илк ижрочи ҳаваскор артистлар Абайнинг набиралари ва пьеса муаллифининг яқин қариндошлари бўлдилар. Кейинчалик “Чегарада”, “Синов соатларида”, “Яланғоч қилич”, “Номус гвардияси” ва “Олма боғида” каби драматик асарлари дунёга келди. Қозоқ миллий театрининг ривожида ва шаклланишида мазкур саҳна асарларининг ўрни каттадир.

Шу йили урф-одатлар ва Мухторнинг қариндошлари хоҳиши иродаларига кўра у Райхон исмли ўн беш ёшли қизга уйланади. Бир йилдан сўнг уларнинг қизи туғилади.

Мухтор Авезов шўро инқилоби даврида қозоқ ёшларининг “Жанар” номли ташкилотига аъзо бўлади, бу ташкилот жанубий Қозоғистон аҳолисининг очликдан қийналаётган қисмига ёрдамлар уюштиради. 1918 йилда Мухтор Авезов Юсуфбек Аймаутов билан бирга Семипалатинскда “Абай” номли журналда фаолият олиб борди. Журналнинг ўн иккинчи сонининг нашридан сўнг мафкуравий тазъийиқ остида ёпиб қўйилади. Семипалатинскда 1919 йил 1 декабрдан бошлаб шўро ҳокимияти буткул ўрнатилади. Мухтор Авезов шу йилларда Семипалатинс ижроия қўмитасининг раиси лавозимидан Қозоғистон марказий қўмитасининг котиби вазифасигача ишлади.

1922 йилнинг кузидаги М.Авезов “партия интизомини бузганлиги” ва “миллатчилик” учун партия сафидан чиқарилади. Ўз вазифасидан кетиб Тошкентдаги Ўрта Осиё Туркистон университетида эркин тингловчи бўлади, “Шолпан” журналида ҳамкорлик қиласиди.

1923 йилда йирик этнограф, тарихчи ва фольклоршунос Абубакр Диваевнинг таклифига кўра Мухтор Авезов Чингиз волости Қарқара уездидаги ўтказиладиган илмий комиссияда иштирок этади. Бу комиссия Дрейпер, Льюис, Спенсерларнинг таржима асарларининг қўллэзмаларини ва Абай асарларининг асл қўллэзма нусхаларини тадқиқ этир эди. Алашордалик Халил

Дўстмуҳаммедов ва Мағжон Жумабойлар ҳам шу таркибда эдилар. Оқибатда бу ҳамкорлик Аvezovни “Алаш Орда”га тааллуқли деб айблаш учун асос бўлди.

1923 йилда М.Авезов Ленинград давлат университетининг филология бўлимига ўқишига киради. Биринчи курсни тугатгач М.Авезов Қозоғистонга қайтиб келади. 1925 йилда яна Ленинградга келади ва 1928 йилда ўқишини битиради. 1928 йилнинг августида у Тошкентга келади ва Ўрта Осиё университетининг аспирантурасига ўқишига киради. Бир вақтнинг ўзида муаллимлик қиласи.

1930 йили Мухтор Аvezovни ёў қозоқ шоирларининг “Алка” ташкилоти билан алоқаси борлиги учун икки ярим йилга ҳибсга олинади. Озодликка чиққач у Олма Отадаги олий ўқув юртларида дарс беради, пьесалар ёзишда давом этади. Унинг дўсти шоир Илёс Жонсуғуров М.Авезовга сиёсатга аралашмасликни маслаҳат бериб, Абай ижоди бўйича тадқиқотлар олиб боришини тавсия қиласи. 1933 йили М.Авезов Абай шеърларининг тўла нашрини чиқаради. Шунингдек Абай асарлари тадқиқи бўйича илк тўпламни тайёрлади, айни вақтда Қозоқ мусиқали театрида унинг пьесалари кўйиларди. 1937 йил майда Қозоғистон ёзувчилар уюшмасининг биринчи пленумида М.Авезов Қозоғистон адабиёти оламидаги ёрқин сиймо сифатида кўринади. Бироқ унинг аввалги нашр ишлари учун маҳаллий НКВД органлари таъкиб остига оладилар, унинг асарлари кутубхоналардан чиқарилади, ўзи ҳам ишдан олинади.

М.Авезов москвага жўнаб кетади ҳамда Л.С.Соболев билан узоқ йиллар ҳамкорлик қиласи. У “Абай” фожеасини ёзади, “Қозоқ халқининг эпоси ва фольклори” илмий тадқиқотини яратади, “Қозоқ халқ қўшиқлари” тўпламини чоп этади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида у Қозоғистонга қайтади ва Қозоғистон Фанлар академияси Тил, адабиёт ва тарих институтида ишлайди, кейинроқ эса Қозоқ маданият илмий-тадқиқот институтида хизмат қиласи. 1942 йилда

“Абай” романининг биринчи қисми чоп этилади. 1945 йилда Абайнинг юз йиллик таваллуди муносабати билан “Абай” опера либреттоси, “Абай ўланлари” бадиий фильмининг сценарийси, Абай таржимаи ҳолининг янги шакли ва у ҳақида бир неча мақолалар ёзилди. Москвада “Абай” асарининг биринчи китоби чиққач, муаллифни Мөхнат ордени билан тақдирлашди. Кейинги йили М.Авезов филология фанлари доктори, профессор, Қозоғистон Фанлар академияси академиги бўлди. 1947 романининг иккинчи китоби қозоқ тилида, 1948 йилда иккала китоб рус тилида чоп этилади.

1947 йили Қозоғистон Марказий Қўмитасининг Қозоғистон Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг ишларидаги сиёсий хатолар тўғрисида Қарор чиқади. Ёзувчининг иш фаолиятида таъқиблар бўлади. Бироқ бу ҳолат унинг 1948 йилда давлат мукофоти совриндори бўлишига халал беролмайди. Биринчи даражали бу мукофот Мухтор Авезовнинг “Абай” романи учун берилган эди. 1952 йилда “Абай йўли” романининг биринчи китоби қозоқ тилида нашр этилади, шу йилнинг ўзидаёқ “Правда” газетаси сахифаларида ёзувчини фуқарога хос хушёрлик етишмасликда айловчи мақола чоп этилади. 30 январь, 1953 йилдаги ушбу мақолани кейинги куни “Қозоғистон ҳақиқати” газетаси эълон қиласди. Профессор, академик М.Авезов “буржуазия-миллатчилик хатолари” учун университетдан ҳайдалади, “Қозоғистон тарихи” кўп жилдли тўпламнинг муаллифлари қаторидан ўчирилади. У рўй бериши мумкин бўлган қамоққа тушиш хавфидан қочиб Москвага жўнаб кетади ва икки йил давомида Москва давлат университети собиқ СССР халқлар адабиёти кафедрасида қозоқ адабиётидан дарс беради.

1954 йили М.Авезов Москвада “Абай йўли” тетралогиясини якунлайди, “Иностранная литература” ва “Халқлар дўстлиги” журналлари редакциясига аъзо бўлиб киради. Ёзувчилар уюшмасининг тантанали йигинида Абай ижоди бўйича маъруза қиласди, шундан кейин Олма-Отага галибона тарзда қайтиб аввалги лавозимларига қитади.

1955 йили Қозоғистон Республикаси Олий Мажлиси 4-чақириғида депутат бўлиб сайланади ва адабиёт бўйича делегация таркибида хорижий давлатларга саёҳат қиласи. Шунингдек “Қозоқ шеърияти антологияси” устида ишлайди ва “Абай йўли” романинг таржимонлари билан ҳам биргаликда иш олиб боради. 1958 йилда Москвада Қозоғистон қунлари бўлиб ўтади. Ёзувчининг “Абай йўли” икки жилдли роман-эпопеяси, салмоқли тўплам “Қозоқ шеърияти антологияси” ҳамда Бовуржон Момиш ўғлининг “Ортимизда Москва” мемуар асари жамоатчиликнинг дикқат марказида туради. 1959 йилда “Абай йўли” дилогияси учун Ленинг номидаги мукофот берилади. Мухтор Авезов Қозоғистон Республикаси V чақириғида Олий Мажлисга депутат бўлиб сайланади.

1960 йили бир гурӯҳ ёзувчилар билан биргаликда АҚШда бўладилар. Қайтгандан сўнг “Америка таассуротлари” номли очерк устида ишлайди. 1961 йили М.Авезов Москвага даволаниш учун боради ва 27 июньда жарроҳлик амалиёти вақтида вафот этади. М.Авезов Қозоғистонга келтирилиб Олма-Отадаги марказий қабристонга дафн этилади.

Қозоқ адабиётида Мухтор Авезов драматург сифатида катта ўрин тутади. Унинг биринчи ва илк ижодидаги асар “Энлик-Кебек” пьесаси бўлиб, асарда ҳалқ оғзаки ижодидаги мавжуд сюжет асосидаги икки севишган қалбнинг фожеали тақдири ҳақида сўз юритилади. Мазкур сюжет В.Шекспирнинг “Ромео ва Жульєтта” фожеасидаги Монтекки ва Капулетти хонадонлари ўртасидаги адovat воқеаларига ўхшаб кетади. “Энлик-Кебек” биринчи марта Абайнинг хотини Айгеримнинг овулида қўйилади ва узок йиллар саҳнадан тушмай келади.

Драматургнинг “Қоракўз” асарида қозоқ ҳалқ баҳшиларининг миллий ва ҳаётий-маиший ўзига хосликлари ифодаланиб, шу хусусиятлар асар орқали тикланиб қолинди. Мазкур драмага 1926 йили Қизил Ўрдада ўтказилган драматурглар танловида биринчи мукофот таъсис этилди. “Байбиши тўқол” саҳна асари ҳам катта аҳамиятга эга. Мухтор Авезов “Ҳимоясизлар тақдири”

(1921), “Ким айбдор?” (1923), “Уйланиш” (1923), “Маълумотли фуқаро” (1923), “Мотамдаги гўзал” (1925), “Довондаги отишма” (1927) каби ҳикояларни ёзди.

У йигирмадан ортиқ саҳна асарлари ёзди: «Айман-Чўлпон» (1934), «Абай» (1940 йилда постановкалаштирилган, Л.С.Соболев билан биргалиқда ёзилган), «Қоракўз» (1926), «Қорақипчоқ Қўбланди» (1943—1944), «Чақмок» (1934), «Чегарада» (1937), «Синов соатларида» (1942) ва бошқалар.

М.Авезов насрда ҳам баракали ижод қилди. Қозоқ реалистик насрининг тараққий этишида ёзувчи асарларининг аҳамияти бекиёс. Унинг “Қараш-қараш”, “Бургутли овчи”, “Иzlар”, “Елкама-елка” каби асарлари реалистик метод асосида яратилган. Ёзувчининг энг йирик асари қозоқ маърифатпарвар шоири Абай Қўнонбоевнинг ҳаёти ҳақидаги “Абай йўли” роман-эпопеяси бўлди. Асарда XIX аср II ярмидаги қозоқ халқининг мураккаб ҳаёти, асрлар давомида ҳаёт тарзига айланган кўчманчиликнинг барҳам топиши давридаги ҳолатлар қаламга олинган. Ёзувчининг “Абай” асари йирик ҳажмли эпопея бўлиб, уни “қозоқ халқи ҳаётининг қомуси” деб атайдилар. М.Авезов эпопеяни яратишдан аввал “Абай” пьесасини ёзди, Абай ҳақида илмий-танқидий мақолалар яратди, у ҳақдаги халқ ўртасида тарқалган ривоятларни ийғди, халқ оғзидан ёзиб олинган ўлан ва турли қўшиқларни тартиблаштириди, ўрганди. Ана шу изланишлар самараси сифатида “Абай” эпопеяси майдонга келди. Роман-эпопея тўрт жилдан иборат бўлиб, тарихий-биографик роман ҳисобланади. Бу асар XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ халқининг ҳаётини реал тасвирлайди. Асарда қозоқ шоири Абай ҳаёти қаламга олинган бўлса, ўз навбатида у яшаган ижтимоий ҳаёт воқеликлари, сиёсий тузум ҳолати баён қилинади. Шоир Абайнинг отаси Қўнонбой, онаси Улжон, рафиқаси Айгерим, бувиси Зере кампир, акаси Такежон, дўсти Эрбўл каби образлар ҳаётий тасвирланган.

М.Авезовнинг ҳаётлик вақтидаёқ роман рус тилига Л.С.Соболёв бошчилигидаги таржимонлар гуруҳи ўтирганлар. Аслида эса таржима

Л.Соболев томонидан эмас, қатағонга учраган таржимон Анна Никольская томонидан амалга оширилган эди. М.Авезовнинг “Абай” романининг биринчи китоби муаллифнинг ўз иштирокида таржима этилган эди. Асарнинг ушбу рус тилига таржимаси асосида йигирмадан ортиқ тилларга таржима этилади ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин олади. М.Авезов таваллудининг 110-йиллиги муносабати билан тетралогия Анатолий Ким томонидан янгидан таржима қилиниб чоп этилади. “Абай йўли” романини Зумрад Орифжонова 1950–60 йилларда ўзбек тилига ўгирган. “Абай йўли” роман-эпопеясидан “Таянанинг сахродаги шеъри” номли парчасини Мирзакалон Исмоилий, “Абай йўли” роман-эпопеяси Ҳабиба Зиёхонова, “Кўкёл” ҳикояси Суннатилла Анорбоев томонидан таржима қилинган. М.Авезовнинг мазкур асари нафақат қозоқ реалистик адабиётида, балки жаҳон адабиётида ҳам тарихий-биографик асар сифатида шухрат қозонган.

“Манас” достонининг илмий ўрганилиши бўйича Чўкон Валихоновдан кейин М.Авезов номи туради. Достон вариантлари ва матни устида ишлаб М.Авезов монография яратади.

М.Авезов ижоди хақида қўйидаги фикрлар билдирилган:

“Замонамизнинг энг бук шоирларининг бири” (Луи Арагон)

“Мухтор Авезов романини олсак, унда энг аввал поэзиянинг ҳидини сезасан” (Андре Стиль. “Юманите” газетаси).

“Авезовнинг овозидек овоз билан, Авезов куйлаган буюклиқ билан, ажойиб муҳаббат билан куйлаган баҳтли халқнинг, ажабо, не армони бор экан” (Француз танқидчиси Бержерон).

“У ҳамкасларини тезда ўзига жалб этадиган дилкаш инсон, айниқса, Ўрта Осиё адабиёти масаласида катта билимдон, буюк олим эди... У бутун ҳаётида илм тўплади, шунинг учун ҳам унинг тадқиқотлари ўзбек, туркман, тожик адабиётининг ҳамма сирларини очиб берар эди” (Николай Тихонов. “Замонамизнинг буюк инсони” мақоласи).

“Инсоният маданий ҳаёти тарихи тўридан муҳим ўрин олади” (туркман адиби Берди Кербобоев).

“Мен ўзим бошқа элга сафар қилиб, бошқа юртнинг остонасига қадам ранжида қилсам, доимо ҳурмат қилиб, ўзим билан олиб юрадиган икки хил дурдонам бор. Бири – “Манас”, бири – Мухтор Авезов”. “Мухтор Авезовни қирғизлар зўр қувонч билан ўз фарзандимиз деб билади. Авезовнинг асарларини бизлар икки тилда бирдай севиб ўқиймиз” (Чингиз Айтматов).

“Мен Мухтор оғани йигитлик вақтимдаёқ танидим. Дўст бўлдим. Мухтор Авезов моҳир драматург, ажойиб ёзувчи. Асл академик, ҳақиқий олимдир” (Ойбек).

“Абай йўли” романи қозоқ халқининг XIX аср иккинчи ярмидаги ҳаёти ва турмушининг ҳақиқий қомуси» (К.Сатпаев).

«Авезов Қозоғистон учун иккинчи Абайдир...» (Николай Погодин).

1997 йили адабининг 100 йиллиги ЮНЕСКО қарори асосида бутун дунё бўйлаб кенг нишонланди.

### **Адабиётлар:**

1. [https://ru.wikipedia.org › wiki › Auezov,\\_Muxtar\\_Omarhanovich](https://ru.wikipedia.org › wiki › Auezov,_Muxtar_Omarhanovich)
2. <https://jahonadabiyoti.uz › 2018/01/07 › avezov-v...>
3. kh-davron.uz › kutubxona › turk › page
4. e-adabiyot.uz › ... › Jahon adabiyoti tarixi Qozoq adabiyotining yorqin yulduzi - e-Adabiyot.uz
5. Қаратоев М. “Казакская литература”.- М., 1980.
6. Абай Қўнанбоев. Асарлар. - Т., 1980.
7. М.Авезов. Абай. Роман. - Т., 1968.
8. Маънавият юлдузлари. - Т., 2001.

## **ҚИРГИЗ АДАБИЁТИ**

**Режа:**

**1. Қирғиз ёзма адабиётининг шаклланиши.**

**2. XXаср қирғиз адабиёти.**

**3. Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди.**

**Таянч сўз ва иборалар:** Қирғизлар, қирғиз фолклори, қирғиз достонлари, Манас достони, ёзма адабиёт, XX аср қирғиз адабиёти тараққиёти, Аали Тўқумбоев, Т.Сотилғанов, Ч.Айтматов.

Чингиз Айтматовнинг сара асарлари ҳозирги жаҳон классик адабиётининг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Бу асарлар услуби ва жанри жиҳатидан ўзаро фарқланади, бироқ умумий жиҳати шундаки, китобхон вақти вақти билан уни қайта ўқишини истайди ва бундан қониқиш ҳосил қиласди. Ёзувчи асарларининг ўзига хос психологизми китобхонда кучли ҳиссий муносабат уйғотадики, бу ҳис-туйғулар жамиятда мавжуд маънавий мезонларга таянади.

Чингиз Тўракулович Айтматов 1928 йил, 12 декабрда Қирғизистоннинг Таласводийси Шакар овулида маърифатли оиласда туғилди. Унинг отаси Тўрақул Айтматов зиёли шахс бўлиб, давлат арбоби ва олим эди. Онаси Нагима Хазиевна маҳаллий театрда актриса бўлган. Ёш Чингиз дастлаб рус-тузем мактабида, сўнг қирғиз мактабида ўқиди. 1937 йилдаги қатағон уларнинг оиласини ҳам четлаб ўтмади. Отаси Тўрақул Айтматовга “халқдушмани” деган айб қўйилиб, қатағон қилинди. Худди шу вақтларда бўлғуси ёзувчи инсоний ғуур ўғитини олди. “Кимнинг ўғлисан?” деган саволга бувиси бошини куйи солмасдан, одамларнинг кўзига тик қараб отасининг исмини айтишга унади. Ушбу ҳаёт дарси унинг ҳаёт йўриқномасига, кейинроқ ижод тамойилига айланди. Уруш йилларида олтинчى синфни тугатгач, у Шакар овулида котиблик қилди, солиқ агенти, тракторчилар бригадасида ҳисобчи бўлиб ишлади. Ч.Айтматов Жамбулдаги

зооветеринария техникумida ўқиди, сўнг қишлоқ хўжалик институтининг зоотехника факултетида таҳсилни давом эттириди. Талабалик йилларида республика матбуотида кичик хабарлар, лавҳалар, очерк ва мақолалар ёзиб чоп эттириди. Худди шу йилларда филология соҳаси бўйича илмий изланишларини бошлади. Унинг “Аслиятдан узоқ таржималар”, “Қирғиз тилининг атамашунослиги ҳақида” каби илмий мақолалари яратилди. У қишлоқ хўжалиги институтини битиргач, шу соҳа бўйича 1956 йилгача ишлади. Бадиий адабиётга бўлган ошуфталиқ уни Москвадаги икки йиллик адабиёт институтига етаклади. Ч.Айтматов “Правда” газетасининг Қирғизистондаги мухбири, “Литературний Киргизстан” журналингредактори, Қирғизистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, “Иностранная литература” журналининг муҳаррири, Россиянинг Люксембург давлатидаги элчиси, “Иссиккўл форуми”нинг бошлиғи, Қирғизистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси, “Туркистон умумий уйимиз” деб номланган Марказий Осиё ижодкорлари ташкилотининг бошлиғи каби вазифаларда фаолият олиб борди. 1990—1994 йилларда собиқ иттифоқ ва Россиянинг Бенилюксдаги элчиси, 2008 йилнинг марта қадар Қирғизистоннинг Франция, Белгия, Люксембург, Нидерландиядаги элчиси бўлиб ишлади. 2006 йилда “Аср дастхати” китобининг нашрида иштирок этди.

Чингиз Айтматов 1963 йилда лауреат бўлди, уч марта (1968, 1977, 1983) давлат мукофоти билан тақдирланди, Қирғизистон халқ ёзувчиси, меҳнат қаҳрамони (1978) унвонини олди, Олий совет депутати, Қирғизистон Марказий қўмитасининг аъзоси, Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги бўйича қўмита раҳбари сифатида фаолият олиб борди.

Чингиз Айтматовнинг адабиётга бўлган муҳаббати дастлаб оиласида шаклланган. Унинг бувиси ёш Чингизга халқ эртаклари, қўшиқ ва достонларини айтиб бергувчи аёл бўлган. Ижод оламига у 1950-йилларда

кириб келди. Институтда ўқиб юрган кезларида у илк ҳикояларини ёза бошлади ва матбуотда эълон қилинди. Унинг илк асари “Газетафуруш Дзюдо” ҳикояси эди. Бирин-кетин “Хошим”, “Сепоячи”, “Оқ ёмғир”, “Бўтакўз”, “Байдамтол дарёсида”, “Оғир кечик” ҳамда “Юзма-юз” ҳикоялари ёзилди.

1958-йилда ёзувчининг илк китоби “Юзма-юз” нашр этилди. Ёзувчини дунёга танигган асари “Жамила” қиссаси эди. Унинг истеъодини ҳатто танқидчилар ҳам юқори баҳолаган эдилар. Қисса 1958 йилда чоп этилди. Икки йил давомида жаҳоннинг 30 дан ортиқ тилларига таржима қилинди, француз ёзувчиси Луи Арагон уни француз тилига таржима қилди ва асарга сўзбоши ёзиб, унга юксак баҳо берди, “муҳабbat ҳақида ёзилган дунёдаги энг ажойиб қисса” деб атади.

Қиссадаги воқеалар жаҳон уруши даврида рўй беради. Урушдан оёғи яраланиб қайтган Дониёр ҳамда эри урушга кетган Жамиланинг чин муҳаббати қиссада ҳикоя қилинади. Қисса бош қаҳрамонларининг соғ кўнгиллиги, меҳнаткашлиги ва инсонийлиги китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уларнинг муҳаббати олдида ҳар қандай эски урф-одатлар, турмуш қийинчиликлари, турли тўсиқлар арзимас эканлиги маҳорат билан кўрсатиб берилган. Асарнинг шуҳрат қозониш сабабларидан бири унда эркак ва аёл муҳаббати тасвирлангани учун эмас, балки инсон ҳаётининг мазмуни масаласи марказга қўйилганидир.

1960-йилларда “Бўтакўз”, “Биринчи муаллим”, “Сарвқомат дилбарим”, “Момо ер” қиссалари яратилди. Мазкур асарларда Қирғизистоннинг оғир ҳолати, ижтимоий ҳаётдаги турғунлик, жаҳолат ва хурофотни енгиш мавзуси, инсон руҳий оламининг ғалабаси қаламга олинади. Қисса жанрида ижод этишни давом эттирган Ч.Айтматов 1970-йилларда “Эрта қайтган турналар” асарини яратди. Асарда уруш йилларидағи оғир вақтларда болалик билан хайрлашиб улгурмай дарҳол катта ҳаётга қадам қўйган ўсмиirlар ҳақида ҳикоя қилинади. Ушбу қисса автобиографик характерга эгалиги билан

ажралиб туради. Маълумки, ёзувчининг болалик, ўсмирлик йиллари уруш даврларига тўғри келган, шу боис ҳам қиссада муаллиф ҳаётидаги айrim лавҳалар ўрин олган.

“Оқ кема” қиссаси болалик олами ҳақидаги фожей руҳдаги асардир. Бу асар 1970-йилларда яратилган ёзувчининг энг яхши қиссаларидан бири ҳисобланади. Ёзувчи дастлабки асарларини қирғиз тилида ёзиб сўнг рус тилига ўтирган бўлса, “Оқ кема” қиссасидан сўнг асарларни рус тилида ёзиб кейин қирғиз тилига таржима қиласидан бўлди. Рус тилини эркин билиши ёзувчининг нафақат кенг муҳлислар оммасининг эътиборига тушиш ва миллионлаб кишиларнинг муҳаббатига сазовор бўлиш имконини берди, балки рус замонавий классик ёзувчилари қаторидан муносиб ўрин эгаллашига омил бўлди.

“Соҳил бўйлаб чопаётган Олапар” асари замоннинг энг долзарб масалаларини қамраб олган фалсафий мазмундаги қиссадир. 1990-йилларда “Сингизхоннинг оқ булути” қиссаси, “Кассандра тамғаси” романи яратилди.

1980-йилларда Ч.Айтматов роман жанрида изланади. “Бўронли бекат” (“Асрга татигулик кун”) ва “Қиёмат” романларини ёзди. Бу асарлар инсоннинг ўз-ўзини халокатга маҳкум этишидан, даҳшатли инқирозлардан огоҳ этувчи асарлар сифатида майдонга келди. Шунингдек, замоннинг оғир масалалари бўлган гиёхвандлик, маънавий қашшоқлик ва тубанлик, қалб тозалиги, инсонийлик кабилар ёритилди.

Ч.Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” романи асари 1980 йилда “Новый мир” журналида эълон қилинди. Асар Фрунзеда китоб ҳолида босилиб чиқди. 1981 йилда Москвада “Молодая гвардия” нашриётида “Бўронли бекат” сарлавҳаси билан чоп этилди. Роман ҳақида жамоатчиликда яхши фикрлар, тақризлар пайдо бўлди, асар ҳозирги романчиликнинг энг сара намунаси сифатида эътироф этилди. Асарга ёзилган сўзбошида ёзувчининг қуйидаги сўzlари берилган: “Маълумки, меҳнатга муҳаббат инсон қадр-қимматини белгиловчи зарурӣ меъёрлардан биридир. Шу

маънода Эдигей Жонгелдин чин маънода ҳақиқий меҳнаткашdir. Замин шундайлар туфайли барқарордир. У ўз даври билан мустаҳкам боғланган деб ўйлайман. Унинг моҳияти шундаки, у ўз даврининг фарзанди. Шунинг учун ҳам романда тилга олинган муаммоларга мурожаат этар эканман, кечаги жангчининг, бугунги темир йўл ишчисининг тақдири орқали дунёни кўриш мен учун муҳим эди. Мен қўлимдан келганича шунга интилдим”.

Асар воқеалари Сариўзак чўлидан ўтган поезд йўли атрофидаги бешолти хўжалик оила кишилари ҳаёти билан боғланади. Бироқ, уларнинг саргузаштлари асносида бутун бир миллатнинг тақдири, келажаги ҳақида бонг урилади, инсоният ва табиатда рўй бераётган оғатлар ҳақида бонг урилади. Поезд станцияси яқинида космодром жойлашган бўлиб, бу ердан икки космонавт фазога учирилган эди. Улар ўзга сайёрадан ҳаёт сигналини олишгач, у ерга қўнишади ва ердагидан ўзгачароқ, уруш ва инқирозларсиз, ёвузликларсиз сайёра мавжудлигини кўришади ва ерга қайтиб келишмайди. Шу вақтда Эдигейнинг яқин дўсти Қозонгап вафот этади. Унинг васияти ўлимидан кейин Она Байит қабристонидан макон топиш эди. Она Байит қабристонига эса космодром қурилган эди. Бироқ Эдигей қанча уринмасин космодром бошлиғи ва қоровул Қозонгапни у ерга дафн этишга кўнмайди. Бир кунлик дафн маросими ичидаги Эдигей бир асрлик миллат тақдири ва тарихини кўз ўнгидан ўтказади. У дўстининг васиятини бажаролмай поезд йўлидаги кимсасиз жойга уни кўмади. Қабристон ва космодром ёзувчи англатмоқчи бўлган тарих ва бугунги куннинг тўқнашуви рамзи сифатида талқин этилган. Романдаги Эдигей инсон ҳаётда яшашни ўрганса, у инқирозга юз тутмайди, деган фикрда бўлади. Унингча, ўтмиш ҳақидаги хотираларни унугланган инсон фақат бугунги кун билангина яшайди. Асада марказий ўринда турувчи муаммолардан бири ҳам тарихий хотирадир.

Ч.Айтматов асарларига хос бўлган хусусиятлардан бири ёзувчи аксарият асарларида халқ афсона ва ривоятлари, мифик элементларни киритади.

Манқурт ҳақидаги ривоят ўтмишини, аждодларини, тарихини, демакки, миллий ўзлигини йўқотганлар тақдири баёнидир.

Узоқ даврларда қабилалар чорвачилик билан тириклик қилиб яшардилар. Уларга жунгжанлар босқинчилик қилиб ёш йигитларни асирга олар, турли қийноқларга солардилар. Асиrlарнинг сочини қириб ўрнига туюнинг янги сўйилган терисини ёпишириб чўлнинг энг ичкари жазира ма жойига ташлар эдилар. Асиrlардан кўпчилиги азобларга дош бермай ўлар, тирик қолганлари хотирасини йўқотиб, ўзининг кимлиги, авлод аждодини унугланган бўлар, хўжайнини нимани буюрса шуни бажарувчи манқуртга айланган бўларди. Бошига ёпиширилган тую териси бошни қисиб, ақлдан оздирар даражада азоб берар, вақтлар ўтгач, соч ташқарига эмас ичкарига ўсиб одамни миясидан буткул айирап эди. Шундай асиrlикка тушган йигитнинг онаси ўғлини чўл ичидан топади. Найман она ўзини танитади, “Исминг Жўломон, отангнинг исми Дўнанбой!” деб уқтиrsa-да, ўғил ўз онасини танимайди ва хўжайнининг буйруғи билан уни отади. Найман онанинг руҳи қушга айланиб чўлда парвоз қиларкан, гўё унинг сўнгги сўзларини тақрорлаётгандай бўлади.

Ёзувчи бу ривоятни келтиришдан асосий нияти замонавий манқуртларнинг борлиги ва уларнинг лоқайд, масъулияциз, ўз тарихи ва миллати тақдирига бепарволигидан ҳаётдаги фожеаларнинг урчиб бораётганлигини тарькидлашдир. Қозонгапнинг ўғли Собитжон ана шундай замонавий манқурлардандир. У отасининг васиятини бажариш учун эмас, тезроқ уни кўмиб, ортиқча ташвишдан кутулиш ва шаҳарга қайтиб кетишга уринади. Унинг учун аждодлар ёди деган тушунча йўқ. Космодромдаги лейтенант ҳам Собитжон каби манқурт, у мархумни қабристонга кўмишга рухсат бермайди.

Асарда инсон ва табиат мувозанатининг бузилиши, ҳайвон турларининг йўқолиб бораётганлиги Қоранор лақабли от мисолида кўрсатилади. Сталин қатағонининг фожеалари ўқитувчи Абутолиб тақдири орқали баён этилади.

Айтиш мумкинки, “Асрға татигулик күн” роман – огоҳлантириш сифатида жаранглайди.

“Қиёмат” романы инсон қалбининг ҳайқириғи, чунки оламда шу қадар ёвузликлар рўй бермоқдаки, сукут сақлаш мумкин эмас. Ёзувчи қўплаб долзарб масалаларни гиёҳвандлик, инсоният инқирози, табиат ва инсониятга ваҳшийларча муносабат, уруш хавфи, юксак орзу ва ишонч, эътиқоднинг йўқолишини кўндаланг қўяди. Давлат Режа:сини бажариш ва гўшт ишлаб чиқариш учун сайфоқларнинг ялпи қириб юборилиши, қамишларнинг ёқиб ташланиши, кўлнинг қуриши каби вайронгарчиликлар ер сайёрасини йўқ қилиб юборишга олиб келиши мумкинлиги ҳақида баён қилинади.

Романнинг бош қаҳрамони Авдий Каллистратов ёвузликка қарши курашади, бироқ бу унинг қўлидан келмайди. Гиёҳванд йигитлар уни Исо Масиҳ сингари чормихга осиб, ўт ёқиб юборишади. Ҳатто она бўри Авдийни ҳимоясиз кўрганда ҳам унга ташланмаган эди, инсоннинг инсонга ваҳшийлиги даражаси ёввойи ҳайвондан ҳам юз карра ортиқлиги даҳшатлидир.

Асарда Акбара ва Тошчайнар воқеаси инсон ва табиат муносабатини кўрсатиш учун келтирилган. Бўри оиласи ўз наслини сақлаб қолишга уринади, одамзод унинг болаларини икки марта овлайди, Акбара ундан қасд олади, Бўстоннинг боласини олиб кетаётганда бўрини отаман деб ота ўз фарзандини отиб қўяди. Бу ўринда кўк кўзли она бўри тимсоли бутун мавжудотнинг, табиатнинг рамзи сифатида тасаввур уйғотади.

Романда Исо ва Понтий Пилатнинг сұхбат мунозаралари бор. Бутун борлиқ ва яратиққа яхшилик ва муҳаббат соғиниш инсоннинг баркамоллиги сари йўлдир. Инсон ҳаётининг мазмуни ўз руҳий камолотини мукаммалаштиришдадир, дейди Исо Пилатга. Бироқ, буни инсонга қандай тушунтиromoқ керак? Ҳар бир инсонга қайси йўлни танлаш хоҳиши берилган. Унинг олдида иккита йўл туради: эзгулик ва ёвузлик. Инсон ва табиатнинг ўзаро муносабати маънавият масаласига айланади.

Чингиз Айтматов асарларида инсон ва табиат билан боғлиқ жуда күп муаммолар қамраб олинган. Бу асарлар ўзганинг дарди учун қайғуриш, атрофдагиларга шафқатли бўлиш, лоқайд бўлмаслик ва қўлдан келганча ёрдам беришга интилиш туйғуларини ўстиради. Шу боис бўлса керак, ёзувчининг ўзи бу ҳақда: “Ташвишланмасам ва изтироб тортмасам, изламасам ва тўлқинланмасам -ўша кун ҳаётимдаги энг оғир кун бўлар эди”, дейди.

Ч.Айтматов асарлари инсонни атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тийрак нигоҳ билан боқишига, ўз қондошига ва жонли табиатга муносабатда шафқатли бўлишга, аждодларга, тарихга эҳтиром билан ёндашишга ундейди.

### **Саволлар**

1. Ч.Айтматов ижодининг ilk даври ҳақида нималар биласиз?
2. Ч.Айтматов қиссалари ҳақида сўзланг.
3. Ч.Айтматов романларининг бош ғояси, умумбашарий масалалар тўғрисида нима дея оласиз?

### **Адабиётлар:**

1. История киргизской литературы.- М., 1970.
2. Ч.Айтматов, М.Шоханов. “Чўққида қолган овчининг оҳи-зори”. - Т., 1998.
3. Манас. - Т., 1993.
4. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 2 жилдлик. - Т., 1978.
5. Айтматов Ч. Қиёмат.- Т., 1986.
6. Айтматов Ч. Кассандра тамғаси.- Т., 2003.

## **ТУРК АДАБИЁТИ**

**Режа:**

- 1. Турк ёзма адабиётининг шаклланиши.**
- 2. Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижоди.**

Туркларнинг ҳам дастлабки ёзма адабиёти араб ва форс тилларида яратилган. XI-XIV асрларда Туркияда салжуқлар салтанати даврида араб тили дин ва фан тили, форс тили эса адабиёт тили эди. В.С.Гарбузованинг аниқлашича: “Кичик Осиёдаги туркий аҳолининг кенг табақалари ўртасида оғзаки адабиёт бўлган, у ўғиз шевасида яратилган. ...ўғизларнинг оғзаки асарлари кейинчалик Кичик Осиёда ёзма туркий адабиётнинг пайдо бўлишида муҳим рол ўйнади”<sup>1</sup>. XIII асрда туркий тилларда ёзма адабиёт намуналари яратилди. Мазкур асарлар асосан тасаввуфий мазмунда эди. Бунинг сабаблари эса куйидагича бўлган: Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг вафотларидан кейин халифалар ўртасида тож-тахт учун курашлар, мол-дунёга ҳирс қўйиш кучайиб кетиши каби салбий ҳодисалар рўй берган. Шуларга барҳам бериш учун олимлар, муҳаддислар, шоир ва адиблар ўзларининг диний қарашларини ёя бошлаганлар. Тасаввуф таълимоти ислом дини негизида тахм. VIII асрларда ана шу тариқа вужудга келди ва Кичик Осиёда – Туркияда ҳам кенг ёйилди.

Турк тасаввуф адабиётида Жалолиддин Румий ва Юнус Эмроларнинг ўрни бекиёсдир.

**Жалолиддин Румий (1207-1273).**Жалолиддин Румий улуғдонишманд, беназир шоир, бетакрор мутафаккир, валий инсондир. У ҳозирги Афғонистоннинг Балх шаҳрида, Султонул уламо унвонини олган улуг шайх Муҳаммад Баҳоваддин Валад хонадонида 1207 йилда дунёга келади. Унинг аждодлари асли хоразмлик туркий қабилалардан бўлган. Онаси Мўмина хотун Балх амири Руқъиддиннинг қизи бўлган. Баҳоваддин Валад ўз

---

<sup>1</sup>Гарбузова В.С. Турк адабиёти классиклари. – Тошкент, 1960.– 9-б.

эътиқоди ва маслагида событлиги учун Балх ҳокими билан чиқиша олмай, у ердан чиқиб, Нишопур, Бағдод, Макка, Мадина, Дамашқ, Халаб, Эрзинжон, Оқшаҳар каби жойларда умргузаронлик қилади. У Сивас ва Кайсери шаҳарларида ҳам бир муддат яшайди. Ўша даврнинг султонлари, мударрис ва шайхлари уни ваъзлар ўқиш учун Ларенда, Кўнё каби шаҳарларга таклиф қилишади. 1225 йилда Жалолиддин Румий мўғуллар зулмидан қочган самарқандлик олимнинг қизи Гавҳарга уйланади. Унинг икки ўғли Султон Валад ва Аловиддин Чалабий, қизи Кимё туғилади.

Баҳоваддин Валад ва ўғли Жалолиддин Кўнё шаҳрига келиб турғун бўлиб қолади. Баҳоваддин Валад қаерга борса ҳам ўз ваъзлари билан шуҳрат қозонади. Унинг таърифини эшиитган турк султони Алоиддин Кайкубод Кунё шаҳрига таклиф қилган эди. Ўша даврда бу ерда кўплаб илм-маърифат аҳллари йигилган эди. Баҳоваддин Валадга турк султони алоҳида мадраса қурдирган эди. У шу ерда дарс беради, ваъзлар ўқийди. Бу ваъзларни тинглаш учун бошқа шаҳарлардан ҳам ихлосмандлар Кўнёга ташриф буюришар эди.

Баҳоваддин Валад 1231 йилда вафот этади, отасининг ишларини ўғли Жалолиддин давом эттиради. У Сайийд Бурҳониддин Термизий, Муҳиддин Ибн ал –Арабий каби олимлардан тасаввуф, фикҳ илмидан сабоқ олади. Мадрасаларда мударрислик қилади, ваъзлар ўқийди. Унинг шогирдлари ва ихлосмандлари атрофига йигилади.

1244 йил Кунёга Муҳаммад Шамсиддин Табризий деган дарвиш келади. У машхур сўфийлардан бўлиб, Жалолиддин у билан қўчада тасодифан танишиб қолади. Улар ўртасида дастлаб мунозара, тортишувлар бўлади, бир неча кун ўтгач, бир умрлик дўст, маслакдошга айланадилар. Шамсиддин Табризий Жалолиддин Румий ҳаётини буткул ўзгартириб юборади. Улар соатлаб, кунлаб сухбат қураган эдилар. Румий мадрасада дарс беришни тўхтатиб, дўстлари ва шогирдлари билан муносабатни узгани учун улар

норози бўладилар ва Шамсиддин Табризийга таҳдид қиласидилар. У 1244 йилда Кунёдан кетиб қолади. Жалолиддин Румий яқин дўсти, маслакдошини йўқотиб қаттиқ изтироб чекади. Ота изтиробларидан ташвишланган ўғли Султон Валад Шамс Табризийни Дамашқдан топиб Кўнёга олиб келади. Жалолиддин Румий хурсанд бўлади ва қизи Кимёни унга турмушга беради, ўз ҳовлисининг ёнига кўчириб келади. Унинг кичик ўғли Аловиддин Чалабийда Шамс Табризийга нисбатан адоват пайдо бўлади ҳамда ўзининг тарафдорлари билан бирга бу дарвешни йўқ қилишади. Румий дўстининг маҳв этилганидан бехабар ҳолда уни узоқ вақт қидиради. Сўнг унинг дараги чиқавермагач, дўстининг йўқликка сингиганлигини ҳис қиласиди. Румийнинг “Шамс Табризийни кўрдим” деган одамга ўз тўнини ечиб берганлиги ҳақида ривоят қилинади.

Румий дўсти учун дарвешлар сулукига асос солади, унинг шогирдлари “мавлоно” деб атаганлари сабабли бу йўл “мавлавийлик” номини олган эди. Мавлавийлик тариқати ҳақида “Тасаввуф тарихи” китобида қуйидаги маълумотлар учрайди: “Мавлавийлик тариқати дунё миқёсида ягона марказдан туриб бошқарилади. Марказий даргоҳ 1925 йилгача Кўнёда бўлиб, такя ва тариқатлар тугатилгач, Халабга кўчган. Бу тариқатнинг шўбаси йўқ, аммо ринд ва илоҳий ишқ жиҳатлари кучли бўлган шамс шаҳобчаси ва зухдга аҳамият берувчи валад шаҳобчаси уларнинг икки тармоқчалари борлиги манбаларда айтилган. Бироқ булар шаҳобчалардан кўра кўпроқ маслакдир. Мавлавийлик тариқати ишқу жазба, само ва сафога асосланган”<sup>1</sup>. Румий бу сулукнинг расм-русумлари қаторига зикрни киритади. Зикр вақтида сўфийлар айлана шаклда давра қуришиб муайян тартибда ҳаракат қилишарди, гўё қуёш (шамс) атрофидан бошқа сайёralар жойлашиб ҳаракатлангани каби тасаввур уйғотарди. Румий мажлисларида куй, мусиқа ижро этилган, рубоб, най каби чолғу асбоблари чалинган.

---

<sup>1</sup>Усмон Турар. Тасаввуф тарихи.- Тошкент: Истиқлол, 1999.- 115-б.

Жалолиддин ўзини анатолиялик ҳисоблаб Румий деган тахаллусни олади. Бироқ лирик ва тасаввуфий шеърларини Шамсиддин Табризий номи билан ҳам ёзди. Шоир ўзини дўсти билан биру бор деб билган, бу шеърлардан “Девони Шамсул Ҳақойик” (“Ҳақиқат қуёшининг китоби”) номли девон тузади. Унинг илмий ва адабий мероси жуда катта. Румий «Фиҳи-моғиҳи» (“Ичингдаги ичингдадир”), «Макотиб» (“Мактублар”), «Маъжолиси саъба» (“Эттинчи мажлис”) каби асарлар яратган. “Девони Кабир” (“Улуғдевон”) таркиби уч мингдан ортиқ ғазал, маснавий ва руబоийлардан иборат. Мавлоно Румий барча асарларида инсон камолоти, маънавияти хусусида сўз юритади. Унинг “Маснавий маънавий” асарини “форс тилидаги Қуръон” деб тавсиф этадилар. Шоир бу китобни Фариддин Атторнинг «Мантиқут тайр» китобидан таъсирланиб ёзган. Асар 25700 байтдан иборат бўлиб, халқ орасида жуда машҳур бўлган.

Жалолиддин Румий диндаги мазҳаблар ўртасидаги муҳолифатларга қарши бўлган. Унинг гояси дунёдаги динларни бирлаштиришемас, балки улар ўртасидаги мунозара, тортишув, келишмовчиликларни бартараф этиш бўлган. Адабиёцхунос Нажмиддин Комилов бу ҳақда шундай сўз юритади: “Мазҳаблар Холиқ ҳақида эмас, балки маҳлуқот, яъни яратилган нарсалар, одамлар ўзи ўйлаб топган расм-русумлар, қоида-қонунлар, ақидалар ҳақида баҳс-мунозара қиласидилар. Тасаввуф аҳли эса Ҳақ таолонинг Ўзи, унинг зоти ва жавҳари, яъни моҳиятлар моҳиятига стишиш учун интилганлари сабабли бу расм-русумлар, қоидаларга эътибор қиласидилар. Улар шариатни қаттиқ хурмат қиласидилар. Бироқ, шариат шариат учун эмас, балки шариат ҳақиқат учун восита деб қаралган”<sup>1</sup>.

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида Румий ва Садриддин Қазвиний ҳақидаги ҳикоя келтирилади. Румий суҳбатлардан бирида ислом

<sup>1</sup>Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи/ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент: Шарқ, 1999.– 7-б.

мазҳаблари тўғрисида сўз борганда: "Мен етмиш уч мазҳаб билан биргаман", дейди. Қазваний ўз шогирдига кейинги мажлисда шу гапини эслатишни ва тан олса, уни бор ҳақоратлар билан сўкишини тайинлайди. Қазванийнинг шогирди Румийни сўкиб ҳақорат қилганда, Румий: "Мен сен айтганлар билан ҳам биргадирман", дейди. Бу ҳикоят мазмуни Пайгамбаримиз Мұхаммад (с.а.в)нинг жўхуд аёл уни устига тепадан туриб ахлат ағдарса ҳам ҳеч нарса демай ўтиб кетиши, охир оқибат аёлнинг Пайгамбаримизнинг иймон, эътиқоди ва инсофи олдида таслим бўлиб ислом динини қабул қилгани ҳақидаги воқеани эслатади.

Жалолиддин Румий асарларидағи бош ғоя ҳам шундан иборатки, йўллар турфа, яъни мазҳаблар турлича бўлса ҳам мақсад бир. Мақсад Ҳаққа етишмоқдир. Бир ўринда:

Нарса йўқким, хорижи олам эрур,

Ҳар не истарсен ўзингда жам эрур,

деб инсоннинг борлиқ билан биру борлигини таъкидлайди. Комил инсон оллоҳга яқинлашади деб ҳисоблайди. Қуйидаги байт шу ҳақда:

Агарчи ҳар лаҳза изларсиз илоҳийни,

Ани излашга ҳожат йўқ, илоҳий сиз, илоҳий сиз.

"Йўллар мухталиф, аммо мақсад бир" деган ғояни тушунтириш учун Румий "Тўрт йўловчи ҳақидаги ҳикоя"ни келтиради. Турк, араб, форс, юонон бозорда кетишаёца, бир киши уларга пул беради. Форс "Ангур олайлик, деса араб эйнаб, Турк узум, юонон стафиль сотиб оламиз, деб уришадилар, бирининг тиши, иккинчисининг қовурғаси лат ейди. Бир тилшунос уларни расталардан бирига олиб боради ва узумни кўрсатади. Тўртови лол қолади. Уларнинг мақсади битта узум экан, лекин бир бирларини тушунмаганлари учун уруш чиқкан эди. Румий жамиятдаги келишмовчиликларнинг, урушларнинг

ибтидоси ўзаро тушунишнинг йўқлиги, меники тўғри, деб худбинлик қилувчи ёки турли гуруҳларга бўлиниб адоват уруғини ёювчи кишиларни танқид қиласди. Хусусан, диндаги фирмалар, гуруҳларга бўлинишларни қоралайди. Ўз фикрларини содда шаклда тушунтиради. Ҳажга кетаётган кишилар манзилга етиб боргунларича гоҳ йўл, гоҳ сув, гоҳ навбат ва ҳ.к.ларни талашадилар. Улар Каъбага етганларидан сўнг жим қоладилар, чунки улар мақсадга етдилар, урушиб талашишга ҳожат қолмади, дейди.

Инсонларнинг яшашида, фикрлаш тарзида, одам ва Оллоҳга муносабатида шаклга, ташқи воситаларга, кўринишга эътибор қилиб моҳиятни англаб етмасликларини “Баққол ва унинг тўтиси” ҳикоясида мажозий тарзда танқид қиласди. Бир баққолнинг чиройли тўтиси бор эди. Кунларнинг бирида у дўкон ичидаги парвоз қилиб, гул мойи тўла шишаларни синдириб юборди. Баққол бундан жаҳли чиқди ва тўтининг бошига шундай зарб билан урдики, унинг патлари тўкилиб, тўти кал бўлиб қолди. Бир неча кундан кейин дўконга бир кал одам келганда, тўти ундан: “Сен ҳам гул мойи шишаларини синдириб кўйдингми?” деб сўради. Мазкур масал ҳодисаларнинг бир-бирига ўхшашлиги уларнинг ягоналигига далил бўла олмаслиги ҳақидадир. Ёки кўрлар ва фил ҳақидаги воқеани шеърий тарзда баён қиласкан, инсонларнинг шакл ва воситаларга қараб хulosса чиқариб моҳиятни англамасликларини танқид қиласди.

Ташқи белгилар, шакл ва суратлар, сўзларнинг фарқларига қараб хulosса қиласдиган одамларнинг ўз манфаатлари йўлида Ҳақни баҳона қилиб хурофотга берилишига қарши бўлган Румий: “Сўз либос, маъно унда яширин асрор”, дейди. Ғоя, фикрлар сўзга айланганда фарқ, тафовутлар бошланади, деб билади у. Ҳақ буюк бир ғоя, мавхумиятдир, у бирор шаклга, суратга сиғмайди. Турли дин ё мазҳабдаги одамлар Ҳақ ошиғи бўлгани сабаб қалбан

бирдирлар<sup>1</sup>. “Маснавийи маънавий”да Мусо пайғамбарнинг бир яйловдан ўтаётганда чўпоннинг Ҳаққа илтижосини эшитиб қолиши келтирилади. Чўпон: “Қаердасан, сенинг хизматкоринг бўлай, чоригинг бўлса ямаб, чокаринг бўлай. Тўнинг, чоловорларингни ювай, сут бериб қўл оёқларингни силай. Ухласанг жойларингни тузатиб берай, сенга эчкию тойларимни қурбон қиласай”, деб турганида Мусо пайғамбар уни кофирликда айблайди. Чўпон хафа бўлиб сахрога қараб кетади. Шу пайт Мусога ваҳий келади: “Сен бандамни мендан айирдинг, сен бандаларни мендан ажратиш учун эмас уларнинг қалбини Ҳаққа боғлаш учун юборилгансан. Барча одамларга ўзларининг тилида ибодат қилишига имкон берилган”.

Боқмагаймиз тилга ёхуд қолга биз,

Кўз солодурмиз кўнгилга, ҳолга биз.

Майлига, боғланмасин ул тил била,

Лекин ул пайваста бўлсин дил била<sup>2</sup>.

Жалолиддин Румий Инсонни улуғлайди. Шоир дунёдаги барча мусулмонлар Каъбага қараб ибодат қиласидилар, агар Каъба ўртадан олиб қўйилса, улар бир-бирларига сажда қилаётган бўладидилар, деб қалбни юқори қўяди. “Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил”, дея инсонни ўз ички оламига сайр қилишига ишора қилиб, маънавияти, қалбини поклашга ундейди. Инсонни от устидаги суворий, нафсни эса отга ўхшатади. Агар от суворийни бошқарса, от ўз емишини унга едиради, деб образли тушунтиради. Румий ўзининг барча асаларида тасаввуфий ғояларини халқона содда услубда тушунтиради, халқ масаллари, ривоятлари асосида фикрларини баён қиласиди.

---

<sup>1</sup>Комилов Н. Румийни англаш иштиёқи/ Жалолиддин Румий. Маънавий маснавий. – Тошкент:Шарқ, 1999.- 7-б.

<sup>2</sup>Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. – Тошкент: Meriyus, XHMK,2010.–180-б.

Унинг асарлари бадиий етуклиги, мазмун қамровининг кенглиги билан кенг китобхонлар оммасининг қалбини, меҳрини қозона олган.

Жалолиддин Румий қабри Кунё шахридадир. Унинг зиёратига нафакат мусулмонлар, турли дин вакиллари ҳам келадилар. 2007 йил “Юнеско” қарорига мувофиқ “Жалолиддин Румий йили” деб эълон қилинди.

## **Саволлар**

1. Турк ёзма адабиёти ҳақида сўзланг.
2. Румий ижодининг асосий хусусиятлари қандай?
3. “Маънавий маснавий” асарининг мавзуси ва бадиияти.

### **“МАЪНАВИЙ МАСНАВИЙ”ДАН**

Тинглагил най не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай.

Ким найистондин мени то кесдилар,  
Насратимдин мард, аёл дод этдилар.

Сийна истармен фироқдин поралар,  
Шавқ дардидин десам афсоналар,

Кимсаким тарк айлади ўз аслини,  
Қайта излар рўзгорин васлини.

Мен бу инсон қавмин оху зориман,  
Ҳоли хуш ҳам ҳоли баднинг ёриман.

Шубҳадан ким бўлди менга ёрлар,  
Ич-ичимдин изламас асрорлар.

Най садоси оташедур, бод эмас,  
Кимда оташ йўқ – у одамзод эмас.

## **Тўрт йўловчи ҳақида ривоят**

Боришарди турк, араб, форсу юонон,

Шунда бир кимса – анису меҳрибон –

Хайр, деб бир танга савғо айлади.  
Йўқки савғо, балки ғавғо айлади.

Форс деди: “Бозор тушайлик шул замон,  
Ақчага ангур олайлик, дўсти жон!”

“Қўй бу гапни, деб уни кесди араб, -  
Эйнаб олсак ақчага, бўлгай ажаб!”

Турк деди: “Бехуда бу гаплар бари,  
Мевалар ичра узумдир сарвари!”

Шунда юонон ҳам арога солди сўз:  
“Ҳай харид этмоққа стафиль дуруст!”

Бас, улар битта қарорга келдилар,  
Лек тушунмай, баҳсу ғавғо қилдилар.

Барчада хоҳиш узум эрди фақат,  
Барчаси бирдек, узум, дерди фақат.

Лек арога шум жаҳолат тушди, бас,  
Тиш, қовурға лат еди, топди шикаст.

Фоғилу ғафлат сўзидин можаро,  
Бизники – бирлик била сулҳу салоҳ.

## РУБОИЙЛАР

Эй, сенки яшарсен, шоду хуррам бўлгил,  
Ҳар ерда яна азизу маҳрам бўлгил.  
Умрингни ҳалолу пок кечир, илм ўрган,  
То зеби башар, зийнати Одам бўлгил.

\*\*\*

Ей дил, кўзингни оч, жаҳон ўтгусидур,  
Умринг бу жаҳонда ройгон ўтгусидур.  
Тан манзилида маҳбусу ғофил қолма,  
Манзил оша манзил карвон ўтгусидур.

\*\*\*

Хар лаҳза ғаминг чекиб, ғаминг олгаймен,  
Хар лаҳза ғаминг била яна қолгаймен.  
Харчандки ғаминг чекиб-чекиб жон бердим,  
Ғам улки, ғаминг чекиб-чекиб, толгаймен.

\*\*\*

Гар балиқ эсанг, сузголи дарёйинг ўзим,  
Гар оху эсанг, кезгали сахройинг ўзим.  
Мен сенга асирману сен – менга нафас,  
Сурнайнинг сурнайнинг сурнайнинг ўзим.

\*\*\*

Мен ошиқи ишқману мусулмон бошқа,  
Мен заиф чумолимен, Сулаймон бошқа,  
Мендан аламу оху жигарпора сўра,  
Бозорчай қассобфурушон бошқа.

\*\*\*

Ман зарра-у, хуршидлиқо сенсан,  
Ман хаста-у, айни даво сенсан.  
Қанотим йўқ, учарман пойингда зор,  
Ман qадаҳман, ёр, қаҳрабо сенсан.

\* \* \*

Агар ўлсам танимни келтиринг, дўстлар,  
Вужудимни нигоримга беринг, дўстлар.  
Лабимдин бўса олса ул масиҳим,  
Тирилсам гар – яқо тутмай туринг, дўстлар.

Воҳ, дилимни ғамга банди қилди ёр,  
Кеч-қундуз дилни тифсиз тилди ёр.  
Кеча-қундуз нола чексам қайғириб,  
Пинҳон-пинҳон, ширин-ширин кулди ёр.

\* \* \*

Маъшуқа офтоб ила баҳс бойлади,  
Ошиқ ҳам ўзини чун хас ўйлади.  
Ишқ баҳор ели каби эсди чунон,  
Қурмаган шоҳ бўлса, бас, рақс айлади.

\* \* \*

Ишқимдин покроқ оби зилол йўқдур,  
Ишқимдек ғаму дарди ҳалол йўқдур.  
Ўзгалар ишқи фақат ҳол бўлса гар,  
Дилбари нигоримга завол йўқдур.

\* \* \*

Лутф этсанг тош ҳам жонона бўлғай,  
Ўшал дам шеваси мастона бўлғай.

Зулфингнинг занжири гар бўлса зоҳир,  
Луқмони Ҳаким ҳам девона бўлғай.

\* \* \*

Жамолинг намозим, кўзингдир рўзам,  
Лабинг ишқида ман — гадо, дарюзам\*.  
Айблиман, нетай, ёр, сархуш эдим ман,  
Суйингни ичдиму синдиридим қўзанг.

### **Адабиётлар:**

1. Гарбузова В. Турк адабиёти классиклари.- Т., 1960.
2. Рашод Нури Гунтекин. Чолиқуши. – Т., 2002.
3. Румий Ж. Маснавий маънавий.-Т., 2005.
4. Румий Ж. Ичиндаги ичингдадир. –Т., 2004.

### **АЗИЗ НЕСИН РЕЖА:**

- 1. Азиз Несин ҳаёт йўли.**
- 2. Ижодий фаолияти.**
- 3. Асарлари ҳақида**

**Таянч сўз ва иборалар: турк ёзувчи Азиз Несин, ҳажвий ҳикоялар устаси, “Футбол қироли” романи, “Даҳшатли туш” ҳикояси.**

Азиз Несин (1915-1995) турк ёзувчи, драматург ва публицист. Асл исми Маҳмуд Нусрат бўлиб, отаси Абдул Азиз эди. Азиз Несин ёзувчининг адабий тахаллусидир. Азиз Несин келиб чиқиши қримтатар бўлиб, 1915 йил, 20 декабрда Туркияning Мармара денгизидаги Ҳайлиобод оролида туғилган. Бу ер Шаҳзодалар ороли бўлиб, ёзувчининг ўзи бу ҳақда киноя билан шундай деган эди: “жаннатнинг бир қисми бу ерда мен кабиларнинг яшашга ҳаққи йўқ. Бу ер эътиборли турк амалдорларининг ёзги қароргоҳи менинг ватаним эди. Дунёнинг кучли боёнлари камбағал, қашшоқларсиз кун кечиролмайдилар, уларнинг чайир қўлларига муҳтождирлар. Мана шунинг учун ҳам биз Ҳайлиободда яшар эдик”. 1934 йилда Туркияда муомала муносабат, мурожаатда фахрий ном, насаб, унвонларни бекор қилиш ҳақида қонун чиқди. Ёзувчи фамилия сифатида “Несин” номини ўзига олди, яъни бу

сўз “Нима (ким) сан?” маъносини билдиради. “Умид қилар эдимки, одамлар менга фамилиям билан мурожаат қилганларида, мен нимаман ва кимман, деб ўйлай бошлайман”. Кейинроқ навбатдаги тахаллус танлаганида ёзувчи отасининг исми “Азиз” номини олади. Ҳолбуки, ёзувчининг яна элликдан ортиқ тахаллуслари бор эди. Бунинг боиси сифатида танқидий асарларининг ўткир ижтимоий-сиёсий моҳиятга эгалиги билан изоҳланади.

1939 йилда Азиз Несин ҳарбий-техника билим юртини битириб, сапёр мутахассислигини олади ва кичик офицер унвонига эга бўлади. Унинг хизмати дастлаб Фракияда бошланади, кейинроқ мамлакатнинг шарқи Карса районида, хизматдан кетишдан аввал 1944 йили эса пойтахт шаҳар Анқарада хизмат қиласи. Ёзувчилик фаолиятини бошлаган Азиз Несинга бу хизмат даврлари катта ҳаётий материал берди, кўпгина бадиий асарларига асос бўла олди.

1937-1939 йилларда ёзувчи Нафис санъат академиясининг тингловчиси бўлди.

### **Журналистлик ва ноширлик фаолияти**

1943 йилдан “Етти кун”, “Тан” газеталари ва кўплаб даврий нашрларда Азиз Несиннинг журналистик фаолияти бошланади. Унинг ғоявий эстетик дунёқарашининг шаклланишида Сабоҳаддин Али билан танишуви ва “Марко Пошо” журналидаги ҳамкорлиги катта таъсир қўрсатди. Журналда халқаро ва ички сиёсий ҳаётга доир муҳим ҳодисалар ёритилар, ҳукмрон партия фаолияти ва сиёсий арбоблар танқид қилинар, дехқонлар ва шаҳар меҳнаткашларининг аччиқ тақдирига ҳамдардлик ифодаланаар эди. «Нуҳ кемаси» (1949) ҳажвий журналини нашр этади. 1957 йилда Азиз Несин ёзувчи Камол Тоҳир билан ҳамкорликда нашриёт ташкил қилди, нашриётда кўплаб турк адибларининг асарлари дунё юзини кўрди. Нашриётчилик фаолияти ёзувчининг шахсий қизиқиши асосида эмас, балки жамият эҳтиёжи, ижтимоий манфаатларни қондириш мақсадида олиб борилди. Бу фаолият ёзувчининг фуқаролик сезгиси билан уйғунлик касб этарди. Айнан

ижтимоий эҳтиёжни англаш туфайли “Азиз Несиннинг адабий журнал жамғармаси” пайдо бўлди. Мазкур тўплам минг саҳифадан ортиқ саҳифадан иборат бўлиб, 1976 йилдан бошлаб ўн йил давомида, то ёзувчи сиёсий-ижтимоий фаолият билан шуғулланишига қадар нашр этиб келинди. Йилнома саҳифаларида турк адабиётига доир мақолалар, болалар адабиёти, шеърият, йилнинг насрй асарлари таҳлили, театр ва тасвирий санъатга доир маълумот, манбаларни эълон қилиб борарди. Нашриёт иқтисодий жиҳатдан ноchor аҳволда эди, шунга қарамай ноширлар ҳозир ва келажакда келтириладиган маънавий фойда, бойликни ичдан ҳис қиласар эдилар.

Азиз Несин кўплаб мақолалар, фельетонлар, эсселар, новелла, эртак, роман, пьесалар муаллифи бўлибгина қолмай, у жамоат арбоби ва мамлакатнинг адабиёт вакиллари кучларини бирлаштирувчи ташкилотчи ҳамдир. Унинг ташаббуси билан 1976 йилда туркларнинг миллий ғуури бўлган шоир Нозим Ҳикмат асарларини ўрганиш ва тадқиқ этиш билан шуғулланувчи “Нозим Ҳикмат жамияти” ва термоядро урушига ҳамда америкаликларнинг Туркияга кириб келишига қарши курашувчи “Тинчлик тарафдорлари жамияти”ни тузади. 1976-1989 йилларда ёзувчи “Турк адиблари синдикати\*” уюшмасини бошқарди. Бу уюшма адибларнинг нафақат муаллифлик хуқуқини химоя қиласарди, балки инқилобий ғояларни ўзида сингдирган, жамият манфаатларини ифодалаган адабиёт томонида туриб эксплуатацияга учраётган шахс манфаатлари учун курашар эди. 1980 йилдаги давлат тўнтаришидан сўнг синдикат уюшмаси ва бошқа касаба уюшмалари фаолияти тўхтатилди, аниқроғи таъзиқланди. Унинг ўн етти нафар раҳбари “коммунистик фаолияти ва тарғиботи учун” айбланиб, судга берилди. Давлат прокурори адибларни саккиз йилдан ўн беш йилгача

---

\*Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир неча корхоналарнинг бирлашмаси. Бунда ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик бирлашма иштирокчиларининг ўзида сақланиб қолгани ҳолда, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот маҳсус ташкил этилган ягона сотиш ташкилоти орқали амалга оширилади ([https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Синдикат\\_манбаидан\\_олинди](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Синдикат_манбаидан_олинди)).

қамоққа ҳукм қилишни талаб қилди. Турк газеталарида суд жараёни ҳақида хабар босилганида Азиз Несин Москвада даволанишда эди. Бу хабарни олгач, у прокурорга соғлиги яхшиланиши билан юртга қайтиб, дўстларининг ёнида бўлишини билдириди. У ҳақиқат учун курашишда ўз тажрибасидан умид қиласарди, Синдикат раҳбарларини асосланмаган айдан қутқариб қолишига ишонарди. Бир неча йил давом этган суд жараёнлари судланувчиларнинг окланиши билан якунланди.

Азиз Несин 1995 йил, 6 июлда саксон ёшда вафот этди. У ўзидан бой адабий мерос, вақф жамғармасини қолдириди. Истамбулдан олтмиш километр жануб томонида Чаталжа номли жойда атрофи мевали дарахтлар ва пастқам бинолар билан қуршалган тўрт қаватли бино бор. Мазкур бино ёзувчининг маблағи ҳисобига бунёд этилган, саксон беш ўринга мослаштирилган, етим болалар ёки камбағал оила болалари учун мўлжалланган мактаб интернатидир. Бу ерда болалар уч ёшидан ўн саккиз ёшгacha таълим оладилар, ҳужжат оладилар. Алоҳида иқтидорини намоён этган битиравчилар олий таълимда таҳсил олишлари мумкин. Ёзувчи китоблари орқали тушган даромаднинг барчасини интернатга васият қилган, тўрт фарзандига эса ҳаётда ўз меҳнати билан кун кечиришларини тайинлаган. Азиз Несин номидаги жамғарма ишларини ёзувчи ўғли Алига топширган, у физика-математика фанлари доктори ҳисобланади, васиятни бажариш учун АҚШдан Туркияга келиб, отаси сингари Чаталжада яшаб қолди.

Азиз Несин қаламига мансуб 34 та китоб чоп этилган. Улар ҳажвий ва юмористик ҳикоялар тўплами, “Бир мамлакатда” (1958) ҳажвий эртаклар тўплами, “Хоптиринам” (1960), саккиз роман, жумладан “Футбол қироли”, “Шундай бўлди, бундай бўлмайди” автобиографик роман, олтита пьесадан иборат. “Жиннилар озод бўлди”, “Ишбилармон одам”, “Нозик ва нафис”, “Худога шукур”, “Яшасин камбағаллик”, “Майдон соатлари”, “Мушт кетди”, “Хуштак афандим”, “Хотин киши бўлганимда-ю...”, “Азизнома” ҳажвий шеърлар ва «Мамлакатлардан бирида» ҳажвий ҳикоялар тўпламлари мавжуд.

Асарларида ҳажвий пафоснинг юқорилиги билан ўзига хослик касб этади. Азиз Несин ҳажвининг тифи ижтимоий иллатларга, сиёсий маҳдудликка қаратилган. У ижоди орқали Туркиядаги, шунингдек бутун оламдаги инсон эрки ва инсоний муносабатларнинг соғлиги учун ҳамда тинчлик учун қурашди. Азиз Несиннинг севимли қаҳрамонлари майда амалдор, омадсиз зиёли, доимий иш излаб сарсон юрувчи камбағаллар, ҳалқдан чиққан оддий одамлар. Ёзувчи асарларининг умумий адади 2010 йилда 8 миллион нусхага етди. Азиз Несин асарлари ўзбек тилига таржима қилингандар. Таржимонлар Миад Ҳакимов, Мөҳмон Исломқулов, Маъруфжон Йўлдошевлар ўзбекчалаштирганлар.

Азиз Несиннинг ilk адабий фаолияти шеърият билан боғлиқ. 1939-1943 йилларда у шеърларини “Етти кун” газетасида чоп этади. Нозим Ҳикмат эса унинг шеърларини танқидий баҳолаб, шеъриятга вақт сарфламасликни маслаҳат беради. “Ҳикоя ва романлар ёз”, деган эди у.

Ёзувчининг ilk ҳикоялари 1943 йилда “Миллат” журналида чоп этилади. “Мен биринчи ҳикоямни тугатиб, (уни ўқиган китобхонлар кўз ёши тўқади деб тахмин қилгандим) уни журналга олиб келганимда муҳаррир, у қадар бегона эмас эди, йиғлашнинг ўрнига қувноқ кулгиси билан хонани тўлдирганча шундай деди: “Баракалла... Ажойиб. Яна шундай ҳикоялар ёзинг ва бизга олиб келинг”. Ёзувчи ижодий фаолиятининг бошланишини ана шундай киноя қилганди.

Азиз Несин турли жанрларга ҳикоя, эртак, пьеса, роман, мақолаларга мурожаат қилган. “Қаерга кетаяпмиз?” китобида Американинг Туркияга ёрдами дастури номи остида мамлакатга кириб келаётган Америка капитали, иқтисодий қарамлик ҳақида фикрлар ёритилади. Ёзувчи “Маҳбус хотиралари” (1957) асарида ўзининг Бурсадаги қамоқقا бир ярим йилга ҳукм қилингандар даврларини баён қиласди. У жами бўлиб беш ярим йил ҳибсда бўлади. Несинни бу даврда ҳам “маҳзун” юмор ҳисси тарқ этмайди. Бу ҳақда

у: “Бизнинг оталаримиз ўзлари қатнашган урушлардаги жанглар ва ғалабалар ҳақида фахр билан сўзлаб берар эдилар. Биз бундай эсдаликлардан маҳруммиз. Болаларимизга биз фақат турма, полиция, суд ва терговлар тўғрисида айта оламиз”.

Азиз Несиннинг сюжет танлаш ва воқеани етказиш шаклини танлашда маҳоратли ижодкордир. Асарларининг мавзу кўлами жуда кенг: давлат хизматидаги шахсларнинг хиёнаткорлиги, ишсизлик, камбағал дехқонларнинг ер мулкларининг йўқлиги, илҳор фикрли кишиларнинг таъқиб қилиниши кабилар асар марказига қўйилади. Ёзувчини уй-жой муаммоси, соғлиқни сақлаш, маориф масалалари ташвишга солади. У худбинлик, ўзибўларчилик, лаганбардорлик, порахўрлик, диний маҳдудликни танқид қиласи, бу иллатлар устидан заҳарханда кулади.

“Кўпчиликни ёзган ҳикояларим сонининг кўплиги ҳайрон қолдиради. Уларнинг сони икки мингта. Нега ҳайрон қолиш керак? Мен таъминлашим керак бўлган оила аъзолари ўнта эмас, йигирмата бўлса мен икки баравар кўпроқ ёзган бўлар эдим”, дейди.

1953 йилда унинг “Нима қолди?” тўплами чоп этилади. Сўзбошида “Масҳарабоз” номли жажжи ҳикоя келтирилади: Бемор докторга ўз дардини тўкиби: — Докторбей, тобим йўқ. Ҳаётдан завқ ололмаяпман. Изтиробларимни унутолмай қийналяпман. Иштаҳам йўқ. Томоғимдан қил ўтмайди. Кўз олдимдан оч-яланғоч инсонлар кетмайдиган бўлди. Тонггача ухломай улар билан бирга совқотиб чиқаман. Жиноят ҳақидаги хабарларни ўқиганда ўша жиноятда менинг ҳам айбим йўқмикан, деб ўйга толаман. Қотил тутган пичоқнинг сопи қўлимни куйдураётгандек бўлаверади. Отилган ҳар бир ўқ менинг қалбимга санчилгандек азобланаман. Жамиятдаги барча айб, жиноят ва гуноҳларни ортмоқлаб кетаётгандек ҳис қиласман. Кулишни тамоман унутиб юбордим. Докторбей, менга ёрдам бермасангиз ҳолим хароб — дея шикоят қилибди.

Доктор беморни текширгандан сўнг, елкасига қўлини қўйиб дераза олдига олиб борибди. Пардани тортиб бармоғи билан кўча бетидаги афишани кўрсатибди. Унда цирк масхарабозининг расми бор экан. Доктор ўша масхарабозга ишора қилиб: — Азизим, — дебди. — Анави масхарабозни кўряпсизми? Ҳар куни оқшомда ажойиб томошалар кўрсатмоқда. Сизга тавсиям, ўша томошага боринг, барча изтиробларингизни унутасиз, маза қилиб кулиб дам оласиз. Дилингиз яйрайди. Касалликдан ҳам асар қолмайди. Бемор бошини эгибди ва чуқур бир уҳ тортгандан кейин дебди: — Докторбей, ўша масхарабоз, менман!<sup>1</sup>

Азиз Несин асарлари кулгу билан сугорилиб, дард билан тўйинтирилган. Бу асарлар китобхонни кулишга мажбур қиласди, бироқ шунинг баробарида ўйлашга, атрофда рўй бераётган зулм ва жаҳолатларни кўра олишга ундайди. Ўзининг ижодий кредитоси ва адабий фаолиятининг умумий моҳияти ҳақида Азиз Несин тўхталиб, бизнинг ватандошларимизнинг ўрта аср ҳолатида яшаб, очликдан силласи қуриб, эртанги қунга умидсизлигини кўриш виждонли одамлар учун азоб ва уятли эканини, бу ҳолатдаги одамларнинг ҳисобидан эса бошқаларнинг баҳтиёр, шодумон ҳаёт кечиришларини таъкидлаб ўтади. Шунинг учун одамларнинг асар ўқиганда дастлаб қулиб кейин эса ҳаёт ҳақида жиддий ўйлашлари учун ҳам ҳикоялар ёзиш керак, дейди.

“Азиз Несинга ижодда энг катта шухрат келтирган соҳа - ҳажвий ҳикоячилик бўлди. «Менинг ҳажвдан мақсадим - ўзим яшаётган жамият ва даврни аниқ кўрсатиб беришдан, инсон боласининг беўхшов ва ҳиссиз расмий ҳужжатларга киролмайдиган юрак тепишини баён этишдан иборат» - деб ёзган эди адиб. Таниқли турк адиби Яшар Камол Азиз Несиннинг 60 ёшга тўлишига бағишлиланган тантанада сўзлаган нутқида уни «замонимизнинг буюк ҳажвчиси» деб атаган эди. Таниқли рус ҳажвчиси Л. Ленч эса: «Сиз бошдан то тирноғингизнинг учига қадар турксиз, худди шу

---

<sup>1</sup> Турк тилидан Маъруфjon Йўлдошев таржимаси.

миллий халқчил ўзига хослик сизнинг ёрқин истеъдодимизнинг энг кучли жиҳатидир», - деган эди Азиз Несинга<sup>1</sup>.

А.Несин ҳажвчи-ёзувчиларнинг бир неча халқаро мукофотлари совриндори. У 1956 йили Италияда ўтказилган ҳажвчи-ёзувчиларнинг IX Халқаро танловида „Қозон ўрнатилиши муносабати билан зиёфат“ ҳикояси учун „Олтин пальма“ мукофоти ва медали билан тақдирланди. 1957 йили А.Несин яна шу мукофотга „Фил лақабли Ҳамдининг қандай ушлангани“ ҳикояси учун лойиқ деб топилди. 1959 йили Туркия журналистлари уюшması томонидан қатор репортажлари учун мукофот билан тақдирланди. Сүнгра Болгарияда юмористлар танловида “Ватанпарварлик бурчи” ҳикояси учун “Олтин типратикан” медалини қўлга киритди. “Крокодил” журналининг халқаро мукофотига “У қолиши керак” ҳикояси учун сазовор бўлди. “Миллият” номли турк газетасининг асосчиси Али Нажмий Қоражон хотираси муносабати билан ўтказилган танловда “Қоракўз” пьесаси учун мукофот билан тақдирланди. Турк тилшунослари жамияти томонидан “Чичу” пьесаси учун мукофотга сазовор бўлди. 1974 йили Осиё ва Африка ёзувчилари ассоциацияси ёзувчини адабиёт соҳасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги учун “Нилуфар” мукофоти билан тақдирлади. Азиз Несин Ўзбекистонда турли йилларда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент анжуманлари иштирокчиси. У Ўзбекистонда бир неча марта саёҳатда бўлган эди. “Болалик чоғларимдан бери Тошкент ва Самарқанд мен учун ажойиб эртаклар, тенгсиз, рўёлар ўлкаси эди”, - деб эслайди у.

Азиз Несиннинг «Демократия шунқори» номли ҳикояси ҳажвий руҳда ёзилган. Унда мавжуд давлат тузуми, унинг адолатсизлиги, ҳукуқбузарлиги фош этилади. Ҳикояда ёш мухбир эшак қўзи туғди, аёллар қурбақа туғди, осмондан балиқ ёғди каби хабарлар ёзади. Бироқ, у халқ дардини, рост гапни

---

<sup>1</sup> www.ziyouz.com › ...[Ziyo istagan qalblar uchun - Aziz Nesin \(1915 - 1995\)](#).

ёзгани учун полиция уни ҳибсга олади. Ёзувчининг «Даҳшатли туш» ҳикоясида бош қаҳрамон тушида хориждаги бир йиғинга тушиб қолади. Ундан ўз мамлакати тўғрисида сўраганларида ҳақиқатни айтгиси келади, бироқ у бунинг оқибатидан қўрқади. Ўз юртини обод, халқини фаровон, элнинг тўқчиликда яшаётганини, жамияти эркин эканини айтади. Уларнинг бош қаҳрамон учун ёрдам бермоқчи бўлганликларини билгач, сўзларидан афсусланади. Азиз Несиннинг “Хотин киши бўлганимда”, “Кейин хурсанд бўласиз”, “Минг марта шукур” сингари ҳажвий ҳикояларида ҳам жамиятдаги айrim нуқсонлар, ҳолатлар қаламга олинган.

Хулоса қилиб айтганда, турк адабиёти туркий халқлар адабиёти силсиласининг узвий бир қисми бўлиб, унинг намуналарида кўтарилиган умуминсоний масалалар ва акс этган ғоялар ўз қадрини йўқотмай келмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. <https://ziyouz.uz> › жаҳон-насри › азиз-несин. Азиз Несин (1915-1995; Туркия)
2. kh-davron.uz › tag › азиз-несин
3. [https://ru.wikipedia.org/wiki/Азиз\\_Несин](https://ru.wikipedia.org/wiki/Азиз_Несин)
4. www.ziyo.com › ... Ziyo istagan qalblar uchun - Азиз Несин (1915 - 1995).

## **НОЗИМ ҲИКМАТ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ**

**Режа:**

**1. Нозим Ҳикматнинг ҳаёт йўли.**

**2. Нозим Ҳикматнинг ижодий фаолияти.**

**3. Шеъриятининг мавзу кўлами ва образлар тизими.**

**Таянч сўз ва иборалар:** турк шеърияти, Нозим Ҳикмат шеърлари, турк шеъриятида эркин вазн.

Нозим Ҳикмат турк шоири, носир, сценарийнавис, драматург ва жамоат арбоби ҳисобланади. Уни ҳақли равишда турк инқилоб шеърияти асосчиси деб аташади. Нозим Ҳикмат Халқаро Тинчлик мукофоти соҳибидир (1950).

Нозим Ҳикмат 15 январь, 1902 йилда Туркияning Салоники деган жойида зодагон оиласида туғилади. Отаси Ҳикматбей усмонли турк давлати хизматчisi бўлиб, усмонли империяning ташқи ишлар вазирлигида ишлаган. Черкасс эмигрантлари оиласидан келиб чиққан. Бобоси Мехмет Нозим пошо турли вақтларда Диёрбакр, Алеппо, Күнё, Сивасда ҳоким бўлган, мавлавийлик тариқатига аъзо бўлган.

Нозим Ҳикматнинг онаси Жалолхоним ўз замонасининг зиёли аёли бўлган, рассомлик билан шуғулланган, француз тилини билган, фортапиано чалган. У усмонли турк давлатининг генерали Анвар Жамолиддин пошонинг қизи бўлган. Ҳикматнинг онаси томонидан бўлган бобоси поляк Константин Божесцкий Туркияда 1848 йилдан сўнг эмигрант бўлган, дастлаб поляк қишлоғи Полинезда яшаган, сўнг эътиқодини ўзгартириб, исломни қабул қилган. Мустафо Жалолиддин пошо номи остида усмонли турк армиясида офицер бўлган. 1869 йилда Истамбулда унинг “Қадимги ва ҳозирги турклар” номли замонавий турк сиёсий тафаккурига асос бўлган китобни нашр қилди.

Нозимнинг онаси томонидан бобосининг бобоси усмонли туркларнинг генерали Мехмет Али пошо (1827-1878) Бранденбургда (Пруссия) туғилган. Унинг асл исми Фридрих Детройт бўлган. Ёшлик чоғларида у ўз уйини ташлаб, саёҳат қилган. Усмон империясида исломни қабул қилган, исмини

ўзгартирган ва ҳарбий билим юртига кирган. 1865 йилда Крим урушида бригада генерали бўлиб, пошо унвонини олади. Россия-Туркия урушида 1877-1878-йилларда Болгарияда турк армиясига бошчилик қилган, кейинроқ 1878 йил Берлин конгрессида иштирок этган ва Косовадаги айғоқчилар томонидан ўлдирилган. Нозимнинг бувиси она томонидан черкасс миллатига мансуб бўлган.

Нозим Ҳикмат асли 20 ноябрь, 1901 йилда Салоникида туғилган, лекин унинг таваллуди 15 январь, 1902 йил деб қайд этилган. У бошланғич таълимни Тошмактабда Истамбулдаги Гўзтепа районида олади. Сўнгра Бейўғли районидаги Галатасарой лицейида ўқиёди. У 1913 йили ўзининг илк шеъри “Фарёди Ватан”ни ёзади. Унинг ўқиши ўзлари биринчи жаҳон уруши ва 1917 йилдаги рус инқилоби давридаги сиёсий кўтарилишларга тўғри келди. 1918 йилда Ҳикмат Шаҳзодалар оролидаги Ҳарбий денгиз академиясини тугатади. Сўнгра Ҳамидия номли ҳарбий крейсерда офицер бўлиб, бир неча вақт хизмат қилди, бироқ 1919 йили ўпка касалига чалинади ва 1920 йилда соғлиги туфайли денгиз хизматидан озод қилинади.

1921 йили Нозим Ҳикмат ва унинг дўстлари Вали Нуриддин, Юсуф Зиё Ўртач ва Фарруҳ Нафиз Чамлибей Онадўлига озодлик ҳаракатига қўшилиш учун, оддий халқнинг ҳаётини кўриш мақсадида ҳамда социалистик ташкилотлар билан алоқа тиклаш учун борадилар. Анқарада у Вали Нуриддин билан бирга озодлик ҳаракати бошлиғи Мустафо Камол пошо билан учрашишди. Мустафо Камол иккала дўстларга туркларнинг мустақиллик учун курашга илҳомлантира оладиган шеър ёзишларини сўрайди. Миллий ҳаракат бошлиқларига иккала шоирнинг меҳнати натижалари маъқул бўлади, бу шеър ёшлар ўртасида оммавийлашиб кетади.

Иккала шоирнинг сўл қарашлари маҳаллий хукumat бошлиқларига маъқул келмайди, улар октябрь инқилобидан кўнгли тўлмай совет Россиясига ўйл оладилар. 1921 йил, 30 сентябрда улар Батумига келишади, 1922 июлда Москвада бўлишади. У ерда Нозим Ҳикмат коммунистик

партияга аъзо бўлади ва “Шарқ меҳнаткашлари коммунистик университетининг “Иқтисод ва жамият ҳаёти” факультетида ўқийди. Унга В.Маяковский ва Всеволод Мейерхольднинг бадиий эксприментлари чуқур таассурот қолдиради. У рус тилини ўрганишдан олдиноқ шеъриятнинг “зинапоя” шакли кучли таъсир кўрсатган эди. 1924 йилда Москвада Нозим Ҳикматнинг биринчи шеърий тўплами чиқади.

1924 йилда Нозим Ҳикмат Истамбулга қайтади ва “Ойдинлик” номли журналга муҳаррирлик қилади, шунингдек бошқа инқилобий кайфиятдаги нашриётларда ишлайди. 1925 йилда турк хукумати “Ойдинлик” журналини хукуматга қарши чиқиш ва курдларни ҳимоя қилишда айбланиб ёпиб қўйилди.

Нозим Ҳикмат асирикда Измирга қочади. Уни судда ўн беш йилга хукм қилишади. 1925 йили Нозим Ҳикмат собиқ иттифоққа боради. У ерда эксприментал театр студиясида иштирок этади, у 1927 йил марта ёпилади.

Нозим Ҳикмат ватанида ҳибсга олинди ва саккиз ой турмада бўлди. Озод бўлгандан сўнг шеърлар, романлар, ҳикоялар, мақолалар, эссе ва пьесалар ёзиб, “Оқшом” газетасида чоп эта бошлади. 1929 йилда унинг “835 сатр”, “Жаконда”, “Си я у” тўпламлари чоп этилди. “Расмли ой” номли авангард йўналишдаги журналда ишлай бошлади. Бу журнал зиёлилар даврасида анча оммалашди. Ўша вақтларда Нозим Ҳикмат 22 ёшли Парал Олтинўғли билан танишади. Ҳукумат томонидан қатағон бўлишига қарамай у жамиятнинг эътирофини қозонади. 1930-32 йилларда 5 та шеърий тўплам ва 2 та пьеса чоп этади. Нозим Ҳикмат асарлари цензурага учрайди, унинг ўзини бир неча марта ҳибсга оладилар. “Тунда келган телеграмма” (1932) номли шеърий тўпламида муаллиф турк коммунистларини демократия учун курашибга даъват этгани учун, 1933 йилда таъкиқланган ташкилотда иштирок этгани учун ҳамда тузумни ўзгартиришга бўлган ҳаракати учун беш йилга озодликдан маҳрум қилинади. Келгусида унинг ҳар бир китобининг нашридан сўнг қамоққа хукм қилишади.

1933-1935-йилларда Нозим Ҳикмат Бурсадаги турмада бўлади. Бу ерда инқилобий тусдаги “Шайх Бадриддин Шимовна” ҳақида достон ва Эфиопияга итальян фашистларининг хужуми ҳақидаги “Таранта Бабуга мактуб”и (1935)ни ёзди. “Портретлар” (1935), “Таранта Бабуга мактублар” (1935) ва “Немис фашизми ва ирқий назария” (1936) оммабоп мақоласида фашизмни ҳамда унинг турк тарафдорларини фош этди. 1935 йилда у амнистия билан озодликка чиқди. Даврий матбуотда турли тахаллуслар билан ҳикоялар ёзди, киносценарийлар битди, “Ипак Фильм” киностудиясида режиссура билан шуғулланар, овоз берар эди.

1936-йилда Туркияда яшаётган вақтидаги сўнгги китоби “Шайх Бадриддин ҳақидаги достон” ва шу китобга илова тарзидағи “Миллий ғуур” номли асари чоп этилади. Сталин қатағони шоир Нозим Ҳикматга ҳам хавф солар эди. Иккинчи жаҳон уруши арафасида Туркияда миллий ўнг ва сўл зиёлиларнинг мухолифати юқори чўққига чиқади. Матбуотда антикоммунистик айболовлар ошиб боради, Нозим Ҳикматни полиция айғоқчилари таъқиб қилишади, 1938 йилда ҳарбий суд шоирни 28 йилу 4 ойга қамоқقا ҳукм қиласди. Давлат тўнтариши ҳақидаги мақолалари учун айбланади. Шоирнинг айби ҳарбий билим курсантларидан унинг ўша пайтда эркин сотувда бўлган шеърлари топилган. Бу сафар Истамбул, Анқара, Чанкир, Бурса қамоқхоналарида ўн икки йил бўлади.

Нозим Ҳикматнинг ижодий фаолияти қамоқхонада ҳам давом этди. У Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” романини таржима қилди. “Қамоқдан мактублар” туркумидаги шеърларни ёзди, “Инсон манзаралари” туркумини битди. Қамоқхонада у ёш мусаввир Ўрхон Камол ва Иброҳим Балабан билан танишади.

1940 йилда шоирнинг соғлиги ёмонлашади. 1949 йилда дунёning турли бурчакларидан зиёлилар қатлами, Пабло Пикассо, Поль Робсон ва Жан Поль Сартрлар Нозим Ҳикматни озод қилиш бўйича қўмита тузадилар. Унинг озод

қилинишини истамбул зиёлилари ҳам талаб қилиб, Нозим Ҳикматга белгиланган қамоқ муддати суд хатоси эканини исботлайдилар.

1950 йили Нозим Ҳикмат юрак ҳуржини ўтказади, ўн саккиз кунлик очликда бўлади. Шу йили парламент сайловларидан сўнг умумий амнистия асосида озод қилинади. Уларнинг тогасининг қизи Мунаввар билан фарзанди Меҳмет туғилади.

Нозим Ҳикмат узоқ вақт иш тополмай юради. У доимо полиция назоратида бўлади, бир оз вақтдан сўнг уни армияга чақиришади. Шоир Туркияни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. Рафик Эрдуғанинг маслаҳати ва ёрдами билан у Қора денгиз орқали Руминияга, у ердан 1951 йили собиқ иттифоққа келади. 25 июлда турк ҳукумати Нозим Ҳикматни фуқароликдан маҳрум қилди. Шоир боболарининг насл наسابининг келиб чиқиш жойи бўлган Польша халқ республикаси фуқаролигига ўтиб, Божецкий фамилиясини олди.

Москвада Нозим Ҳикмат зиёлилар даврасида жуда машхур эди. У кўп саёҳат қиласди, айниқса социалистик лагерларда кўп бўлди. 1950 йилларнинг бошидаги собиқ иттифоқдаги хаёт унинг хафсаласини пир қилди. Маяковский, Мейрхольд, шунингдек авангард санъат кам тилга олинарди ва расман оқданмас эди. Нозим Ҳикматни шеърларда Сталин номининг доимо келтирилиши ва шоир асарларини қасдан бузиб таржима қилиниши ғазаблантиради. Ўз туйғулари ҳақида шоир дўсти Илья Эденбургга шундай деган эди: “Мен ўртоқ Сталинни жуда ҳурмат қиласман, бироқ уни қуёшга таққосланган шеърларга чидаб туролмайман. Бу шунчаки ёмон шеърият эмас, бу ёмон дид”.

Собиқ иттифоқда эканида шоир ўзини буткул тинчлик учун курашишга бағишлиди. 1951 йили Нозим Ҳикмат ва Пабло Неруда Халқаро тинчлик мукофоти билан тақдирланадилар. Урушга қарши чиқиб у грек киприотларининг Британия колониал тузумига қарши курашига хайрихox бўлишга чорлади. Бўлғусида Кипр аҳолисининг тинч яшашига умид қиласди.

1952 йили Нозим Ҳикмат Бутун дунё тинчлик иттифоқи бюросига аъзо бўлади.

1963 йил, 3 июнъ эрталаб 6.30 да Нозим Ҳикмат юрак ҳуружидан вафот этади. У Москвадаги Новодевичье қабристонига дафн этилади. Ҳозирда ҳам бу ер зиёратгоҳ ҳисобланади. Шоирнинг истаги ва васияти уни Онадўлидаги қишлоқ қабристонига қўйишлари бўлган эди. Нозим Ҳикматга атаб Андрей Вознесенский, озарбайжон шоири Расул Ризо, арман ёзувчиси Наири Зарьян, белорус шоири Констанция Буйло, қирғизистон халқ шоири Али Тўкумбоевлар бағишлов шеърлар ёздилар. Ёзувчи Юрий Домбровскийнинг “Кераксиз буюмлар факультети” романи персонажларидан бири, Лев Кассилнинг “Будьте готовы, ваше высочество!” қиссасидаги шоир Тонгорнинг прототипи Нозим Ҳикматдир.

Шоир Нозим Ҳикмат умри давомида 17 йил ҳибса бўлди. Унинг қатағон қилиниши ва асарларининг ман этилиши ҳам шоир асарларининг оммалашишига тўсқинлик қила олмади. Асарларининг ман этилиши 1965 йилгача давом этди. Туркияда яқин йилларгача ҳам Нозим Ҳикматга Туркия фуқаролигини қайтариш ҳақида баҳслар бўлди. Собиқ иттифоқда минглаб фуқароларнинг имзолари йигилди, лекин миллатчи ва бошқа сиёsatчилар шоирни Отатуркка ва давлатга қарши чиқишида айблаб қаршилик кўрсатдилар. 2009 йилнинг 5 январида 58 йиллик қувфиндан сўнг Туркия ҳукумати Нозим Ҳикматга ўз ватанининг бир умрлик фуқаролигини берди.

Ижоди. Нозим Ҳикмат турк шеъриятига биринчи бўлиб эркин шеър (верлибр)ни олиб кирди. У дастлаб бармоқ вазнида шеърлар ёзган, сўнг янги шаклларни излади. Унга совет футуристлари айниқса, В.Маяковский катта таъсир кўрсатди. 1924 йилда ватанига қайтиб, турк авангард ҳаракатига бошчилик қилди, шеъриятда экспериментлар қилди, драматургияда ижод қилди, киносценарийлар ёзди. Бармоқ вазнидан верлибрга ўтди. Турк тилининг вокал хусусиятларини намоён қилди, усмонли турк шеърияти анъаналари элементлари янги шеър шакллари билан мувофиқлашди.

У XX аср бошларидаги ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларга ўзининг танқидий фикрларини билдирган. Буни ифодалаш учун шеъриятдаги анъанавий усул ва шакллар имкон бермас эди. Шоир турк шеъриятини янги ўзанга буриб юборди. Ўрхон Салим тахаллуси билан мақолалар ёзиб нашр эттириди.

Шоир турк модерн шеърияти асосчиси сифатида бошқа ижодкорларга таъсир кўрсатган. Ўзбек шоирлари ҳам Нозим Ҳикмат шеърларидан ижодий таъсирангандар. Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи шоирнинг “Инсон манзаралари” шеърий тўпламини ўзбек тилига ўтирган.

Унинг “835 сатр”, “Борган 3”, “Овозини йўқотган шаҳар”, “Тунда келган телеграф”, “Таранта Бабуга мактублар”, “Қутулиш жанги достони”, “Мамлакатимдан инсон манзаралари”, “Рубоийлар”, “Тўрт қамоқхонадан”, “Янги шеърлар”, “Тўла асарлари” каби тўпламлари нашр этилган.

Нозим Ҳикмат шеърларида инсон эрки ва озодлиги, ҳақиқат ва эътиқод, миллат ва ватанга садоқат, мутеликка қарши ҳайқириқ, ўзликни англашга чорлов рухи балқиб туради. Унинг “Овозидан йўқотган шаҳар” китобидан ўрин олган “Карам каби” шеърида рамз ва турли ифодалар билан шоир миллатни мудроқлиқдан уйғотишга ундов бор. Шоир ўзини қуршаб турган жамият муҳитини тасвирлашда “Ҳаво қўрғошиндай оғир!” дейди. Маълумки, қўрғошин оғир элемент ҳисобланади. Лирик қаҳрамон ана шундай оғир ҳаводан нафас олиб яшайди, бу ҳаво уни бўғади, нафаси қисилганда эса “бақир!” дея қайта-қайта ундейди. Уни бақиргани учун огоҳлантиришади:

У айтади менга: эй сен,  
Ўз овозингдан ёнасан,  
Кул бўласан  
Карам каби  
Ёниб  
ёниб  
ёниб

ёниб...

Овознинг чиқиши, яъни озодлик истаги билан хайқирган инсон қисматининг ёниб кул бўлишини китобхон англайди. Шоир кейинги ўринларда Фузулийнинг “Дард кўп, ҳамдард йўқ” мисраларини келтириб, “юракларнинг қулоги кар” каби ўзига хос поэтик ифодани қўллайди. Бу ўринда ўз дардини айтмоқчи бўлган одамни эшитувчи, тингловчи йўқ, агар бор бўлса ҳам юрагидан эшитмайди. Шунинг учун шоир давом этади:

Мен ёнмасам,  
Сен ёнмасанг,  
Биз ёнмасак...  
Қандай ичар қаро тунлар,  
Ойдинликдан қониб, қониб?!...  
Ҳаво тупроқдай қориндор,  
Ҳаво қўроғошиндай оғир...

Нозим Ҳикмат ўз миллатдошларигагина эмас, балки башариятга қараб ёниб яшашга ундаётгандек. Мустамлака зулмида қолган юртни қора тунлар ичида қолгани, агар одамлар, халқ қўзғалмаса бу зулматнинг ойдинликка айланмаслиги бетакрор ташбеҳлар билан ифодаланган. Шоирнинг тўпламни “Овозини йўқотган шаҳар” деб номлашида ҳам ўзига хос рамзийлик кўринади.

xxx

Ҳаво қўроғошиндай оғир!...

Бақир

бакир

бақир

бақирияпман...

Чопинг қўроғошинни бир-бир,

Эрит-

Моққа

Чақирияпман...

У айтади менга: эй сен,

Үз овозингдан ёнасан,

Кул бўласан

Карам каби,

Ёниб

ёниб

ёниб...

“Дааард кўп,

Ҳамдард йўқ”

Юракларнинг қулоғи кар,

Ҳаво қўрғошиндай ботар...

Мен айтаман унга, хўп мен,

Кул бўлайин Карам каби,

Ёниб

ёниб

ёниб...

Мен ёнмасам,

Сен ёнмасанг,

Биз ёнмасак...

Қандай ичар қаро тунлар,

Ойдинликдан қониб, қониб?!...

Ҳаво тупроқдай қориндор,

Ҳаво қўрғошиндай оғир...

Бақир

бакир

бақир

бақирияпман,

Чопинг,

құрғошинни мұмдай

Эрит-

моққа

Чақирияпман...

xxx

Қизгинам

Эшикларни қоққан менман,

Эшиклар орти тириклар...

Күзингизга күринмасман,

Күзга күринмас ўликлар...

Хиросиманинг ўлеми,

Үн йилга ё юз йил борар.

Етти ёшдаги бир қизим.

Каттармас ўлган болалар...

Сочларимнинг оқлари мүл,

Күзимдан ёшлар томчилар...

Бир ҳовуч чүғ бўлиб сўндин,

Кулим ҳавога сочилар...

Менинг ахир ўзим учун,  
Хеч бир ўтинч, истагим йўқ.  
Шакар емай қолди қизим,  
Кўзин очмас, қистагим йўқ...

Ураяпман эшигингиз,  
Буви, бобо, сўранг изн.  
Болалар ўлдирилмасин,  
Шакарини есин қизим!...

**Адабиётлар:**

1. ziyouz.uz> turk-she’riyati>nozim-hikmat. Нозим Ҳикмат
2. kh-davron.uz >kutubxona> jahon . turk. Nozim Hikmat. She'rlar. Yangi tarjimalar & Inson manzaralari ...
3. ru.wikipedia.org >wiki > Назым Хикмет

## **Ўрхон Памук ҳаёти ва ижоди**

**Режа:**

- 1. Ўрхон Памук ҳаёт йўли.**
- 2. Ижодий биографияси.**
- 3. Асарлари ҳақида.**

**Таянч сўз ва иборалар:** турк ёзувчи, Ўрхон Памук таржимаи ҳоли, постмодерн роман, Нобель мукофоти соҳиби, романда авангард услуби, “Истамбул. Хотиралар ва шаҳар” романи.

Турк ёзувчи Фарит Ўрхон Памук 1952 йилнинг 7 июнида Истанбулнинг Нишонтоши туманида ўзига тўқ оиласида кенжа фарзанд бўлиб туғилади. Бўлғуси ёзувчининг бобоси ва амакиси, отаси Гундуз Памук ҳам муҳандис бўлганлар. Уларнинг кўриниши оппоқ, лўппи юзли бўлганлари учун атрофдагилар “памук” (“памук”, “момик”, “пахта”) деб атайдилар. Оила бу лақабни ўзларига фамилия қилиб оладилар.

Ўрхоннинг онаси Шакура хоним усмонийлар даврида Крит оролида ҳокимликни барпо қилган давлат арбоби Иброҳим Пошонинг авлодларидан бўлган. Шакура хонимнинг оила аъзолари Истанбулнинг Жаҳонгир туманида истиқомат қилар эдилар.

Ўрхоннинг ота томонидан бобоси темир йўл қурилиши соҳасида ишлаб, тижорат билан шуғулланиб, катта даромад, мол-мулк орттирган эди. Тижорий ишлар яхшиланган вақтда бобоси оққон касалига чалиниб вафот этади. Ундан қолган мол-мулк, мерос маблағларини Ўрхоннинг отаси ва амакиси тўғри бошқара олмай, бирин-кетин сотиб юборадилар. Ўрхоннинг оила аъзолари, яқин қариндошлари – бувиси, амакилари, янгалари, аммалари беш қаватли бинонинг турли қаватларида яшайдилар. Бобосининг вафотидан кейин уй хўжалиги билан бувиси шуғулланар, катта оиланинг даромади камайиб, турмуш тарзи қийинлашиб бораради. Шунга қарамай ёзувчи болалик хотираларини миннатдорлик ва меҳр-муҳаббат билан эсларкан, Ўрхон

хонадондан хонадонга кириб шўхлик қилганда ҳам уни ҳамма оила аъзолари ва қариндошлари севиб алқаб, эркалатганларини ёдга олади. Отаси Гундуз Памук халқаро фирманинг Туркия бўлими бош мудири бўлиб ишлайди.

Ўрхон Памук дастлаб рассом бўлиш учун Туркиядаги Америка мактаби Роберт Соллегеда ўқийди. Ўрхон ёшлигидан мутолаага қаттиқ берилади. У китобларни қаторлашиб, сурункасига ўқирди. Бу қизиқиш учун отасининг бир яrim минг китобдан иборат кутубхонаси ҳам сабаб бўлган бўлса керак. Ўрхон бир умр ўзининг ҳам алоҳида шахсий кутубхонаси бўлишини орзу қилган эди. Кейинчалик у машҳур ёзувчи бўлгач, бу орзу амалга ошиди. Бугунги кунда ёзувчига илҳом манбаи бўлган ўн икки минг китобдан иборат кутубхонаси бор.

Ўрхон кейинроқ ота-оналарининг истагига кўра Истанбул техника университети меъморлик факультетида таҳсил олади. Бу ерда уч йил ўқийди, сўнг ўқишни ташлаб кетади. Истамбулдаги Журналистика институтига ўқишга киради. У рассом ҳам, меъмор ҳам, ота боболари истаганидек муҳандис ҳам бўлмаслигини тан олади. Унинг отаси (ўзи ҳам ошкор қилмай ижод қиласар эди) Ўрхонни қўллаб қувватлади. Онаси эса бу машғулотни маъқулламайди. Ўрхон 1977 йилда олий таълимда таҳсилни якунлайди, лекин соҳаси бўйича ишламайди. Балки эркин ижод билан шуғулланишни афзал кўриб, илк романини ёзишни бошлайди.

Ўрхон Памук 1982 йилда Айлин Турагенга уйланади. Адибнинг рафиқаси тарихга оид тадқиқотлар олиб борар эди. У 1985 йилда Американинг стипендиясини қўлга киритади. Шу туфайли оила Нью-Йоркка кўчиб боради. Ўрхон Памук Колумбия университетида уч йил турк тилидан сабоқ беради. Турмуш қурганларининг ўнинчи йили 1991 йилда қизи Рўё тугилади. Ёзувчининг шахсий ҳаётида 2001 йили салбий ўзгариш рўй беради, у оиласидан ажрашади.

2005 йили адид Швейцария газетасига интервью бериб, турк тупроғида арманларга уюштирилган геноцид ҳақида айтиб ўтади. Унга нисбатан

биринчи жаҳон урушида арманларнинг ўлдирилиши мавзуси талқини учун жиноят иши очилади. Шундан сўнг адаб ҳаётининг хавфсизлиги мақсадида Америкага кетишни лозим топади. Адаб умрини гоҳ Америкада, гоҳ Истамбулда ўтказишига тўғри келади. Бугунги кунда ёзувчи Ўрхон Памук Туркияда яшаб ижод этиб келмоқда.

Ўрхон Памук 2012 йил, 28 апрелда Истанбулда “Маъсумлик музей”ни очади. Аслида музей 2008 йилда ишга тушиши керак эди. Турли сабабларга кўра унинг очилиши кечикади. Маълумотларга қараганда музей учун бир миллион евродан ортиқ маблағ сарфланган. Ёзувчининг эътирофича, музей улуғвор эмас – кўргазма 1950-2000 йиллар оралиғида яшаган ватандошларининг оддий турмуш тарзини акс эттиради.

Ўрхун Памук ёзувчиликдан ташқари тасвирий санъат ва фотография билан ҳам қизиқади. 2019 йил, февраль ойида Истамбулда унинг фотокўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада адебнинг бир неча йиллар ичida уйининг болаҳонасидан туриб тасвирга туширилган севимли шаҳрининг олти юзта сурати намойиш қилинди. Суратлар хронологик кетма-кетлик асосида кузатилса, қизиқарли воқеалар орқали фотороман ҳосил бўлади.

Ўрхон Памуқнинг ижоди 1974 йилдан бошланади. Унинг ilk асари 1979 йилда Мехмет Эрўғли билан ҳамкорликда ёзилган “Қоронғилик ва нур” романи бўлди. Ушбу асар “Миллий романлар” танловида биринчи ўринга лойиқ деб топилади. Ёзувчи 1982 йилда асарни қайта ишлаб “Жавдат Бей ва ўғиллари” номи билан нашр эттиради. Роман учун Ўрхон Камол мукофоти берилади. Асарнинг ilk қўлёзмасини ўқиган ёзувчининг отаси унинг Нобель мукофотини олишини айтган эди. Адебнинг 1984 йилда ёзилган иккинчи романи “Сассиз уй” учун “Модерн роман” мукофоти берилади. Роман француз тилига таржима қилинади, асар 1991 йилда “Европада кашф” мукофотига сазовор бўлади.

1985-1988 йилларда Ўрхон Памук Ява университетида дунё ёзувчиларининг Америка ҳаётини ўрганишлари ва китоб ёза оладиган бир ҳолга эришишларига имкон берадиган курсни битиради.

Ёзувчининг 1985 йилда чоп этилган “Оқ қалъа” тарихий мавзудаги романи 1990 йилда Америкада “ИнDEPENDENT AwARD фор фореигн фистион” (“Хориж асарларини эркин тақдирлаш”) мукофоти билан тақдирланди. 1985 йил “New Йорк Таймс” газетасида ёзувчига қуидаги баҳо берилади: “Шарқда янги юлдуз пайдо бўлди. Бу турк ёзувчиси Ўрхон Памук”. Ёзувчининг асарлари хорижда кенг оммалаша бошлади.

Ўрхон Памуқнинг публицистик мақолалари ва бир ҳикояси 1999 йилда “Бошқача ранглар” китобида чоп этилади. Ёзувчи бир қанча киноқисса ва сценарийлар муаллифи ҳамдир. Унинг “Ниқобли юз” номли киноқиссаси асосида режиссёр Умар Қовур кинофильмини яратди. Мазкур сценарийга ёзувчининг 1990 йилда босилган “Кора китоб” романидан бир бўлим олинган эди. “Ниқобли юз” фильмни 1991 йилда Анталиядаги ўтказилган “Олтин пўртахол фильм” кинофестивалида “Энг яхши сценарий” номинацияси бўйича мукофот олади.

2002 йилда “Кор” асари ҳақида “Туркияning этник ва сиёсий масалаларини тадқиқ этувчи сиёсий роман” деб изоҳ берилди. Роман 2004 йилда инглиз тилида нашр этилади ҳамда “Йилнинг энг яхши ўн китобидан бири” деб эътироф этилади. “Менинг отим қирмизи”, “Кор”, “Истамбул. Хотиралар ва шаҳар” асарлари чоп этилади.

“Менинг отим қирмизи” асари дунёнинг йигирма тўрт тилига таржима қилинади ҳамда 2003 йилда Ирландиянинг «Интернатионал ИМПАС Дублин Литерарий AwARD» номли халқаро мукофотига сазовор бўлади.

Ўрхон Памук 2006 йилда Нобель мукофотига сазовор бўлади. Маълумотларга кўра адабиёт соҳасидаги Нобель мукофоти учун икки ижодкор – Адонис тахаллусли суряялик шоир Али Аҳмад Саид ҳамда Ўрхон Памук номи тавсия этилган эди. Жамоатчилик мукофотни суряялик шоир

олса керак, деб ўйлайди. Бироқ Швеция академияси 2006 йил, 12 октябрь куни соат 14.00да берган баёнотида мукофот “Туғилган шаҳрининг ҳазин руҳи изларини кузатиб яшар экан, маданиятларнинг бир-бири билан уланиши ва боғланиши учун янги рамзлар топган” туркиялик ёзувчи Ўрхон Памуққа берилганини маълум қиласди. Ўрхон Памуқ бутун туркий дунё юртлариаро биринчи бўлиб Нобель мукофотига сазовор бўлган илк турк ёзувчиси ҳисобланади. Адаб тирик классик деб эътироф этилган, унинг ижодий библиографияси эса “Маъсумлик музейи” ва “Менинг ғаройиб хаёлларим” китоблари билан тўлдирилди. Адаб аввалдан то ҳозиргacha асарларини компьютерда эмас, қўлда ёзиб келади.

Ёзувчининг охирги романи “Малла сочли хоним” 2016 йилда чоп этилади. Асар ёш лицей ўқувчисининг кўча театрининг сирли актрисасига бўлган муҳаббати ҳақида. Ёшлиқдаги бундай ҳодиса унинг келажакдаги ҳаётига катта таъсир қилиб, тақдирини ўзгартириб юборади. Кўп қатламли сюжет китобхонга қаҳрамон ҳаётининг турли босқичлари билан таниширади: дастлаб китобхон кўз олдида тажрибасиз ўсмир намоён бўлса, кейин ғайратли йигит, охири ақли кирган, соchlари оқ кекса киши сифатида кўринади. Асар рус тилида биринчи марта “Иностранка” нашриётда чоп этилади.

Ўрхон Памуқ томонидан ёзилган китоблар жами ўнта бўлиб, асарлари ўн бир марта мукофотга лойиқ топилган. Романлари дунёning қирқдан ортиқ тилига таржима қилинган. Машҳур ёзувчи китобларининг икки миллионга яқин нусхаси сотилган. Ўрхон Памуқ романларини таҳлил қилган адабиётшунослар унинг постмодерн йўналишида ижод қилишини таъкидлаганлар. Турк тадқиқотчиси Йилдиз Эжевит “Мутолаа” мақолалар тўпламида ёзувчи асарлари авангард услубида эканини айтади. Ёзувчининг машҳур бўлган романлари “Оқ қалъа”, “Қора китоб”, “Янги ҳаёт”, “Менинг отим қирмизи” кабиларда мураккаб рамз, мажоз ва тимсолларни қўллаб, ўзининг ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликка муносабати ва фикрларини

оригинал шаклда ифода этади. Ўзбек адабиётшуноси ва таржимон Миразиз Аъзамнинг тадқиқотларида ҳам ёзувчининг “ўтмиш-буғун, шарқ-ғарб, анъана-модерн ва янги-эски борасида катта ўзгаришларга йўл очаётгани”, “постмодерн романининг муҳим бир унсури бўлган устқурма техникасини моҳирона қўллаётгани” таъкидланади. Шунингдек Миразиз Аъзам мақоласида адабиёт тарихчиси Жола Парланинг фикр-хулосалари ҳам таҳлил этилади. Унда Жола Парланинг “Дон Кихотдан то ҳозирги кунгача бўлган роман” номли асарида “Менинг отим қирмизи”дан бошлаб, Ўрхон Памуқнинг романчилигини чоғиштирма адабий гулдаста ичидаги тадқиқ этгани, Парла Памуқни турк романидаги бурилиш қилаётган бир ёзувчи деб баҳо бергани айтиб ўтилади. Ўрхун Памуқ шарқ-ғарб мавзусида қалам тебратган Аҳмет Ҳамди Тонгпинар ва Ўғуз Отой каби ёзувчилар қаторида экани таъкидланади.

Ёзувчининг халқаро Нобель мукофотини олишига сабаб бўлган асари “Истамбул. Хотиралар ва шаҳар”dir. У 2003 йилда нашр қилинган бўлиб, турк тилида тўққиз марта босилган. Мукофот топшириш ҳақидаги Швеция Академияси қарорида “Ўрхон Памуқ ўзининг жонажон шаҳрида хафақон кўнгилни қидиаркан, маданиятлар тўқнашуви ва уйғунлигининг янги рамзларини кашф қилган”, деб ёзилган. Ўрхон Памуқнинг асарлари ўзбек тилига тўла таржима қилинмаган. Ўзбекистонда ёзувчининг айрим асарлари таржимаси Миразиз Аъзам ва Шермурод Субҳонлар томонидан амалга оширилган. “Истамбул. Хотиралар ва шаҳар” романидан олинган парча Миразиз Аъзам томонидан таржима қилиниб, “Мактаб аламлари ва завқлари” сарлавҳаси билан 2007 йили “Маърифат” газетасида эълон қилинган.

Асарда мактаб ўқувчиси, ўсмир бола Али томонидан воқеалар, манзаралар ҳикоя қилинади. Романга ёзувчининг ҳаётидаги воқеалар асос қилиб олинган. Асарнинг “Дераза орти манзаралари” қисмida Али оиласидаги муҳит, унинг ота ва онаси ўртасидаги совуққон муносабат ва бу муносабатларнинг дарз кетиши, у ўқиётган мактабдаги турли ҳолатлар, бола

томонидан кузатилган Истамбул шахри манзаралари тасвиранади. Ёзувчининг ушбу тасвириданоқ аввал тўкинчилик, фаровонликда яшаган катта хонадоннинг эндилиқдаги турмуш тарзи қийин аҳволга келиб қолгани англашилади: “Дастурхон тузатишларини кутганча дераза ортидан кўчани кузатиб тураг эканман, мен ўзимни туғишганларим, қариндош-уругларим орасида шундай баҳтли сезардимки, ҳатто катта столни хирагина ёритиб турган хира билур қандиллар ҳам кўзимга ярқираб кўринарди. Бувимнинг ошхонаси ҳамиша ним ёруғ, бошқа хоналари ҳам худди шундай, балки бундан-да қоронғуроқ бўларди. Бу балким ҳеч очилмайдиган балкон эшикларига осиб ташланган оғир дарпардалардан тўкилаётган, сирғалиб тушаётган соялардандир, балким дим хоналарда ўтириб қолган ҳидлардандир. Бу хоналар садафдан ясалган асбоблар-ашёлар, кўчма пардалар, эски сандиқлар, катта-кичик столлар, улкан думли роял, унинг устидаги рамкали фотолар ва бир уюм бошқа нарсаларга тўла”. Али отаси ва онаси ўртасидаги жарлик улканлашиб бораётганини билмайди, бунинг сабаби балки катталар болалар олдида ўзларига тегишли масалаларни ошкор этмаслигидандир. Отасининг қаёққадир (кейинроқ Парижга кетаётгани маълум бўлади) кетишга тараддуудлангани кўз ўнгида рўй бераётган бўлса-да, болаларча беғубор кўнгли туфайли бундан ташвиш тортмайди. Ота эса оила аъзоларига билдиримай Парижга жўнаб кетади. Ота ва бола муносабатлари, отанинг оилавий ҳаётидан кўнгли қониқмаслиги, оилани ташлаб кетиш фикрига келиши, шунга қарамай фарзандларига бўлган меҳрини ёзувчи моҳирона тасвиrlаб беради. Футбол томошасига фарзандлари билан тушган ота сиёҳранг шарфли таниши билан кўришиб қолади. Шу ўринда ҳам оила, фарзандлар тўғрисидаги танишининг саволига ота жуда қисқа ва руҳсиз жавоб беради: “-Булар сенинг болаларингми? – деди у отам билан қучоқлашиб кўришар экан.- Ишонгим келмаяпти, катта бўлиб қолишибди-ку! Отам мийигида кулиб турагди. — Қачон катта қилиб улгурдинг? – тинмай жаврарди отамнинг таниши бизга ажабланиб қааркан. – мактабни

битирибоқ уйлангансан-а? — Ҳа, — деди отам танишининг юзига қарамай”. Боланинг отаси ўз уйидан кетиш олдидан ўғлига кетаётганини ҳеч кимга айтмаслигини тайинлайди. Бу ўринда ҳам отанинг болажон табиати китобхон кўз олдида намоён бўлади: “Отам елкамдан қучди, шу куйи узоқ вақт деразадан ташқарига қараб турдик. Қаршимиздаги уй ўртасидаги баланд бўйли сарв дарахти учлари шамолда оғир чайқалишарди. Мен отамнинг қадрдон ва азиз ҳидини туйдим. — Мен узоққа кетаяпман, — деди у мени ўпиб қўяркан. — Онангга ҳеч нарса дема. Кейин ўзим айтаман. — Самолётда учиб кетасизми? — Ҳа, — деб жавоб берди у. — Парижга учаман. Ҳеч кимга ҳеч нарса дема. Отам чўнтағидан катта танга пул олди-да, менга берди. — Ҳеч кимга ҳеч нима дема, — деди у бетимдан ўпиб қўяркан. — Мени бу ерда кўрганингни ҳам ҳеч кимга айтма. Пулни дарҳол чўнтағимга солиб қўйдим. Отам мени қучоғидан чиқариб, жамадонини кўтариб олди. — Отажон, кетманг, — ялиндим мен. У мен яна қучиб ўпди-да, чиқиб кетди. Мен дераза ёнига бориб, унинг ортидан қараб қолдим. Отам Оловуддин дўкони томон йўл олди, йўлда келаётган таксини тўхтатди. Таксига ўтиришдан аввал уйимиз томон ўгирилиб қаради-да, менга қўлини силкиди. Мен ҳам қўл силкитиб қўйдим”.

Отанинг ҳатто ўз ота-оналарига айтмай, сирли равишда Парижга жўнаб кетиши, рафиқасининг бундан ташвиши, бу ҳақда ўз онаси ва қайноаси билан сұхбатлашиши китобхонни чукур ўйлантиради. Китобхон оиласиб муаммоларнинг илдизлари нимада эканини тушунишга, инсон қалби кечинмалари, истаклари, маънавий оламининг ўзига хос эканлигини англашга чоғланади.

Ўрхон Памуқ “Миллият” газетасига берган интервьюсида ҳозирги кунда 1900 йиллардаги воқеалар тасвиrlанган роман устида ишлаётганини, асар сюжети ўттиз беш йилдан буён ўйлангани ҳақида ахборот берди.

### **Адабиётлар:**

1. Субҳон Шермурод. Постмодернизм ҳақиқати // Гулистон, 2008, 5-сон.
2. Субҳон Шермурод. “Постмодернизм: истилоҳлар” // “ЎзАС” газетаси 2009 йил 30 январь. 5-сон.
3. Шарафиддинова М. XX аср адабиётида абсурд ҳаёт руҳи // Жаҳон адабиёти, 1999, январь. Б.-194-199.
4. Холбеков М. Сўлган атиргулнинг номи. // «ЎзАС» 2008 й. 16-январь.
5. [https://ru.wikipedia.org › wiki › Памук\\_Орхан](https://ru.wikipedia.org/wiki/Памук_Орхан)
6. [https://24smi.org › селебрити › 98785-оркхан-памук](https://24smi.org/celebriy/98785-orkhan-pamuk)
7. [7. www.e-adabiyot.uz › ... › Xар-хил мақолалар](http://www.e-adabiyot.uz/.../Xar-xil_maqolalar)
8. [kh-davron.uz › янгиликлар › муборак-кун › орҳо...](http://kh-davron.uz/yanгиликлар/muborak-kun/orxo...)

## ГЛОССАРИЙ

**Адабиёт**(ар. ادب адаб – гўзал хулқ) – кенг маънода инсон тафаккурининг маҳсули ўлароқ дунёга келган, ўқиш учун мўлжаллаб ёзилган асарлар жами. Тор маънода – сўз санъати, бадий адабиёт.

**Адабий йўналиш** (русчадан калька: "литературное направление", "литературное течение") - адабий жараён билан боғлиқ категория. А.й. тушунчаси *ҳаётни бадий акс эттириши принциплари, метод ва услуг* тушунчалари билан бевосита боғлиқ, у бадий тафаккур тарзи, метод ва услуг кесишган нуқтада юзага келади.

**Адабий мактаб** (русчадан калька: "литературная школа") -адабий йўналиш ичидағи ҳодиса, муайян ғоявий-естетик қарашлар, ижодий принципларни дастурий тарзда қабул қилган ижодкорлар грухси.

**Адабиёт тарихи**– адабиётшунослик фанининг асосий соҳаларидан бири. А.т.нинг предмети – ўтмиш адабиёти бўлиб, уни жараён ёки шу жараённинг бир бўлаги (босқичи) сифатида тадқиқ этади. А.т.нинг асосида тарихийлик принципи ётади. Тарихийлик принципи адабий жараённи конкрет ижтимоий-тарихий шароит билан боғлиқ ҳодиса сифатида ўрганишни тақозо этади. Яъни, А.т. ўтмишдаги адабий ҳодисаларни, яратилган асарларнинг ғоявий-мазмуний хусусиятларини белгилаган, бадий тафаккур ривожи, поэтик усул ва воситаларнинг ўзгариши ва ш.к.ларга асос бўлган ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий омилларни очиб беради.

**Адабий тур**– адабий асарларнинг нутқий ташкилланиши, тасвир предмети, объект ва субъект муносабати каби жиҳатлари билан умумийлик касб этувчи йирик грухси. Анъанавий равишда бадий асарларни учта катта груухга – эпик, лирик ва драматик турларга ажратиб келинади.

**Адабий таъсир** (русчадан калька: "литературное влияние") -адабий жараёнда табиий равишда ва қонуният мақомида мавжуд бўлган, бадий тафаккур ривожида муҳим аҳамиятга молик ҳодиса.

**Аруз**(ар. عروض –чодирни ушлаб туриш учун ўртага қўйиладиган ёғоч) – 1) қисқа, чўзиқ ва ўта чўзиқ хижоларнинг муайян тартибда гурухланиб такрорланишига асосланган метрик шеър тизими. Манбаларда арзга ВИИИ асрда яшаган араб олими Ҳалил ибн Аҳмад томонидан асос солингани, бу атама олим яшаган водий номи билан боғлиқ эканлиги қайд этилади. А. минг йиллар давомида Шарқ адабиётидаги етакчи шеър тизими бўлиб келди, муттасил бойиш ва ривожланишда бўлди, мукаммал системага айланди, унинг қонуниятлари билан шуғулланувчи соҳа – илми арз (қ.) шаклланди.

**Бадиий асар**– адабиёт ва санъатнинг воқе бўлиш ва яшаш шакли, яхлитлик касб этган образлар системаси, бадиий мулоқот воситаси. Кенг маънода Б.а. санъатнинг у ёки бу тури (мусиқа, рассомлик, ҳайкалтарошлик, кино, театр ва х.) га мансуб бўлган, инсоннинг гўзаллик қонуниятлари асосидаги ижодий-рухий фаолияти маҳсули сифатида яралган янги мавжудликни англатади, яъни бу маънода алоҳида олинган мусиқа асари ҳам, ҳайкал ёки рангтасвир ҳам, фильм ёки спектакль ҳам – бари Б.а. саналади. Термин фаол қўлланувчи тор маъносида бадиий адабиётга мансуб бўлган “адабий бадиий асар”ни билдиради.

**Бадиий образ**– адабиёт ва санъатнинг фикрлаш шакли, олам ва одамни бадиий идрок этиш воситаси, бадииятнинг умумий категорияси. Луғавий маъносида ҳар қандай аксни билдирувчи “образ” сўзи турли фан соҳаларида (фалсафа, психология) муайян терминологик маънода қўлланади. Жумладан, эстетика ва адабиёцхуносликда у “бадиий образ” маъносида тушунилади. Б.о. деганда борлиқ(ундаги инсон, нарса, ҳодиса ва х.)нинг санъаткор кўзи билан кўрилган ва идеал асосида ижодий қайта ишланган акси тушунилади. Албатта, бу аксда борлиқнинг қўплаб таниш излари бор, бироқ энди у биз билган борлиқнинг айни ўзи эмас, балки ундан шартлилик асосида ажralган янги мавжудлик – бадиий борлиқдир. Худди шу ҳол Б.о.ни объектив ва субъектив ибтидолар бирлигига айлантиради.

**Бадиийлик** – ижодий-рухий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарнинг санъатга мансублигини белгиловчи хусусиятларнинг мажмуй. Образлилик Б.ликнинг бирламчи шарти саналиб, у воқеликни бадиий образлар орқали идрок этиш, бадиий образлар воситасида фикрлаш демакдир. Образлилик санъатнинг ўзак хусусияти бўлиб, у бўлмаган жойда Б. ҳам мавжуд эмас.

**Бармоқ** – туркий халқлар шеъриятида кенг тарқалган шеърий вазнлар тизими, сўзлашувда ва илмий муомала амалиётида “бармоқ”, “бармоқ вазни”, “бармоқ системаси”, “бармоқ тизими” каби шаклларда ҳам ишлатилади. Б. туркий тилларнинг табиати, фонетик хусусиятларига тўла мос келади. Шу сабабли ҳам Б. туркий шеъриятда қадимдан қўлланган: халқ оғзаки ижодидаги шеърий асарларнинг асосан Б.да яратилгани бунинг ёрқин далилидир. Шуларни назарда тутган ҳолда Фитрат Б.ни “миллий вазн” деб атайди. Кўпинча Б. миқдорий шеър тизими, унда изометрия мисралардаги бўғинлар сонининг тенглиги ҳисобига таъминланади, дейиш билан чекланилади. Бироқ Б.да ёзилган шеърнинг ритмик хусусиятларини бўғинлар сонининг тенглигигина белгиламайди, бунда мисраларда бўғинларнинг қай тартибда туроқланиши (гурухланиши) ҳам катта аҳамиятга эга.

**Достон** – 1) туркий халқлар оғзаки ижодидаги эпик жанр. Халқ оғзаки ижодидаги Д.лар воқеабанд сюжет асосига қурилган йирик ҳажмли асарлар бўлиб, улар баҳши(оқин, жиров, манасчи)лар томонидан мусиқа (дўмбира, қўбиз ва б.) жўрлигида ижро қилинган, оғиздан-оғизга ўтиб бизгача етиб келган. Бу жараёнда ҳар бир ижрочи ўзидан нимадир қўшган, ниманидир тушириб қолдирган ва шу тариқа Д.лар сайқалланиб борган. Халқ ижодидаги Д.нинг матний қурилиши ижрога мос – унда насрый ва шеърий парчалар алмашиниб туради: ривоя асосан насрда амалга оширилса, қаҳрамонлар орасидаги энг муҳим диалоглар, уларнинг руҳий ҳолатлари, таърифу тавсифлар, ижрочи муносабати ва ш.к. кўпроқ шеърий ё’лда берилади. 2)

мумтоз адабиётимиздаги йирик ҳажмли, одатда, маснавий шаклида ва арузнинг маълум бир вазнида ёзилувчи шеърий асар.

**Миф** (юн. *mithos* - ривоят, ҳикоя, масал) - халқ оғзаки ижоди-нинг энг қадим даврларида пайдо бўлган, воқелик (олам) ҳақидаги тасавурларни конкрет образлар воситасида акс эттирувчи ривоя-вий асарлар

**"Онг оқими"** - XX аср модернистик адабиётида майдонга келган ҳаётни тасвираш усули; инсон рухиятида кечувчи жараёнларни бевосита, улар ҳақиқатда қандай кечса, ўшандай тасвирашга интилган адиблар ва уларнинг асарларига нисбатан қўлланувчи шартли атама.

**Постмодернизм** (фр. *постмодернisme* - модернизмдан кейинги) - ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб адабиёт ва санъатда, умуман, ижтимоий-гуманитар соҳаларда кузатила бошлаган оқим, ижодий метод.

**Проза** (лот. *проза* - тўғри, одатий) - 1) ҳозирда кенг қўлланувчи маънода бадиий нутқнинг икки асосий типидан бири, ритмик жихатдан ўлчовли тартибга солинмаган нутқ, наср.

**Реализм** (лот. *реалис* - мавжуд, ҳақиқий) - адабиётшуносликда Р. термини тор ва кенг маъноларда қўлланади. Кенг маънода Р. терминининг маъноси бадиий асар (унда тасвирангандан бадиий воқелик) билан реал воқелик муносабатидан келиб чиқади.

**Реалия** (лот. *реалис* - ашёвий) - муайян халқнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихи билан боғлиқ бетакрор, ўзга халқларда учрамайдиган нарса-ҳодиса, тушунча; шундай нарса ва тушунчаларни англатувчи сўз.

**Роман** (фр. *роман* - "лотин тилида эмас, роман тилларидан бирида ёзилган" маъносида) - замонавий адабиётда эпик турнинг йирик ҳажмли жанри.

**Символизм** (юн. *символон*, фр. *символисме* - белги, нишон) - Эвропада XIX аср охири - XX аср бошларида кузатилган маданий-маънавий инқизор шароитида, позитивистик ёндашув (к. *натурализм*) ва тобора урчиб бораётган омма адабиёти (*беллетристика*) намуналари обрўсизлантирган реалистик тасвир принциплариiga қарши ўлароқ, вужудга келган адабий оқим.

**Эпопея** (юн. сўз бўлиб, яъни: эпос - ривоя, ҳикоя -яратмоқ, ижод қилмоқ) - ҳажман йирик, асосига умумхалқ аҳамиятига молик проблематика қўйилган эпик асар.

**Эпос** (юн. эпос - ривоя, ҳикоя) - 1) бадиий адабиётнинг учта асосий туридан бири.

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>5</b>
<b>I. Ўрта асрлар шарқ адабиёти.....</b>	<b>9</b>
Фирдавсий ҳаёти ва ижоди.....	9
Умар Хайём ҳаёти ва ижоди.....	16
Рудакий ҳаёти ва ижоди.....	20
Ҳофиз Шерозий ҳаёти ва ижоди.....	26
Абдураҳмон Жомий ҳаёти ва ижоди.....	35
Саъдий Шерозий ҳаёти ва ижоди.....	45
Хусрав Деҳлавий ҳаёти ва ижоди.....	51
<b>II. Туркий тилда сўзлашувчи қардош халқлар адабиёти.....</b>	<b>57</b>
Туркий халқлар адабиётининг муштарак жиҳатлари.....	57
“Манас” достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	71
“Дада Кўркут” достонининг ғоявий-бадиий хусусиятлари.....	73
Озарбайжон адабиёти. Низомий Ганжавий ҳаёти ва ижодий мероси.	78
Фузулий ҳаёти ва ижоди.....	91
Туркман адабиёти. Махтумқули ҳаёти ва ижоди.....	105
Қозоқ адабиёти. Мухтор Аvezov ҳаёти ва ижоди.....	111
Қирғиз адабиёти. Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди.....	119
Турк адабиёти. Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодий мероси.....	127
Азиз Несин ҳаёти ва ижоди.....	137
Нозим Ҳикмат ҳаёти ва ижоди.....	146
Ўрхон Памук ҳаёти ва ижоди.....	157

## **Содержание**

<b>Предисловие.....</b>	<b>5</b>
<b>I. Восточная литература в средневековье.....</b>	<b>9</b>
Жизнь и творчество Фирдауси. ....	9
Жизнь и творчество Умар Хайём.....	16
Жизнь и творчество Рудаки.....	20
Жизнь и творчество Ҳофиз Шерози.....	26
Жизнь и творчество Абдураҳмон Жоми.....	35
Жизнь и творчество Саъдий Шерози.....	45
Жизнь и творчество Хусрав Дехлави.....	51
<b>II. Литература тюркоязычных народов.....</b>	<b>57</b>
Аналогичные особенности литератур тюркоязычных народов....	57
Идейно-художественные особенности эпоса “Манас”.....	71
Идейно-художественные особенности эпоса “Дада Қўрқут”.....	73.
Азербайджанская литература. Жизнь и творческое наследие Низами Генжави.....	78
Жизнь и творчество Физули.....	91
Туркменская литература. Жизнь и творчество Махтумкули.....	105
Казахская литература. Жизнь и творчество Мухтар Аvezова.....	111
Киргизская литература. Жизнь и творчество Чингиз Айтматова....	119
Туркская литература. Жизнь и творческое наследие Жалолиддин Руми.	127
Жизнь и творчество Азиз Несин.....	137
Жизнь и творчество Нозим Хикмет.....	146
Жизнь и творчество Орхан Памук.....	157